

**“САҲНА НУТҚИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШ
ЖАРАЁНИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР**



- ❖ ЎЗДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Актёрлик санъати” (турлари бўйича) йўналиши
- ❖ Доцент И.Джуманов

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан
тасдиқланган
ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчи:

Тузувчи: “Саҳна нутқи” кафедраси доценти И.Джуманов

Такризчилар: Театр эксперти: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Ф.У.Хўжаев
ЎзДСМИ “Саҳна нутқи” кафедраси профессор в.б.
М.Ходжиматова

Ўқув -услубий мажмуа ЎзДСМИ Илмий методик
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “29” январдаги 1-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	15
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	22
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	91
V.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	99
VI.	ГЛОССАРИЙ.....	105
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	108

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли, 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6000-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3920-сон, 2018 йил 19 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ПҚ-4068-сон, 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4584-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади. Мамлакатимизда юксак маънавиятга эга бўлган малакали кадрларни тайёрлашда сўз санъатининг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони Республикаимизда амалга оширилаётган ислохотларимизнинг муҳим пойдеворларидан биридир. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти санъатнинг турли соҳаларига, яъни театр, кино, радио, телевидение соҳаларига кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда театр, кино, радио, телевиденияда ижод қилаётган мутахассисларнинг адабий тил нормаларини ўзлаштириш даражаси, саҳнавий нутқи, ҳамда унинг бадиийлигига катта эътибор қаратилиши шарт. Республикаимизда сўз санъати ва унинг тарбиявий вазифалари, фанининг ўзига хос тавсифи, асосий йўналишлари ва уларни ўзлаштиришнинг назарий ва амалий, услубий хусусиятларига бўлган талаб ва эътибор тобора ошиб

бормоқда. Модулда аниқ, равон, гўзал нутқнинг шаклланиши ва такомиллашига, ўзбек адабий тилида таъсирчан ифодадаги сўз ҳаракатига замин яратаётган қатор техник машқлар ва сўз устида ишлаш жараёнларининг назарий, таҳлилий, ижодий жиҳатлари ёритилади. Дастур тузишда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да кўрсатилган йўриқлар талаблар, вазифалардан ҳамда “Саҳна нутқи” кафедраси профессор-ўқитувчиларининг кўп йиллик тажрибалари, таҳлиллар ва хулосалардан келиб чиқиб тузилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури куйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларни инновацион ёндашувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Фаннинг мақсади ва вазифаси

“Саҳна нутқи” фанини ўқитиш жараёнига инновацион ёндашувлар предметининг мақсади талабаларни намунали, равон нутқини

такомиллаштиришга асос бўладиган сахнавий нутқини ўзлаштириш, шунингдек, уларнинг театр, кино, телевидение, радио эстрадининг ижро жараёнларида жаранглайдиган жонли сўз санъатининг таъсирчан, ифодавий мукаммалигини шакллантириш ва мустаҳкамлашни назарда тутати. Нутқий техник мукамалликка эришишнинг назарий ва амалий асосларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Фан тизимида сахна нутқини амалий услубий ўзлаштириш жараёнларининг ўрнини асослаш, фаннинг хусусияти, мазмуни, моҳиятини ёритиш, замонавий актёрлик санъати даражасидаги ижодий жараёнларида касбий маҳоратини шакллантириш фаннинг асосий мақсад ва вазифаларини белгилайди.

Мустақил назарий, амалий, ижодий изланиш салоҳиятини мустаҳкамлаш, ўзини тарбиялаш ва мутахассислик даражасини доимий ошириб боришга интилишга ёъналтирилади. Ўқув машғулоти жараёнида маъруза, амалий ва яққа машғулоти олиб боришда турли интерактив услублар ва воситалар қўлланилади.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Сахна нутқи” фанини ўқитиш жараёнига инновацион ёндашувлар ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида тингловчи куйидагиларни бажара олиши лозим:

- Овоз устида ишлаш ҳамда овоз жарангига эришиш жараёнларининг назарий ва амалий асосларини ўзлаштириши;

- Товушлар талаффузининг аниқлиги, равонлиги, мукамаллигини ифодаловчи нутқ аъзолари; лаб, жағ, оғиз бўшлиғи, маромли ва меъёрий фаолиятини таъминловчи машқларини ўзлаштириши, эркин кўникмалар ҳосил қилиши;

- Турфа товушлар талаффузининг соф адабий тилдаги меъёрий талаффузи ва уни мустаҳкамлашнинг услубий, амалий асосларини ҳаракатланиш маромлари ва нафас органларининг вазифаларини билиши ва амалий ижодий ижро меъёрларига эришиши;

- Сахнавий нутқ техникасининг такомиллаштирувчи, мустаҳкамловчи машқларнинг услубий-амалий жиҳатдан ўзлаштириш

- Актёрлик ва режиссёрлик йўналишларида малака оширадиган тингловчилар сахна нутқи техникаси, сўз устида ишлаш ва амалий ижро маҳорати, унинг ўрни ҳамда вазифаларини пухта билиши ва ўзлаштириши;

- Сахна нутқи маҳоратини эгаллашда услуб ва воситалардан фойдаланиш билан бирга таҳлил орқали янги асарлар мажмуаси устида ишлашга кўникма ҳосил қилиши;

- Сахна нутқининг мукамаллигини таъминловчи замонавий илмий-услубий адабиётлар билан танишиш ва татбиқ қилиш, мунтазам ўз устида ишлаш;

- Фаннинг илмий-услубий, ижодий асосларини шакллантирувчи

мажмуаларини ўзлаштириш;

- Турли жанрлардаги адабий матнларни танлаш, таҳлил қилиш ҳамда амалий ижро жараёнларига татбиқ қилиш.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Бу модулни амалда бажариш учун тингловчилар ифодали ўқиш, нутқ маданияти, сахна нутқи йўналишида ўзлаштирган жонли сўзнинг назарий ва амалий асослари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлишлари лозим. Актёрлик ва режиссёрлик йўналишидаги тингловчиларнинг нутқ техникаси ва сўз устида ишлашнинг профессионал асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун бугунги кун талаби даражасидаги билимли, онгли ва билимли ижодкор касб эгаси бўлиши, комил инсон бўлиб тарбияланишида барча фанлар бир мақсад сари уйғунликликда фаол иштирок этадилар.

Нутқ техникаси, нафас, овоз, талаффуз ва сўз устида ишлашнинг тамойиллари “Актёрлик маҳорати”, гуманитар фанлар, ижтимоий ва бошқа фанларни ўрганишда, тингловчилар миллий тилимизнинг сержило софлигини, таъсирчанлиги, ғоявий тарбиявий имкониятларини мустаҳкамлаш, изланишлар олиб боради, замонавий инновацион технологиялар асосида фанни ривожланишига йўналтирилади. Педагогика, психология, филология ва ижтимоий фанлар, хориж театрлари, жаҳон киноси ва телевиденияси ютуқларини ўрганиши ҳамда ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлигига эришишга эътибор қаратилади. Сахна нутқи актёрлик маҳорати, режиссура, касбий психология, ижод психологияси, сахна харакати ва жанги, ўзбек тили, театр тарихи фанлари ва бошқа фанларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Фаннинг илм фан ва санъат соҳасидаги ўрни

Республикамизда сўз санъатининг илм – фан, таълим, санъат ва маданият соҳасидаги аҳамияти вазифалари кенг қамровлидир. Тобора тезкор ривожланаётган даврда сўз санъатининг ғоявий, фалсафий, тарбиявий юки ва маъсулияти янада ошиб бораётганлиги, ҳар қандай соҳада турли касб эгаларининг сўз қудрати ва хикматиға таянаётганлиги фаннинг илм фан ва санъат соҳасидаги ўрниға бўлган талабни янада оширади. Сахна нутқи фанининг мақсади ва вазифалари, ўқитишнинг интерфаол усуллари билан уйғунликда кенгайиб бормоқда. Сахна нутқи фанининг руҳий таъсир кучи ва томошабинларнинг қалби ҳамда онгини поклашдаги (катарсис) аҳамияти. Сахна нутқининг – ғоявий, мафкуравий, маданий, маърифий йўналишдаги тарбиявий вазифалари.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Тингловчиларнинг “Саҳна нутқи” фанини ўқитиш жараёнига **инновацион ёндашувлар** фани бўйича малакасини ошириш учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги ахборот–педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллардан фойдаланилади.

Маъруза ва амалий машғулотларда мос равишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

Асосий қисм: Фанга кириш

Асосий қисмда (маъруза) фаннинг мавзулари мантикий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиқ берилади. Бунда мавзу бўйича талабаларга ДТС асосида етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олинishi керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, театр санъатида бўлаётган ўзгаришлар, кўғирчоқ театридаги устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олинishi тавсия этилади.

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Тассавур ва фантазия. Таъсирчан сўзга эришиш омиллари; Адабий парчалар устида ишлашнинг босқичлари; Турли мавзудаги матнлар таҳлили ва талқини; Нутқни такомиллаштирувчи техник машқлар; Воқеалар тизимида сўз ҳаракати. Саҳнавий асарларда образлар ва образлилик; Бармоқ вазнидаги шеърларнинг таҳлилий, назарий ва амалий ижровий, услубий хусусиятлари; Масаллар устида ишлашнинг таҳлилий ва амалий ижровий асослари; Жонли сўз санъатининг таъсирчанлиги, бадиий матнлар, ижро маҳорати; Халқ оғзаки ижоди ижрочилиги; Ғазал таҳлили ва ижрочилиги Монолог. Монолог турлари; Драматик тур. Драматик асарлар таҳлили ва талқини.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

Тингловчилар амалий машғулотларда нутқ техникаси ва сўз устида ишлашнинг амалий ижро жараёнларини ўзлаштиришнинг услубий кўникмаларини ўрганади. Амалий машғулотларда нафас, овоз, артикуляция, дикция ҳамда турли жанрлардаги адабий матнларнинг таҳлилий ва талқин хусусиятларини ўзлаштиради. Ижро учун танланган матнларда қуйидаги принципларга таянади: миллий истиклол ғоялари акс этган, сараланган, бадиий пишиқ, прозаик ва шеърый асарлар мисолида, фаннинг моҳиятини англатувчи ва мавзулар орасидаги боғлиқликни ифодаловчи матнлар танланади.

Амалий машғулот мавзуларини тўлдирувчи шакл бўлгани учун асосий эътибор амалий машғулотларда талабаларнинг назарий, амалий, амалий – якка ҳамда мустақил иш ва таълимига эътибор қаратилади. Хар бир маърузадан олинган назарий билимлар амалиётда қўлланилади, талабаларни фанга бўлган қизиқиши ошади, илмий билимларини амалиётга тадбиқ этишга ёрдам беради.

Фанни ўзлаштиришдаги техник машқлар, такомиллаштирувчи амалий машғулотлар уларни натижасини текширишда адабий асарлардан олинган парчалар устида мунтазам ишлаб борилади. Сўз ижрочилигида қонун қоидалар пухта ўзлаштирилади.

Нафас олиш машқларини ёга тизими талаблари билан уйғунлаштириш масаласи. Овоз ва талаффуз устида ишлаш – унли, ундош, сирғалувчи ҳамда портловчи товушлар талаффузини қироат талаблари асосида такомиллаштириш. Шеваларга хос талаффузларни адабий тил нормалари даражасига олиб келиш масалалари. Матн устида ишлаш талаблари – умумий таҳлил, мантиқий урғулар ва скут (пауза)ларни аниқлаш. Ижро талаблари – матн устида ишлаш жараёнида персонажнинг нутқий характеристикасини яратиш масаласи. Ижро қилинган материални ёзиб олинган шаклини эшитиш ва таҳлил қилиш. Машҳур актёрларнинг намуна даражасидаги нутқий ижросини эшитиш ва таҳлил қилиш. Мультфильмлар персонажларига овоз бериш машқини амалиётга қўллаш жараёнига инновацион ёндашиш.

Амалий машғулотлар учун тавсия этиладиган мавзулар

Нутқ аъзолари ва уларнинг фаолияти; Тана мушакларини бўшатувчи комплекс машқлар*; Артикулятция. Тилнинг фаолияти ва юмшоқ танглай*; Таъсирланиш ва куч. Овоз ва унинг манбалари. Овоз жарангдорлигини мустаҳкамловчи машқлар*; Нутқ аъзолари фаоллиги ва мутаносиблиги; Талаффуз. Талаффуз машқлари; товушлар талаффузини мустаҳкамловчи машқлар; Нутқ техникасини мустаҳкамлаш учун комплекс машқлар; Саҳна нутқи техникасини мустаҳкамлашда инновацион технологиялар Мураккаб бирикмалар асосида талаффуз машқлари; Оддий ва мураккаб тез айтишлар устида ишлаш; Саҳна нутқи техникасини мустаҳкамловчи комплекс машқлар; Саҳнада сўз ва хатти – ҳаракат уйғунлиги*; Матн танлаш ва унинг мантиқий таҳлили; Халқ оғзаки ижоди намуналари ва ижро услублари; Нутқий ифодавий ўзгарувчанликда халқ оғзаки ижоди намуналари; Интонация; Сўз устида ишлаш; Адабий матнларда фикр муносабат ва ҳаракат фаоллиги; Воқеалар тизими, турли вазиятлар ҳақида берилган шарт-шароит асосида муносабат ва жонли сўз эркинлиги; Талаффуз мукамаллиги, тасаввур ва жон сўзни такомиллаштирувчи машқлар тизими устида ишлашнинг амалий асослари; Тасаввур, фикр, сўз хатти-ҳаракати, тасаввур эслаш ва йўналтириш; Саҳнавий сўз, талаффуз таъсирчанлиги, ўзгарувчанлигини такомиллаштирувчи машқлар, вазифаларнинг ижровий амалиёти; Сўз хатти-ҳаракати, воқеалар тизими, жонли сўз фаоллиги асосида овоз, талаффуз ва сўз мутаносиблиги; Саҳнавий асарларда образлар ва образлилик; Бадиий сўз

ижрочилигини такомиллаштириш; Монологлар таҳлили. Саҳна нутқининг барча масалаларининг ижрочиликдаги кўриниши; Кечинма санъати; Монологларда сўз хатти-ҳаракатининг роли; Образларнинг нутқий характери устида ишлаш; Диалог танлаш ва улар устида ишлар. Амалий машғулотлардан ташқари талабаларнинг фанга бўлган малака билим ва кўникмалари асосан якка дарсларда ўзлаштирилади бунда тингловчининг ўз имкониятларига қараб танланган репертуарлар мустахкамланади, тингловчилар нутқида мавжуд нутқий камчиликлар устида якка ҳолда муттасил иш олиб борилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчилар мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- Республика ва жаҳон миқёсида ўтказилаётган байрамларни томоша қилиш ва таҳлил қилиш;
- интернет маълумотларидан фойдаланиш;

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

Матн; Тез айтишлар; Сажлар. Масал, Монолог. Оғзаки нутқ бадиийлигида ижрочи овози, хиссиёти ва жисмоний хатти - ҳаракатлари; Нутқни ривожлантиришга доир машқларни такрорлаш; Муаллифлар асарларидан мустақил равишда шахсий репертуар тайёрлаш; Шеър, ғазал ва бошқа бадиий асарлар устида ишлаш; Насрий асарлар устида ишлаш; Драматик асарлар устида ишлаш;

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

“Саҳна нутқи” фанини ўқитиш жараёнига инновацион ёндашувлар фанини ўқитишда мультимедия жиҳозларидан фойдаланиб, мавзулар бўйича ишлаб чиқилган POWER POINT форматдаги жадваллардан, компьютер, аудио ва видео жиҳозларидан, видеопроектор ва кадаскоплардан фойдаланилади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотлар давомида таълим менежменти функциялари, мақсад ва вазифаларини тавсифловчи тарқатма материаллар,

слайдлар ҳамда кўргазмали куроллардан фойдаланилади. Бундан ташқари куйидагилар ҳам қўлланилади.

- дидактик материаллар тайёрлаш;
- инсерт методи;
- концептуал метод
- аудио ва видео жиҳозлари
- статистик маълумотлар
- интернет тармоғи сайтлари
- КЕЙС СТАДИ методи ва бошқалар

бизнес йўналишида режиссёрликнинг иштироки. Намуна даражадаги сахнавий талқиннинг бадиий аҳамияти. Спектаклнинг бадиий талқинида режиссёрни ҳамда театр жамоасининг ижодий қудратининг аҳамияти.

Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси			
		Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Тасаввур ва фантазия. Таъсирчан сўзга эришиш	2	2		
2.	Адабий парчалар таҳлили	2	2		
3.	Турли мавзудаги матнлар таҳлили ва талқини	4	2	2	
4.	Нутқни такомиллаштирувчи техник машқлар.	4		4	2
5.	Воқеалар тизимида сўз ҳаракати. Сахнавий асарларда образлар ва образлилик.	4		4	2
Жами: 20		20	6	10	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Тасаввур ва фантазия. Таъсирчан сўзга эришиш омиллари

Диққат тасаввурнинг жонланиши, эслаш, фикрлашнинг ўзига хослиги ва амалий ифодавий жараёнлари. Манзаралар тасаввури ва жонли сўз. Ижодкор шахс тарбиясида диққат ва тасаввурнинг ўрни, аҳамияти ва вазифалари ҳамда уларни ривожлантиришнинг интерфаол ўйинли тизимлари. Эслаш асосида фикр ва сўзнинг туғилиши, хотира, диққат ва тасаввурни фаолаштирувчи машқлар.

Адабий матнлар танлаш ва таҳлил қилишнинг мантикий, ижодий намуналари. Манзарали адабий матнлар танлашнинг ижодий принциплари: бадий мукамаллик, тасвирдаги гўзаллик, бетакрорлилик, табиий ва ҳаётийлик, таъсирчанлик. Адабий матнлар таҳлили ва талқинидаги уйғунлик, бадийлик, таъсирчанлик ва унинг амалий, ижодий, ижровий хусусиятлари.

2-мавзу. Адабий парчалар устида ишлашнинг илк босқичлари

Бадий юксак чуқур мазмунли ва ранг-баранг ифодавий хусусиятга эга адабий парчалар танлаш, танишиш ва талабалар билан таҳлил қилиб, уларда асарга нисбатан чуқур тушунча, қизиқиш уйғотиш. Танланган адабий матнлар таҳлили ва муҳокамаси жараёнида талабалар тасаввури, ижодий фантазияси, билими ва амалий ижро жараёнларига лаёқатини мустаҳкамлаш. Адабий матнлар устида ишлашнинг илк босқичлари жараёнида белгиланган вазифалар тизими, ижросини гуруҳ талабалар ўртасида таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр алмашиб, уларда адабий парчалар устида ишлаш жараёнларига интилиш меҳри ва маъсулиятини ошириш.

3-мавзу. Турли мавзудаги матнларда таҳлил ва талқин.

Адабий матнлар танлаш ва таҳлил қилишнинг мантикий, ижодий намуналари. Манзарали адабий матнлар танлашнинг ижодий принциплари: бадий мукамаллик, тасвирдаги гўзаллик, бетакрорлилик, табиий ва ҳаётийлик, таъсирчанлик. Адабий матнлар таҳлили ва талқинидаги уйғунлик, бадийлик, таъсирчанлик ва унинг амалий, ижодий, ижровий хусусиятлари.

4-мавзу. Нутқни такомиллаштирувчи техник машқлар.

Соф адабий талаффуз, сўзлардаги аниқ, равон, мукамал, жарангли ва таъсирчан ифодага эришишни таъминловчи машқлар. Турли вазият ва шарт-шароитлардаги вазифалар орқали нутқ аъзоларининг фаоллиги ва техник мукамаллигига эришиш. Сонор товушлар, бирикмалар, жумлалар, жамламалар жамулжамлиги. Фикр тасаввур, ирода ва ифодавий ўзгарувчанлик. Мураккаб бирикма ва тез айтиш устида ишлаш. Саҳнавий

нутқнинг ифодавий таъсирчанлигини мукаммаллаштирувчи, жонли сўз, мулоқот иқтидорини такомиллаштирувчи воқеа, берилган шарт-шароит, вазият ва ҳолатлар асосида сўзнинг аниқлиги, равонлиги, таъсирчанлиги, фикр ва тасаввур уйғунлигидаги ўйинли машқлар устида ишлаш. Танланган турли матнлар, сўз бирикмалари, мураккаблаштирилган тез айтишлар асосида талаффуз таъсирчанлиги, аниқлиги, равонлигини такомиллаштирувчи машқлар устида ишлаш. Нафас, овоз, талаффуз, тасаввур ва фикр уйғунлиги устида ишлаш. Эришилган амалий кўникмаларни турли матнлар билан мустаҳкамлаш.

5-мавзу. Воқеалар тизимида сўз ҳаракати. Сахнавий асарларда образлар ва образлилик.

Эркин ҳикоялаш маҳоратини мустаҳкамловчи омиллар. Берилган шароит ва воқеалар тизими асосида тававвур, фикр, жонли сўз муносабатнинг ифодавий ўзига хос ҳолатлари. Сўз бойлигини ўстирувчи омиллар, халқ оғзаки ижоди, сажълар, эртаклар, дostonлардан намуналарни танлаш ва ифодали ўқиш. Спектаклларда эртаклар олами образлари. Турли персонажлар дунёси образлар овозини ўрганиш ва яратиш жараёнлари. Турли кузатувлар асосида инсонлар нутқи, хатти ҳаракати, фикрлаш тарзи асосида жонли сўз. Жонли сўзнинг ифодавий таъсирчанлини такомиллаштирувчи шарт-шароитлар. Сўзнинг равонлиги, таъсирчанлиги, ўзгарувчанлигини ривожлантирувчи вазийялар, шарт-шароитлар вазифалар, воқеалар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маърузадан сўнг режалаштирилган дастлабки уч мавзу бўйича амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси асосида ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топширик ёзма, савол-жавоб тарзида ёки амалий ижро ва бошқа шаклларда бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар куйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек оркестр ёки хор жамоалари билан амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

1-амалий машғулот: Турли мавзудаги матнларда таҳлил ва талқин.

Адабий матнлар танлаш ва таҳлил қилишнинг мантиқий, ижодий намуналари. Манзарали адабий матнлар танлашнинг ижодий принциплари:

бадий мукамаллик, тасвирдаги гўзаллик, бетакрорлилик, табиий ва хаётийлик, таъсирчанлик. Адабий матнлар таҳлили ва талқинидаги уйғунлик, бадийлик, таъсирчанлик ва унинг амалий, ижодий, ижровий хусусиятлари.

2-амалий машғулот: Нутқни такомиллаштирувчи техник машқлар.

Соф адабий талаффуз, сўзлардаги аниқ, равон, мукамал, жарангли ва таъсирчан ифодага эришишни таъминловчи машқлар. Турли вазият ва шарт-шароитлардаги вазифалар орқали нутқ аъзоларининг фаоллиги ва техник мукамаллигига эришиш. Сонор товушлар, бирикмалар, жумлалар, жамламалар жамулжамлиги. Фикр тасаввур, ирода ва ифодавий ўзгарувчанлик. Мураккаб бирикма ва тез айтиш устида ишлаш. Саҳнавий нутқнинг ифодавий таъсирчанлигини мукамаллаштирувчи, жонли сўз, мулоқот иқтидорини такомиллаштируви воқеа, берилган шарт-шароит, вазият ва ҳолатлар асосида сўзнинг аниқлиги, равонлиги, таъсирчанлиги, фикр ва тасаввур уйғунлигидаги ўйинли машқлар устида ишлаш. Танланган турли матнлар, сўз бирикмалари, мураккаблаштирилган тез айтишлар асосида талаффуз таъсирчанлиги, аниқлиги, равонлигини такомиллаштирувчи машқлар устида ишлаш. Нафас, овоз, талаффуз, тасаввур ва фикр уйғунлиги устида ишлаш. Эришилган амалий кўникмаларни турли матнлар билан мустаҳкамлаш.

3-амалий машғулот: Воқеалар тизимида сўз ҳаракати. Саҳнавий асарларда образлар ва образлилик.

Эркин ҳикоялаш маҳоратини мустаҳкамловчи омиллар. Берилган шароит ва воқеалар тизими асосида тававвур, фикр, жонли сўз муносабатнинг ифодавий ўзига ҳос ҳолатлари. Сўз бойлигини ўстирувчи омиллар, халқ оғзаки ижоди, сажълар, эртақлар, дostonлардан намуналарни танлаш ва ифодали ўқиш. Спектаклларда эртақлар олами образлари. Турли персонажлар дунёси образлар овозини ўрганиш ва йаратиш жараёнлари. Турли кузатувлар асосида инсонлар нутқи, хатти ҳаракати, фикрлаш тарзи асосида жонли сўз. Жонли сўзнинг ифодавий таъсирчанлигини такомиллаштирувчи шарт-шароитлар. Сўзнинг равонлиги таъсирчанлиги ўзгарувчанлигини ривожлантирувчи вазиятлар, шарт-шароитлар вазифалар, воқеалар.

Кўчма машғулот

Нутқни такомиллаштирувчи техник машқлар; Воқеалар тизимида сўз ҳаракати. Саҳнавий асарларда образлар ва образлилик мавзуларида ташкил этиладиган кўчма машғулотлар ўқув аудиторияларидаги дарс жараёнлари ва рейтинг назоратлари, театр саҳналаридаги спектакллар, кинотеатрлардаги фильмлар тақдироти орқали ўтказилиши режалаштирилган.

**II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ**

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ақлий ҳужум методи ва масалани ечиш босқичлари

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавобвий юзага келтириш

- *Мустақил фикрланг ҳаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қозғога ёзинг.*
- *Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.*
- *Ғояларни баҳоланг.*
- *Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.*
- *Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.*
- *Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.*

Дарсда қўлланиладиган “Инсерт усули”

Матнни белгилаш тизими

➤ **Инсерт** - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилди. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Таълим методи ва таълим технологияси				
Таълимда интерфаол методлардан фойдаланиш йўллари				
Таълим ва тарбияни ташкил этиш шакллари				
Педагогик технологияларнинг хусусиятлари				
Педагогик технология турлари				
Педагогик технологиянинг ривожланиш назарияси				
Педагогик технологияларнинг самарадорлиги				

"Қарама-қарши муносабат" методи

Метод ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади;
- улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;
- тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади;
- жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;
- кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;
- жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.

БББ методи

Ушбу метод талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Методни қўллаш жараёнида талабалар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин. Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаолият таҳлил этилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

1) ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;

2) гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қуйидаги схема асосида ташкил этилади:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

↓

↓

↓

Методдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади, яъни:

1. Талабаларнинг ўрганилиши режалаштирилаган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аниқланади.

2. Талабаларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.

3. Талабаларни мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништирилади.

Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тўлиқ тафсилоти қуйидагича:

– Талабалар гуруҳларга бириктирилади;

– Талабаларнинг янги мавзубўйича тушунчаларга эгалик даражаси ўрганилади;

– Талабалар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;

– Талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларни бойитишга бўлган эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;

– ўқитувчи Талабаларни янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан таништиради;

– Талабалар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;

– баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;

– машгулот якунида ягона лойиҳа яратилади.

" Кейс -стади " методи

Кейс-стади (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Кейс – бу реал ҳаётнинг «бир бўлаги» (инглиз терминалогиясида TRUE LIFE).

Кейс – фақат вазиятни тўғри ёритиш эмас, балки вазиятни тушунтириш ва баҳолашга имкон берадиган ягона маълумот комплекси.

Кейсда акс этган вазият, бу реал ёки сунъий ҳодисани институционал тизимда маълум вақтда ҳаётда юзага келишини акс эттиради.

Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир.

Муаммоли вазият. Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

Муаммоли вазият. Бунда субъектни ҳозирги шароитда ёки келгусида мақсадига эришишига хавф туғдирувчи вазият тушунилади

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иэрархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг эчимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил эчим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир эчимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил эчимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини эчимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият эчимининг амалий аспектларини ёритиш

“ВЕЕР” технологияси.

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммохарактеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “ВЕЕР” технологияси умумий мавзуни айрим тармоқларини муҳокама

қилувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

“ВЕР” технологияси мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

- бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзуни ўрганиш жараёнида; унинг асосийларини англаб етиш;
- яқунлаш босқичида; олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ходиса, тушунча текширилади.

Афзаллик - бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат-ижобий сифат.

Нуқсон-нормукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса-муайян бир фикрга, мантиқий, қоидалар бўйича далилдан натажага келиш.

ФСМУ технологияси.

(Ф) - фикрингизни баён этинг.

(С) - сабабини кўрсатинг.

(М) - мисол (далил) келтиринг.

(У) - умумлаштиринг.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинар якунида (тингловчиларнинг ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда тингловчиларнинг, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгалаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Ушбу технологиянинг асосий мақсади тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1-босқич.

-ўқитувчи тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

-ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради:

-машғулот давомида ҳар бир талаба ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2- босқич.

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баён этишга сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қозоздаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

3 - босқич.

-Ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, Ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларида фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади:

-ўқитувчи ҳар бир гуруҳда ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади:

-ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардан фикр ва далилларни катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4 - босқич.

-Кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади:

-гуруҳ аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар:

-фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

5- босқич.

-Кичик гуруҳларда умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар: Гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаш яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6 - босқич.

-ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

-қуйидаги саволлар билан тингловчиларга мурожат қилади:

-ушбу технологиядан нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

-ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

-ушбу технологияни қўлланилиши тингловчиларда қандай ҳислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

-ушбу технологиянинг ўқув жараёнининг қайси босқичида қўлланилгани маъқул ва нима учун?

-ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши тингловчиларга нима беради ва нимага ўргатади?

-ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

III. НАЗАРІЙ МАТЕРІАЛІАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

ТАССАВУР ВА ФАНТАЗИЯ.

ТАЪСИРЧАН СЎЗГА ЭРИШИШ ОМИЛЛАРИ

Режа:

1. Тасаввур ҳақида тушунча
2. Тасаввурнинг фантазия билан боғлиқлиги
3. Тасаввур ва фантазия орқали сўзнинг таъсирчанлигини ошириш усуллари.
4. Ижодкор шахс тарбиясида диққат ва тасаввурнинг ўрни, аҳамияти ва вазифалари ҳамда уларни ривожлантиришнинг интерфаол ўйинли тизимлари

Таянч сўзлар: Тасаввур, фантазия, ҳиссиёт, кўриш, муносабат, кечинма, диққат, ҳақиқат, хотира, идрок, театр, сўз, нутқ.

“Саҳна нутқи” фанининг иккинчи бўлими ҳисобланган сўз устида ишлаш қисми насрий асарлардан олинган адабий парчаларни ўрганишга бағишланади. Талабанинг сўз санъатини мустаҳкам эгаллаши ва маҳоратли ижодкор бўлиб шаклланишида бадиий асарлардан олинган намуналарни кунт билан ўзлаштириш муҳим ҳисобланади. Ижодкорнинг бой тасаввури ва ранг-баранг фантазия оламини ярата олиш лаёқати бадиий адабиётнинг ҳар бир жанрида маҳорат билан акс этганлигини кўриш мумкин. Талаба муаллифнинг ҳис-туйғу ва кечинмалари, айтмоқчи бўлган фикр ва мақсадлари, тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини ҳис қилиб, жонли сўзда гавдалантириши учун адабий парчалар устида ишлашнинг илк босқичи ҳисобланган манзарали



(тасвирий) парчалар ижросини диққат билан ўрганади. Қолаверса, таъсирчан

сўзда муҳим аҳамият касб этадиган хусусиятларни ўз ижросида мутаҳкамлаб боради. Булар:

Тасаввур актёр ижодининг моҳиятини белгилайди. Тасаввур ҳосил қилиш ижодда кўп вақт ва қунт билан ўрганилиши зарур бўлган ҳаётий эҳтиёждир. Нафақат актёр, балки жамики ижодкор бор экан, унда тасаввур лаёқати юксак шаклланган бўлиши керак. Санъат бадиийликни талаб қилади, бадиийлик учун эса ижодий тўқимани моҳирона кўллай билиш муҳим саналади. Ҳар қандай асарни реал ва ҳаққоний тасвирлаш мумкин, лекин у асар бадиий тўқималар билан бойитилмас экан, таъсирчан ва қизиқарлилик хусусиятини ёъқотади. Бадиий тўқималарни ҳосил қилишда эса ижодий фантазини кенг камровли ва тўғри кўллай билиш ижодкордан маҳорат талаб қилади.

Тасаввур – нарса ва ҳодисалар, ҳолатларни, воқелик образларини эслаш, шунингдек, ижодий хаёл суриш жараёни. Агар идрок ҳозирги дақиқаларни акс эттирса, тасаввур ҳам ўтмишни, ҳам келажакни ўзида мужассамлаштиради. Тасаввурни янги образлар билан бойитиш, фикрлаш топшириқларини ечишда муҳим ўрин эгаллайди. Бу ўринда фавқулоддаги вазиятлар, шарт-шароитлар воқеликка янгича “нигоҳ” ташлаш ёки таҳлил этишни талаб қилса, улар янада ёрқинроқ гавдаланади. Тасаввур ва тафаккурнинг ҳамкорликдаги муносабатлари янгилик унсурлари пайдо бўлишини, ижодий хаёл тимсоллари вужудга келишини таъминлаб туради. Тасаввур қилишининг физиологик асоси бош мия пўстлогиди пайдо бўлган изларнинг қайта тикланишидир. Тасаввур барқарор эмас, онгда узоқ сақланмайди, янги тасаввурлар билан алмашилиб, ўзгариб туради¹.

Шундан келиб чиқадики, тасаввур ижодкорни доимо янгиликка, янги топилмаларни топиш ва таассурот оламини ранг-баранг ижодий чизгилар билан ривожлантириб боришга чорловчи ҳиссиёт кўламидир. Айнан актёрлик маҳоратини эгаллашни мақсад қилган талабалар тасаввур оламининг энг

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси, - Т., 2004, 8-сон, Давлат илмий нашриёти, Б-288.

юксак чўққиларини забт этиши керак. Бунда эса ижодий ёндашув ва тафаккур кўлами чуқур хаёлот оламини барпо қилиш ва уни ранг-баранг тимсоллар билан бойитишдан иборатдир.

Актёрлик мактабида таҳсил олаётган талаба учун тасаввур лаёқати сув ва ҳаводек зарур. Тасаввурсиз актёр либоссиз сахнага чиққан билан баробардир. Негаки, тасаввур фикрлашни гўзаллаштириш билан бирга, унга жон ҳам ато этади. Тасаввур ва фикрсиз сахнада образларни гавдалантириш актёр танаси ва руҳиятини кўримсиз ҳолатга келтиради. Тасаввур актёрни ҳар жиҳатдан устун қилиб тарбиялайди, шу боис ҳам ижод мактабининг пойдеворини тасаввур қилиш элементлари билан қурмоқ, ижодий фантазия билан гўзаллаштирмоқ керак. Шу ўринда, театр санъати фанининг назариясини яратган, улуғ маҳорат эгаси К.С.Станиславский ўз системасида тасаввурни қуйидаги босқичларда аниқлаб олиш кераклигини таъкидлайди: *“Ижод процессида тасаввур бошловчи ҳисобланади, у артистни ўзи кетидан бошлаб боради. Ташаббускор тасаввур борки, у мустақил ишлайди. У ортиқча куч сарф қилинмай ривожланади: ўнгда ҳам, тушида ҳам узлуксиз, ғайрат билан ишлайверади. Ташаббуссиз тасаввур ҳам бўлади. Аммо у биров айтганини дарров илиб олиб, мустақил равишда ривожлантира бошлайди.*

Ундай тасаввур билан ишлаш ҳам деярли осон. Борди-ю, тасаввур биров айтганни илиб олса-ю, ривожлантирилмаса унда иш чатоқ²”.

Актёр тасаввур оламини бойитиш, дунёқарашини шакллантириш, идрок ва тафаккур қилишни онгли равишда ўзи бошқаради. Тасаввурда пайдо бўлган ҳар қандай манзарани қалб кўзи билан кўриш, оний ҳисларни тугиш ва уларни идрок қилиб, тафаккурида гавдалантириш механизмининг табиийлигини топишда ташаббускор ва ташаббуссиз ҳосил бўладиган тасаввурни пайдо қилмоқ зарур. Актёр тасаввур оламини узлуксиз ва мантиқан тўғри ёъналтиришида ижодий фантазия кўл келади.

***Фантазия, хаёл** – ҳаётда инсон томонидан идрок этилмаган тасаввур ва ҳаёлий ҳолатларнинг вужудга келишидан иборат психик фаолият. У инсоннинг бадиҳагўйлик қобилияти, бадиий тўқималарга усталлиги, топагонлиги, ихтирога мойиллиги, антиқа, ақлга тўғри келмайдиган ҳолатларни рўёбга чиқаришига уқувчанлиги кабиларда намоён бўлади.*



К.С. Станиславский

Бироқ шундай одамлар борки, ўзлари ҳам яратолмайдилар, биров берганини ҳам эплаштиролмайдилар. Борди-ю, актёр кўрсатилган нарсанинг фақат ташқи, расмий жиҳатини қабул қилса, бу унда тасаввур йўқлигидан далолат беради, у артист бўлолмайди.

Константин Сергеевич Станславский

Фантазия инсон онгида вужудга келишидан эътиборан борлиқнинг қиёфасини ўзгартиришига ёъналган бўлади. Фантазия улкан бадиий, илмий ва маърифий қимматга эга. Шахснинг ижодий фаолияти негизида фантазия иштирок

² Stanislavskiy K.S. Aktyorning ўz ustida ishlashi, - T., 2011, “Yangi asar avlodi” qayta nashr, B-84.

этмасдан иложги ёъқ. Фантазия шахс амалга оширишни хоҳлайдиган ички ақлий фаолиятга айланади³.

Тасаввур ва фантазия талаба ижодининг мантиқли ва давомли бўлишини таъминловчи омилдир. Уларсиз талабанинг ижоди жонланмайди. Негаки, тафаккурда ҳосил бўлган фикрни туйиш, уни ҳис қилишни тасаввур белгилаб берса, уларни ранг-баранг ҳаёлий тўқималар билан бойитиш, кутилмаган воқеа-ҳодисаларга эргаштириш, чексиз ва улкан ҳаёлот оламини барпо қилишни талабанинг ижодий фантазияси яратади. Шунинг учун ҳам тасаввур ва фантазия талабанинг йўлчи юлдузидир. Бундай ёрқин истиъдодга эга бўлган ижодкор санъат оламининг юксак пиллапояларини мардона забт этади.

К.С.Станиславский ижодда тасаввур ва фантазиянинг уйғунлигини топиш, улардан ўринли фойдаланиш юзасидан бўлғуси актёрларга шундай маслаҳат беради: *“Ҳаёл суришининг янги турига ўтар эканман, тасаввурда реал воқеликдан кўра табиатан кўпроқ имконият берилганини назарда тутаман. Чиндан ҳам, тасаввур реал ҳаётда қилиши мумкин бўлмаган нарсаларни чизиб беради. Мана, масалан, тасаввуримизда бошқа планеталарга учиб бориб, у ердан афсонавий париларни олиб қочамиз, афсонавий маҳлуқлар билан курашиб, уларни енгамиз; денгиз остига тушиб сув маликасига уйланишимиз мумкин. Шуларнинг барини ҳаётда қилиб кўрингчи. Бундай ҳаёл суриш учун тайёр материал топишининг иложги бўлмаса керак. Шу тарздаги афсонавий ҳаётга жўнамоғимиз учун, сизга фан, адабиёт, тасвирий санъат ва ҳикоялар фақатгина ёъналиш, ишора, туртки беради, холос. Бинобарин, бундай ҳаёл суришда асосий ижодий иш фантазия зиммасига тушади. Бундай ҳолларда бизга афсонавийликни воқеликка яқинлаштирадиган воситалар керак бўлади. Бу ишда мантиқ ва изчиллик асосий ўринлардан бирини эгаллаши лозим. Улар йўқ нарсани бўлиши мумкин бўлган нарсага яқинлаштиради. Шунинг учун афсонавий ва фантастик нарсаларни яратишда мантиқли ва изчил бўлинг⁴”.*

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси, - Т., 2005, 9-сон, Давлат илмий нашриёти, Б-185.

⁴ Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши, - Т., 2011, “Янги асар авлоди” қайта нашр, Б-94.

Тасаввурни бадий адабиётнинг барча жанрларида қўллаш мумкин, лекин фантазияни-чи? Тасаввур реал бор нарсани, бўлиб ўтган ёки кутилаётган нарса-ҳодисаларнинг тавсифини жонлантирса, фантазия эса мавҳум ва чексиз ҳаёлотни, бўлиши мумкин бўлмаган воқеа-ҳодисаларни яратар экан, унда бу бадий адабиётнинг маълум бир жанрларигагина хос бўлган хусусият эканлигини билдиради. Шу ўринда, адабиётнинг саргузашт-фантастика йўналиши фантазиянинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

“Саҳна нутқи” фанида таъсирчан сўзга эришиш, жонли, бадий сўзни саҳнада ифодалашда тасаввур оламининг кенглиги ва ижодий фантазиянинг ранг-баранглиги амалий кўмак беради. Тафаккурда ҳосил бўлган фикрни чуқур идрок қилиш, бутун вужуди билан ҳис қилиш, уни мақсадли равишда онг ости фантазия оламига ёъналтириш ва унинг гўзал, шиддатли тасвирини жонли нутқида ифодалаш талабанинг бадий сўздаги таъсирчанлигини оширади. Бунда эса талаба **кўриш** хотирасига диққатини ёъналтиради ва унинг ижодий кўмагидан унумли фойдаланади. Фикр, кўриш, ҳис қилиш, идрок қилиш жараёни нутқда табиий ва жонли сўзнинг туғилишини таъминлайди. Бу жараёнларсиз сўзларнинг нутқда гавдаланиши куруқ ва маъносиз ифодани келтириб чиқаради. Нутқ кўрган ва ҳис қилган туйғуларнинг самимийлигини ҳосил қилади. Хатто кўз олдида кўрган нарса-ҳодисаларнинг таснифини ҳам **ички кўриш** қобилияти орқали очиб бериш мумкин. Дарс машғулотларининг бирида, ички кўриш хусусиятини янада аниқроқ билиш учун битта талабага саҳнавий деталь, яъни рўмол тутқазилди ва уни тасвирлаб бериш сўралди. Талаба маълум вақт рўмолга қараб қолди, нигоҳи рўмолда бўлса ҳам, унинг хаёллари бутунлай бошқа томонда... Унинг илк сўзлари сўлим табиат, қир этагида жойлашган олисдаги қишлоғини тасвирлаш билан бошланди. Талаба аста бошини кўтариб, томошабинга қараганида, унинг кўзларида беғубор ва ўйинқароқлик акс этди, у энди ўз уйида эди... Талаба қишлоғи, кўчаси ва ўз уйининг ҳар бир майда-майда деталарига гапириб бердики, буни эшитган томошабин кўз олдида ҳам ўша манзаралар ҳосил бўлди. Талаба бу жараёнларни жўшиб тасвирлар экан, бирдан нигоҳи бир нуқтада қотди,

бироздан сўнг қорачиқлари атрофини кўз ёшлари қоплай бошлайди... У, аввалига димоғига урилган хушбўй ҳидни, уй бурчагига солинган оддий ва кичкина тандирхонани, кун иссиқ бўлишига қарамай, устига чопон ёпинган, юз-кўзларини иссиқ олов тафтидан ҳимоялаш учун катта рўмолни танғиб боғлаб, нон ёпаётган аёлни тасвирлар эди ва жуда майин, бироз танбеҳона, лекин соғинчли овоз билан “*Ойи...*” деган чорлов билан нутқини якунлади. Тасаввур ҳосил қилиш учун берилган ушбу вазифадан қандай хулосалар пайдо бўлганлиги сўралганда; у ҳамма нарсаларни эслаб, кўз олдида пайдо бўлганини ва уларни ҳис қилиб, қалби ёришганини мароқ билан гапириб берди. Бу жараён эса ички кўриш ва сахнада яшаш ҳиссисини шакллантирувчи тасаввур чизгиларини ҳосил қилишдаги амалий машғулотлардан бири эди.

Ҳақиқат туйғуси ва ишонч – асл ижрочилик санъатининг муҳим омили ҳисобланади. Ҳар қандай асар ижросида бу хусусиятлар бирламчи қилиб белгиланади. Муаллиф асар воқелиги учун асос қилиб олган мавзу ва ғояларнинг ҳаққонийлигини бадиийлаштиришда ранг-баранг тасвир воситаларидан кенг фойдаланади. Асарнинг қизиқарли ва таъсирли чиқиши учун уни ҳаётий омиллар билан жонлантиради. Муаллифнинг асарга жон бахшида этиши ҳиссий кечинманинг ишонч туйғуси билан ёритилганлигида кўринади. Муаллиф ишонган воқеликка китобхон ҳам эргашади. Шу ўринда, муаллиф ишонган ва ҳақиқат туйғуси билан ёъғрилган ғоявий асарни томошабинлар эътиборига ҳавола қилишда талабанинг ҳам ишончи муҳимдир. Талаба асарни идрок қилиш орқали тасаввурида воқеликни гавдалантиради, ички нигоҳи билан кўради, соф туйғуларни шакллантиради ва ишонади, натижада ижрода ишонарли бўлган жонли нутқ пайдо бўлади.

“Жисмоний хатти-ҳаракатлар ва ҳиссиётларнинг мантиқ ҳамда изчиллиги сизларни ҳақиқатга олиб келади, ҳақиқат ишончни келтириб чиқаради ва шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб “мен борман”ни яратади. “Мен борман”нинг ўзи нима? У мен мавжудман, яшаяпман, рол билан бир хилда ҳис қиляпман, фикр юритяпман, деган маънони беради. Бошқача айтганда, “мен

борман” бирикмаси хиссиёт, туйғу, кечинма ҳосил қилади⁵”, - деб таъкидлайди маҳорат дарсларининг бирида Станславский.

Талабанинг ижросида таъсирли ва жонли нутқ шаклланиши учун ижролик элементларидан яна бири ҳисобланган муносабат хусусиятларини қўлламоқ зарур. Матн билан танишиб чиққан талаба тасаввурида жонланган манзарани идрок этади, кўриш кинолентаси орқали кўз олдида гавдалантиради ва уни ҳис-туйғулари билан бойитиб, ўз муносабатини ижрога кўчиради.

Муайян тизимдаги элементларнинг жойланиш характери ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи фалсафий тушунча, бирор нарса ёки ходисага нисбатан шахс мавқеининг ифодаси, турли объектларни ёки бирор объектнинг турли томонларини фикран таққослаш.

Муносабат:

К.С.Станиславский муносабат тушунчасини дарс машғулотида устози томонидан тақдим қилинган кичик сахна кўриниш мисолида янада аниқроқ қилиб тушинтириб беради: *“Аркадий Николаевич талант, маҳорат ва актёрлик техникаси жиҳатидан ажойиб бир спектаклни ўйнаб берди. У қандайдир шеърдан бошлади-да, жуда тез, таъсирли қилиб ўқиди, лекин фикр жиҳатидан шу қадар ноаниқки, биз ҳеч нарса тушуна олмадик. Шунда Аркадий Николаевич бу жараённи шундай изоҳлаб ўтди; сизларга тақдим қилинган мана шу ижро қуруқ материалдир, актёрлар кўпинча шундай материалга суяниб, томоша зали билан муносабатда бўладилар, улар сўзларни гапираверадилар-у, аммо унинг на маъносига, на нима учун гапираётганига эътибор бермайдилар, балки фақатгина уларнинг таъсирли*

⁵ Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши, - Т., 2011, “Янги асар авлоди” қайта нашр, Б-240.

бўлишини ўйлайдилар. Кимнинг ташқи аппарати яхши ўргатилган бўлса, унинг учун бундай вазифа қийин эмас. Овоз жаранглашини, тил: ҳарфларни, бўгинларни, сўзларни, жумлаларни чертиб-чертиб айтиб туришининг гамини ейилса бас; позалар ва ҳаракатлар пластикани кўрсатса ва шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб томоша қилаётганларга маъқул тушса бўлгани. Кафешантанда ўйновчи хотин сингари, мен сизларга қадди-қоматимни кўрсатдим ва кўрсатаётганим таъсир қиляптими деб ҳамма вақт қараб-қараб турдим. Мен ўзимни товар, сизларни эса харидор деб ҳис қилдим. Бу, томошабинларда катта муваффақият қозонишга қарамай, сахнада артистлар ҳеч қачон қилмасликлари керак бўлган муносабат намунасидир”⁶.

Муносабат шахснинг ўзига тегишли бўлиши керак, негаки, табиий туғилган муносабат ижрода ўзига хосликни таъминлайди. Ўзгалар томонидан кўрсатиб берилган муносабат ижрочини кечинмадан йироқлаштиради. Агар талаба кўрсатиб берилган йўлни танлаб, унинг ортидан эргашиб, тақлид қилишга ўтса, сахнада янги образларнинг туғилиши кузатилмайди. Асар воқеалари талаба онги ва қалбида ҳақиқат туйғуси билан яралмас экан, нутқда соф ва самимий муносабат пайдо бўлмайди. Бу ҳол ижрода ташқи муносабатнинг кўр-кўрона ривожини келтириб чиқаради. Сахнада ҳақиқий муносабатнинг ўрнини сунъий ва сохта ташқи безаклар эгаллар экан, театрни ҳалокат ёқасида деб тасаввур қилиш мумкин. Сахна ҳақиқий муносабат ва асл кечинма санъати билангина тирикдир.

Диққат – субъект фаолиятининг бирор объект ёки ҳодисага жалб қилиниши. Бош мия нўстлогининг муайян жойларидаги оптимал қўзғалиш манбалари диққатнинг физиологик асосини ташкил қилади. Диққат икки турга бўлинади: ихтиёрсиз (пассив) диққат ва ихтиёрлий (актив) диққат. Ихтиёрсиз диққат бирон ташқи сабаб таъсирида киши хоҳишидан ҳосил бўлади. Бундай диққат одамдан ирода кучини талаб қилмайди. Ихтиёрлий диққат психик фаолият олдиндан белгиланган мақсад билан муайян нарсага

⁶ Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши, - Т., 2011, “Янги асар авлоди” қайта нашр, Б-310-311.

*онгли равишда жалб этилади. Диққатнинг бу тури ирода кучини талаб қилади, шунинг учун бу диққат иродавий диққат деб ҳам юритилади*⁷.

Талабада сўз туғилиши учун рўмол детали вазифа қилиб берилганида, ирода кучи фаоллашиб, мантиқан изчил ва табиий хиссиётларнинг баёни пайдо бўлганди. Талабанинг тафаккурида тасаввур, кўриш, ҳис қилиш, ишониш, муносабат билдириш ва энг муҳими сахна ҳақиқатини яратишда унинг **сахнавий диққати** бирлаштирувчи, йўналтирувчи омил бўлиб хизмат қилди. Бу омил онгли ва мақсадли равишда ҳосил бўлиб, таъсирчан сўзга эришишда барча элементларни қўзғалтирувчи ричаг сифатида фаол қатнашди.

Ижрода диққатнинг мавжудлиги асарнинг таъсир қилиш ва эшитимли бўлиш даражасини оширади. Агар талаба асар воқелигига тўла ишониб, бутун вужуди билан диққат кўламини кенг доирада тақдим қилса, уни кузатиб ўтирган томошабинларнинг ҳам диққатини бошқариб бориш лаёқатини эгаллаган бўлади. Сахнавий диққатнинг йўқлиги фикр тарқоклиги, чалғиш, бефарқ, узук-юлук, юзаки ёндашувни ҳосил қилади, бу эса сахнада диққатнинг акси бўлган паришонхотирликни вужудга келтиради. Талабанинг бундай катта хатоликка ёъл қўйиши асло мумкин эмас. Шунинг учун ҳам устозлар *“театр эшигидан кирганингизда барча ташқи муаммо ва масалаларни ташқарида қолдиринг, ўз ҳаётингизни унитинг ва театр ҳаёти билан яшанг”*, - деб доимо уқтириб келади.

Ижодкор ҳар бир жараёнда аввало, ички руҳият оламини тарбиялаши ва уни доимо ижодий топилмалар билан бойитиб бормоғи зарур. Ижрода табиий ва ҳаққоний хиссиётларнинг туғилиши бўлғуси актёрни юксак ижодий марралар сари етаклайди.

Актёрсиз театрни тасаввур қилиб бўлмайди. Бутун театр тарихида, қадим-қадимдан ниқоблар комедияси бўладими, халқ театри бўладими, майдончадаги томошалар бўладими барча-барчаси актёрлик санъати билан боғлиқ. Муаллиф олға сурган ғоя ва фикрларни актёр ҳам тенгма-тенг баҳам

⁷ O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, - T., 2002, 3-son, Davlat ilmiy nashriyoti, B-332.

кўради, ўз вужуди, жуссаси орқали драматург қиёфаларини ифодалайди, ижтимоий муаммоларини намоён қилувчи ижодкор шахс - санъаткорга айланади. Актёр драматург каби ижодкор санъаткор. Драматург берган ҳолат ва матнлар асосида актёр ўзининг жисмоний ва руҳий табиати билан бадиий сахна қиёфасини ярата олса бу унинг катта муваффақияти бўлади. Актёрнинг бош мақсади бадиий қиёфа яратишдир. Актёр ижодининг ўзига хос хислати у бир вақтнинг ўзида ижод қилади ва ижодга ўзи материал ҳисобланади. Ижоднинг объекти ҳам, субъекти ҳам ўзи. Барча санъат турларидан аткёр ижоди ўзгача - бу ижод унинг жуссаси, овози, ақл-идроки ва туйғуларга боғлиқ. Демак, мана шу хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Агар барча санъат турларида яратувчининг ижод маҳсули, ўтиб кетгандан кейин ҳам яшаса (хайкалтарош, рассом, бастакор ва бошқалар), актёр ижоди унинг ҳаётлигида яшайди. Спектакл ижро этилаётгандагина яшайди. Спектакл тугаб парда тортилиши билан актёр ижоди тугайди. Жонсиз ва жонли ижронинг тафовути мана шунда. У томошабиннинг хотирасида яшайди, фақат эса муҳрланиб қолади. Шунинг учун ҳам актёр ижоди ўткинчи.

2. Агар барча санъат турларида санъаткорлар ўз ижод маҳсулини жонсиз нарсалардан яратса ва у ҳамиша ҳар доим ўзгармасдан бир ҳолатда турса, актёр ижоди жонли вужуддан пайдо бўлгани учун ўзгарувчанлиги, унинг руҳий ҳолатига, табиатига, атрофни ўраб турган муҳидга боғлиқлиги билан фарқ қилади.

У тез таъсирланади, ўзгаради, яратган қиёфасини такрор ва такрор бетакрор этишга мажбур бўлади.

Жонли театрнинг гўзаллиги ҳам, фазилати ҳам, бошқа санъат турларидан тафовути ҳам шунда.

Шу хусусиятларни инобатга олиб актёр ижодининг шаклланиши қуйидаги тамойилларга асосланади.

1. Актёр бошқа санъаткорларга қарама-қарши ўларок, табиатнинг, рухий ҳолатининг турғинсизлигини ҳисобга олган ҳолда ҳамиша ва мунтазам машқ қилишга муҳтож шахсдир. Ўз олдига қўйган мақсадни бажариш учун унинг психо-физик ҳолати доим ижодий тайёр туриши керак. Агар созанда соатлаб ўз асбоби билан куйни машқ қилмаса, раққоса тинимсиз ўз устида шуғулланмаса, ҳофиз нафас созлаб турмаса, куни бекор ўтгандай, актёр ҳам ўз овозини, жуссасини, маҳоратини узлуксиз чархлаб туриши шарт:

2. Актёр ҳам ўз ижодини четдан туриб кузатадиган, ижодий жараёни чарҳлайдиган назорат қилиб борадиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган мураббий раҳбар режиссёрга муҳтож шахсдир. Режиссёрнинг фикри, орзу-армонларини, бадий режа ва ниятларини, илмий салоҳияти ва ҳаётий кузатувларини, тасавури, диди ва эҳтирослари, барчасини сахна ҳаракати ва вужуди орқали кенг кўламда рўёбга чиқариб намоиш қилиб берувчи бу актёрдир. Актёр режиссёр иродасига бўйсунган материалдир. Режиссёр ва актёр ҳамкорлиги, уларнинг уйғунлиги театр санъатининг асосини ташкил қилади. Жаҳон театр санъатининг назарияси ва амалиётида буюк аллома режиссёр К. С. Станиславский актёр ижодини икки йўналишини аниқлаб берган.

1. Кечинма мактаби

2. Намойиш мактаби

Бундан ташқари К. С. Станиславский актёрлик санъатининг моҳиятини очиб берган бу иккала мактабда, ҳаётда санъатнинг ўрни ва роли, унинг эстетик тамойилларини ифодалаган, асослаган. Кечинма санъатининг асосида ҳаёт ҳақиқати ётади. Ҳақиқий санъат инсонни тарбиялайди, дунёқарашини шакллантиради. Онг-туйғуларига, ижтимоий ҳаётига ўз таъсирини ўтказди. Кечинма санъатининг асосий мезони киши ҳаётининг ички дунёсини очиш, ролда инсон руҳиятини яратиш, бадий шаклларда томошабинга маънавий озуқа бериш, ҳар бир ижрода одамнинг ички рухий омилларига сингиб боришдан иборатдир. Кечинма санъатида қиёфа яратаётган актёр ҳаётнинг натижасини эмас, унинг ҳаракатдаги жараёнини очиб бериши ва ижод

жараёнига актёр ўзини бахшида қилиши лозим бўлади. Ҳаётнинг мураккаб чигал муаммоларини ҳал қилишда маҳорат устуворлиги, астойдил меҳнат қилиш, тер тўкиш лозим бўлади.

Кечинма санъатида актёр ҳар гал ижросида янги қиёфага киради, бутун жараённи қайтадан вужудидан ўтказди. Театр санъатининг жозибаси ҳам мана шунда. Ролда берилган шарт-шароит тўғри мушоҳада қилиниб, ҳаракат йўналиши тўғри олиб борилсагина ҳаётий, табиий чиқади. Актёрнинг ички ва ташқи техникаси, инсон табиатининг қонунларига асосланиб, овози, жуссасидан тўғри ва унумли фойдаланган ҳолда тасаввур оламига бой, кузатувчан, ҳаётни чуқур билгандагина залворли қиёфалар яратилади. Кечинма актёри инсон қиёфасига, рухиятига изчил кириб бориши, унинг характерини мукамал очиб бериши керак.

Бир актёр театри

Иккинчи жаҳон уруши йиллари шеърӣй композициялар билан аскарларга ғалаба ва омонлик тилаган Мухсин Хамидовни Ўзбекистондаги илк “Бир актёр театри” вакили деб ҳисоблашган. Актёрнинг вокзалда, ҳар куни ўқиган шеърӣй композицияси Ватан озодлиги учун фақат ғалаба лозимлигини, фашизм ўлимга маҳкумлигини таъкидлаб турган. Урушдан кейин Ўзбекистон халқ артисти М. Хамидов клубларда, корхоналарда аскарларни, ғалабани улуғлайдиган шеърӣй композициялар ижроси билан “Бир актёр театри”нинг ғоявий қудратини намоён қила олган. Унинг бу хизматлари инобатга олиниб унвонлар берилган.

Аънанавий театр тарихига назар ташласак ўзбекларда “Бир актёр театри” бахшилар кўлига дўмбира олиб халқ қахрамонларини улуғлай бошлаган кундан бери мавжуд эканлигига амин бўламиз. Чунки, бахши – ўзи шоир, ўзи бастакор, ўзи кўшиқ ижрочиси бўлиб, якка ўзи кечки йиғинни яъни томошабинларни то тонг отгунча “ушлаб” турган. Бу миллий, аънанавий “Бир актёр театри” миз қадимий эканлигини асослайди. Биринчидан якка тартибда олти соат концерт ижро қиладиган артист жаҳон сахнасида бўлмаса керак. Иккинчидан ғарбда якка тартибда шеър тўқиган, унга куй басталаган ва уни

қўшиқ қилиб айтган “Бард” ҳар уч – беш дақиқадан кейин мавзуни ўзгартирган, янги қўшиқ айтган. Бахши эса бир мавзуни, воқеалар ривожини ҳамда воқеа иштирокчилар образларини барчаси якка ўзи яратганлиги билан такрорланмас даражадаги “Бир актёр театри” ҳисобланади. Бу мавзу алоҳида тадқиқотга мухтож.

Қизиқчи эса туйга келиб “Дор ўйини” мавзусидаги томошаси билан ҳаммани лол қолдирган. У тўйхонадаги кенг майдони танлаб, аввал жарчи бўлиб ҳаммани “дор” томошасига чорлаган. Жарчиларни бир неча киши эканлигини кўрсатиш учун у овозини ўзгартира олган. Сўнгра дор остида чалинадига музика асбоблари овозларига тақлид қилиб оғзида куйлар чалган. Дор томошаси муҳитини яратган. Атрофига тўйхонадаги болалар ва одамлар тўпланганлигини кўриб карфармон вазифасини бажариб томошани бошқарган. Эл номидан томоша кўрсатгани келган “дорбозларни” дуо қилиб ўйинини бошлашга рухсат берган. Унинг якка ўзи “дор усти” ва “дор ости” актёрлари номерларини кўрсата олган. Унинг ягона ёрдамчиси – узун арқон бўлиб, уни ерга дордек тортиб қўйган. Ер устида чўзилган арқон “дор” ва сахна вазифасини ўтаган. Бу аънанавий театр тизимидаги ўзига хос “Бир актёр театри” эканлигини таъкидлаш лозим. Бу мавзу ҳам ўз тадқиқотини кутмоқда.

XX асрнинг 70 йиллари туйларга келиб, қизиқ хангомалар айтиб, элни кулдира оладиган Абдуфаттох Саидов ва Мухиддини Дарвешевлар пайдо бўлди. Уларнинг туйхонада якка тартибда ижро этган хангомалари туйдаги чиқишлари “Бир актёр театри” талабларига жавоб берарди. Эл севган бу хангомачи – қизиқчилар концертларга тақлиф қилишди. Уларнинг концертлардаги чиқишлари – “монолог” яъни номер эди.

1992 йилдан бошлаб катта концерт залларида якка тартибда кулугли хангомалар ижро этадиган – қизиқчи Хожибой Тожибоев пайдо бўлди. Унинг “Эр хотини уриши – дока рўмолни қуриши”, “Ўзбекнинг ўзи қизиқ ўзидан ҳам сўзи қизиқ”, “Аскарлар хаётидан”, “Хотин ўтин эмас”, “Кулгунинг 99 хили”, “Янгисидан бор” номли концерт дастурлари “Бир актёр театри” нинг энг ёрқин ифодасидир.

Бадиий ўқиш – эстрада санъатининг ўзига хос бир тури бўлиб, адабиёт жанрлари бўлган, шеър, наср ва оммабоп асарларни сахнадаги ижросини англатади. Ифодали сўз бу жанрни асоси ҳисобланади. Қадимдан келаётган бу жанр турли халқларда мавжуд бўлиб, улар – эртак айтувчи, скоморох, ашуг, ақин бизда эса бахши номи билан аталган. Қадимги Грецияда халқ олдида бадиҳагўйлик билан тўқилган шеър муаллифлари қадрланган. Қадимги Римда эса халқ олдида нотқлик маҳоратини кўрсата олганлар улуғланган.

Тарихни яхши билан Французлар мактаб дастурига бадиий ўқиш предметини киритган. Айниқса, 1848 йилги тўнтарилшида халқ олдида чиқиб шеър ўқиган шоирларни издошлари кўпая борган. Шунинг учун бадиий ўқишни бошланиши – шеър ҳамда унинг муаллифи ижроси номи билан тарихга кирган.

Россияда муаллифлик ижроси билан тингловчини хайратга солганлар Пушкиндан бошланади. У ўз шеърларини катта илхом билан ижро қила олган. Н. В. Гоголдан эса ўзи ёзган хикояларни гапириб беришни илтимос қилишган. Бу борада Островский, Маяковский, Зоценко ва Есенинлар ҳам машҳур бўлишган.

1870 йилдан бошлаб машҳур рус актёри М. С. Шепнин шоирлар шеърларидан композиция қилиб бадиий ўқиш кечаларини бошлаб берган. У жуда катта маҳорат билан яратган композиция ўз мавзуси, ғояси, бадиий яхлитлиги, ва ижро маҳорати билан томошабинларни хайратга солган.

Муаллифлар ижросидаги ва актёрлар ижросидаги бадиий кечалар учун билетлар топилмай қолган. Натижада, бу йўналиш ҳам ўз ривожланиш йўлини қидира бошлаган. Ҳозирги радио, телевидения ва матбуотдаги ахборотлар ўрнини ўз даврида тўлдириб турган бадиий кечаларнинг ўз даврининг машҳур ижрочилари пайдо бўлган. Шеърый композициялар ижросида актриса М. Н. Ермолова машҳур бўлган бўлса. прозада Достоевский ва Гоголь асарларидан композициялар яратиб ижро қилган В. И. Андрев – Бурлак жуда машҳур бўлган. Шунда қилиб бу йўналишда ижод қиладиганлар эстрада сахналарида доим ўз қадрини топган.

Мелодекламация – таъкидлаб ижро қилиш.

Мелодекломация – грекча кўшиқ ва декломация, яъни таъкидлаб айтиш маъносидаги концерт жанри. Эстрада санъатига бу жанрни XIX асрда россиялик ижодкорлар олиб кирди. Шеърни - музика билан таъкидлаб ижро қилиш, ёки шеърни фортепьяно чалувчи билан жўрнаво бўлию ижро қилиш мелодекломация деб аталди. Тез орада бу йўналишнинг ҳам композиторлари ва актёрлари пайдо бўлди. Композиторлар орасида Г. А. Лешин тезда машхур бўлди. Актёрлар орасида эса В. Ф. Комиссаржевская шухрат қозонди. Сахнада ажойиб роллар ижро этган бу актриса бадиий кечаларда, ижодий учирашувларда машхур шеърларни мелодекломация қилиб олқишлар олган. Бу йўналиш жуда кўп мухлислар оортирган актриса эстрада санъати ривожига улкан ҳисса қўшган. Бу йўналиш опера ва мелодрама оралиғидаги янги жанрга – мусиқали драмага асос бўлган. Асар қахрамонлари монологи – ария, диалоглар – дуэт деб номланган ва музика билан ҳамоҳанг ижро қилинган. Мелодекламация, ария, дуэтлар эстрада концертларини бойитадиган номерлар бўлиб ўз мухлислари орасида қадрини топди.

Хикоялар кечаси – кичик томоша турлари.

Хикоялар кечаси – эстрададаги бир актёр томонидан ижро қилинадиган адабий жанр ҳисобланган. Актёр томонидан яратилган бадиий композиция томошбинларга гаприлиб берилган. Бу табиий хикоялаш жараёни актёр А. Я. Занушняк томошадан катта маҳорат билан ижро қилинган. Хикоялар ва новелларни сахнадан туриб гаприлиб бериш эстрадага “Хикоялар кечаси” номли адабий – бадиий жанрни олиб кирди ва бир актёр ижроси тушунчасини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди. Бу тушунча кейинчалик эстрадага “Бир актёр театри” атамасини олиб кирди.

Имитация – тақлид.

Имитация – лотинча тақлид қилмоқ маъносини англатади. Эстрадада бу тушунча икки маънода қўлланилади. Биринчиси – табиатдаги жонворлар товушларини ҳамда маиший турмушда учрайдиган товуш ва шовқинларни маълум сюжетга бўйсиндирган ҳолда тиклаш – ижро қилиш санъатидир.

Бундай актёр – “одам оркестр”, яъни барча товушларни ижро қиладиган “товушлар асбоби” деб номланган. Бундай номери билан концертларда қатнашган ижрочи “одам оркестрни” конференсье томошабинларга таништирганда унинг учун ҳам ўз имкониятларини намоён қилиш имконияти пайдо бўлган.

Иккинчиси – сахнада ижро қилиниб мухлислар орасида машхур бўлган-қўшиқ, ария, шеър ёки ракс номерларни тақлидий қайта тиклаб ижро қилишни англаган. Тақлид – кишиларни ўзига хос бўлган гапириш усули, овози, юриштириши, қилиғи, хатти-харакати, феълени, хатто кийинишидаги кўзга ташланадиган жихатларини бўрттириб кўрсатиб беришга асосланади. Концертларда, машхурлар юбилейларида, бенефисларда тақлид – ўртоқлик ҳазил деб эълон қилинган. Бу ҳазили томошабинларга маъқул бўлган. Бу йўналишларнинг машхур ижрочилари иккла йўлда ҳам ижод қила олган.

Моменталист – расм чизадиган эстрада актёри.

Кўчаларда расм чизадиган Париж рассомлари дархол портирет ярата олган. Бундай уста рассом илк бор XX аср бошларида Париж циркида образи кўрсатилди. Моменталист деб аталган цирк актёри – рассом, томошабинлар орасидан одам танлаб уни портиретини дархол чизиб берган. Дархол чизилган расмда озгина бўрттириш бўлгани учун у ҳам кулгули, хайратли томоша бўлган.

Циркда бу жанрни ривожлантирган актёр – рассом айланиб турган жихозга икки қўллаб дархол расм чиза олган. Кейинчалик оғиз билан, расм чизиш номерлари пайдо бўлган. Актёр – рассом хатто томошабин буюрган нарсаларни дархол чизиб берган. Бу уни ниҳоятда маҳоратли эканини намоён қилган.

Моменталист хатто ўз киймларидан парчалар юлиб олиб мальбертга ёпиштирганда кутулмаган пейзажлар яратилаган. Унинг шарфи денгиз, ёқаси кема, оқ қўлқоплари елкан вазифасини ўтаб, томошабин кўз олдида хайратомуз расм пайдо бўлган.

Бундай томошалар цирк манежидан ҳаммага аниқ кўринмагач бу номерлар аста – секин эстрада сахнасига кўчган. Шундай қилиб циркида Париж ҳаммага маъқул қилган моменталист номери Европа бўйлаб эстрада сахналарига ёйилиб кетган.

XX аср бошларида бундай номерлар Россия циркларида ва эстрада сахналарида машхур бўлган. Уларнинг ижрочилари актёр – рассом хатто шеър ўқиб туриб ёки кўшиқ айтиб туриб расм чизиш номер бажарган. Баъзилар мусиқа оҳангларига мос харакатлар билан хайратомуз расмлар чиза олган.

Карикатура чизадиган актёр – рассом эса латифалар айтиб туриб, одамларни кулдириб ўз карикатурасини кўрсатган. Танлаб олинган одамни карикатураси латифа ва карикатура эгасини ўз расмига муносабати томошабинларни завқу-шавқини оширган.

Эстрада концертини олиб бораётган конференсье сахнага мальберт кўйиб, номер ижро қиллаётган актёрлар расмини чизган ва уни изохлаганда ўз даври маиший хаётидаги ютуқ ҳамда камчиликларини очиб ташлаган. Бу эстрадага рассом – конференсье образини олиб кирган

Моменталист рассом – актёрлар эстрада санъатида янги жанрни яратдилар уни элга манзур қила олдилар. Бир шахс хам расм чизса, кўшиқ айтса шеър ўқиса, латифа айтиб берса... Офарин! Бу инсонинг бу қудратини фақат эстрада санъати намоён қила олади.

Референ – нақорат орқали томошабинга таъсир ўтказиш.

Референ – французча нақорат сўзини англлатиб у шеърда, кўшиқда кенг қўланилган. Эстрада санъатида референдан яъни нақоратдан актёрлар концерт ёки номер ғоясини очишда унумли фойдаланганлар. Бадихагўйлика асосланиб тўқилган шеърларда ўрнида ишлатилган нақорат қайта-қайта кулги кўзгаган. Кўшиқларда айниқса четушкада фойдаланилган референ – нақорат номер ғоясини асослаган. Ижрочининг топқирлигини намоён қилган.

Конференсьелар концертларда ишлатган референ – нақорат, баъза онгли равишда ўйлаб топилган трюк вазифасини ўтаб, у концерт ғоясини очишга катта ёрдам берган. Бу услубдан XX аср рус эстрадаси актёрлари усталик

билан фойдаланганлар. Ўхшовсиз нақоратдан фойдаланиб ўз навбатда шоирнинг заифлигини очадиган услуб бўлиб эстрада сахнасида ўз ўрнини эгаллаб келмоқда.

Фельетон – эстрададаги сўз санъати тури

Фельетон – французча қоғоз маъносини билдиради. Эстрадада фельетон – сўз санъатининг тури сифатида ўз хозир жавоблиги, оммавийлиги, маиший ва ижтимоий ҳаётни очик ифода қилай олиши билан ўз ўрнига эга.

Фельетонни ижро қилаётган эстрада актёри гўё шу воқеани гувоҳи бўлгандай ўз номидан гапирди. Бу жанрнинг ўзига хослиги шундаки ўз қахрамонини улуғлаб туриб, барча ютуқларни санаб ўтиб, “арзимаган” камчиликлар устида тўхталади. Шу тўхталиш муносабатларни ўзгартириб юборади. Навбатдаги улуғлаш ёки ютуқларни санаш энди томошабинда кулгу уйғотади.

Бу жанр – латифалардан, мақолалардан, афоризмлардан ўз ўрнида ғояни очиш учун унумли фойдаланади. Монолог – ўз номидан бўлиб ўтган воқеага муносабат билдириш фельетон жанринг асосий қуроли ҳисобланади. Эстрадада жанрдан конференсьелар унумли фойдаландилар. Фельетон – монолог ижрочилари эстрадада сўз санъати борасида намунали ижрочилари билан тарихга кирдилар.

Фокус – кўз бўяш.

Фокус – немсча нарсани бор қилиш ёки йўқ қилиш маъносини билдиради. Цирк ёки эстрада актёри ҳисобланган фокусчи ўз номерларида ҳақиқатдан ҳам нарсаларни бор ёки йўқ қила олади. У томошабинни кўз илғамас ҳаракатлари билан чалғитади. Фокусчини – манипулятор, санжировшиқ, иллюзионист ҳам дейишади. Иллюзионист қўл ҳаракатлари ўрнига, мураккаб механизмлар, техника оптика қонунлари, нур ранг ва электрт токидан фойдаланиб номер яратади. Шунинг яратган унинг номерларини ижро қилишда қўплаб кишилар иштирок этади. Фокус иллюза билан энг мухими томошабинни чалғитиш номерлари эстрадада сахнасида кенг тарқалган. Энг мухими бу номерлар қадимдан мерос бўлиб келмоқда.

Буриме – бадихали қофиялаш

Буриме – французча қофиялаш маъносини англатади. Сахнада томошабинни олдида қофияли хазил шеър тўқиш эстрадада алохида – Буриме жанри хисобланади. Сахнада баҳислашаётган икки шеър тўқувчи қофияни ушлаб турса бас, мазмуни боғланмаган қофиялар томошабинларда кулгу уйғотган. Актёрларни топқирлиги ва қофияни ушлаб турилиши натижасида бир-бирига зид мазмун нихоятда кулгули вазиятларни келтириб чиқарган.

Ўйин янада қизиқарли бўлиши учун баъзан томошабинлардан қайси мавзуда қофиялаш мусобақасини бошлаш сўралган. Уларнинг буюртмаси билан бошланган ўйин – жонли ижро ва томошабин билан мулоқат эстрада театринг асосий талабларидан бирини амалиётдаги ёрқин ифодасини кўрсатди. Бу ўйинни ўйлаб топган ва томошага айлантирган Франциялик шоир Дюлони XVII асрда яшаб ўтганлиги маълум.

Қофиялаш жанрини янада ривожлантириш учун Александр Дюма 1864 йили Парижда махсусу “Буриме” конкурсини ўтказган. Бу жанр Россия эстрадасида ҳам кенг тарқадлади. Шоирлар эстрада концертларидаги бадий кечаларни жонли ва хазил – мутойибага бой бўлиши учун қофиялаш ўйинини – мусобақасини ўтказишган. XX аср рус эстрада санъатида бу жанрни удалаганлардан бири Г. Б. Немчинскийни томошабинлар жуда хурмат қилишган. Ўзбек эстрадаси мухлисларига бундай ўйин аския пайровларидан маълум. Жўшқининг фақат қофиялаш натижасидаги бемани шеърлари ҳам таниш

Чревовещатель – оғзини очмасдан гапириш.

Эстрадада оғзини очмасдан гапира оладиган актёрлар ўз номерларини кўрсатган. Улар кўғирчоқ билан диалогли сахналарни қуриб – ўзи оддий одамлардай гапирган унинг кўғирчоғи эса худди жонли одамдай унга жавоб берган. Кўғирчоқ жавоб бераётганда актёр лаби қирламаган. Сўзларнинг тўлиқ ва равон эшитилиши эса томошабларни хайратга солган. Бундай иқтдорга эга бўлган актёрлар кам учраса ҳам бу жанр эстрадада ўз ўрнига эга бўлди. Бундай номерни конференсье “мен сахнага ажойиб қоблият эгаси

–вентролог актёрни таклиф қиламан” деб эълон қилган. Демак бундай номер сохиби эстрадада – вентролог номи билан машхур бўлган.

Миниатюра – “кичик шакл”ли жанри.

Миниатюра – французча “кичик шакл” маъносини англатади. Томоша санъатида ракс, кўшиқ, шеър ҳамда цирк номерлари ўзининг кичик шакли билан қадимда маълум ва машхур эди. Бу шакл қисқа диалогли хазил – пьесалар интермедия, скетч, водвиллар кўринишида аста секин сахнада ўз ўрнини топди. Бундай кичик шаклдаги томошалар миниатюра номи бўлиб, эстрада санъатига кириб келди Миниатюралар XVIII асрнинг охрларида Европадаги концертларнинг таркибий қисмларига айланди.

XIX асрга келиб кичик шаклдаги сахна кўринишлари бутун Европа томошогохларини эгаллади. Кичик шаклдаги пьесалар – миниатюраларни ижро қиладиган актёрлар турли туман характерлар ярата бошладилар. Бу жанр ривожланишига хажв ёзувчилар жуда катта хисса қўшишди. Натижада, миниатюра жанри XX асрга келиб Россияда ўз театрига эга бўлди. Миниатюра театрлар эстрада актёрларининг энг қоблиятлиларини ўзига жамлади. Томошабинлар энди бир кечада бир неча муаллифнинг асрлари асосида сахналаштирилган миниатюраларни томоша қилиша бошлашди. Бундай кичик шаклдаги томошаларга эстрада актёрлари бир кечада ўнлаб характерни қиёфаларни ярата олдилар. Бу жанрнинг қудрати ҳам мана шунда эди.

Гёрлс – қизларнинг гуруҳли ракси

Гёрлс – англизча қизлар дегани бўлиб, томоша санъатида бир гуруҳ қизлар ижро этадиган эстрада раксидир. Бир хил костюм кийган, аниқ ритмга бир хил харакатлар бажарган қизлар гуруҳи ракслари жуда гўзаллиги ва ўз жозибалари билан томошабинларнинг эхтиросларга тез таъсир ўтказиш қудрати билан эътибор қозонган.

Зерикан ва чарчоқ чиқариш учун кабакларга келганлар учун “Гёрлс” – қизлар ракси жуда маъкул бўлган. Шундай қилиб гуруҳли қизлар ракси - “Гёрлс” ҳам эстрада томошаларининг бир тури бўлиб қолди.

Томошаларни ташкил қилувчилар бу гўзалликни таъсир кучини эътиборга олиб гурухли рақслардан қизлар ижросидаги музикали спектакллар яратди. Энди қизлар гурухидан ташкил топганмузикали – рақсли томошалар “Гейти гёрлс”, “Тиллер герлс”, “Зигфрид герлс” театрлари деб номлана бошлади.

Гурухли рақсга тушадиган қизлар томошалари XX асрда Европа мюзик-холларидан Америка Қўшма Штатларидаги кабакларга ҳам етиб борди. Улар энди кийм – кечаклар турларини намоёиш қиладиган раққосларига айланди.

Пантомима – тақлидий ҳаракат.

Пантомима – грекча ҳамма нарсани тақлидий ифодаловчи маъносини англатади. Бу атама қадимги Рим томоша санъатида икки маънода ишлатилган. Биринчиси – ўз кечинма ва туйғуларини пластика, мимика ва жестлар орқали ифодаладиган рақс. Иккинчиси – пантомима ижро этувчи актёр. Қадимий Греклар яратган ва Римликлар ривожлантирган бу санъат тури Ўрта асрлага келиб мустақил томошага айланди. XVIII асрга келиб махсус музика ижросида пантомима кўрсатган актёр концертларга тақлиф қилина бошлади. XIX асрга келиб Францияда пантомимачилар санъати ривожланиб буюк актёрлар пайдо бўлди. XX асрга келиб Россия циркларида пантомима актёрлари ўз номерларини кўрсата бошладилар. Пантомима – музика орқали ривожланган сюжетни ҳаракат, пластика, мимика, жест билан ифодаладиган ўзининг ижро услуби билан эстрада санъатида ўз мухлисларига эга.

Пародия – қўшиқни акси.

Пародия – грекча “пара” – тескари, “ода” – қўшиқ, яъни қўшиқни акси маъносини англатади. Адабий жанр ҳисобланган пародия бирон шеърни ҳазил – мутоийбага олиб, заиф томонларини таҳлил қилишдан бошланган. Кейинчалик пародия ўзи барча ижтимоий ҳаётдаги камчиликларни саҳнадан туриб таҳлил қиладиган жанрга айланди. Пародия асосини шаклини мазмунига қарама-қарши қўйиш ва мантиқан таққослаш ташкил қилади. Таҳлил қилинаётган объект мазмунини олиб бориб унга алоқаси йўқ шаклга таққосланганда томошабинда кулги пайдо бўлади. Бундан унумли фойдаланданган пародия ижодкорлар – актёрлар турли мавзуга эркин

ёндoshiб номерлар ярата олдилар. Шу нуқтаи назардан қўшиқ, рақс, шеър, мусиқа, цирк, номерларига, хатто, буюк шахслар феъл атворига пародия яратиш мумкин.

Драматурглар ҳам бўлиб ўтган воқеани аксини ифодалаш услубидан фойдаланишади. Улар қахрамоннинг акси бўлган персонажни воқеага киритиб ўз ғояларини ёрқин ифодалядилар. Бу усул эстрада сахнасида икки тупорини тушуниш билан ифодаланди. Бирнчи актёрни тупори саволига – иккинчиси ўта тупорилик билан жавоб беради.

Пародия жанридан цирк масхарабозлари, қўғирчоқ театри актёрлари, шоирлар ҳам фойдаланади. Бу жанр айниқса эстрада теарида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Машхур ижодкорларнинг феъл атворига ёки қилиқларига пародиялар яратиш эстрада актёрларига жуда кенг имкониятлар берди.

Интермедия – қўшимча томошанинг кичик шакли.

Интермедия – лотинча “оралиғидаги қўшимча томоша” маъносини англатади. Хазил – мутойибали қўшимча томоша – номер шаклидаги қўшиқ, музика, шеър ёки рақс мавзу ғоясини янада ёрқинроқ ифодалаш учун ёрдам бергани учун интермедия деб аталган. Бу тушунча мистерия яъни диний мавзулардаги спектаклларнинг картиналари орасида, декорация алмушгунча, парда олдида ижро этилган томошани – интермедия деб аталишидан келиб чиққан. Интермедия ижрочиари бадиҳагўйлик билан мавзуга мос хазил мутойибалар билан томошабинларни кулдира олган.

Италияда катта шаклдаги томошалар – трагедия ва комедиялар актлари оралиғида кичик шаклдаги – интермедиялар ижро қилиниши XVI асрдан одат тусига кирди. Францияда эса комедия дель арт халқ театри Интермедиялар ижроси билан машхур бўлди. Мольер ўз театрида актлар оралиғидаги интермедиялардан унумли фойдаланган. Англияда интермедиялар инсонпарварлик ғояларини тарғиб қиладиган сатираларни намоёиш қиладиган номерларга айланиб кетди. Шекспир асарлари ижро қилинаётган пайитда, актлар оралиғида шут – масхарабозлар гурухи интермедиялар ижро қилганлиги хақида маълумотлар бор. Балки шунинг учун у ўз асарларидаги

Энг оғир сахналарида масхарабоз сатирик монологлар билан хақиқатни очиб ташлашидан ўринли фойдалангандир.

XVIII асрга келиб Испанияда интермедия мустақил жанр мақомини олди. Чунки, у халқ театрининг асосий ифода қуролига айланди. Хазил – мутойиба ва бадихағўйликка асосланган бундай номерлар халқнинг майиший турмушидаги мавзуларни сахнага олиб чиқишга, уни устидан кулишга имкон яратди. Бу жанрдан Сервантес ўз асарлари ғоясини очишда усталик билан фойдаланади.

Россия ва Украинада намоиш қилинган томошалар оралиғида кўрсатилган номерлар ижрочилари “тентакнамо кишилар” деб аталган. XIX асрда интермедиялар кўшиқ ва рақслар билан бойитилиб алоҳида ижро этиладиган бўлди. Интермедия Россияда мустақил жанр даражасида ижро қилинган. Интермедия номерларидан XX аср бошида режиссёр Вахтангов ўз спектакларида усталик билан фойдаланди. У “Турандот маликаси” спектаклини интермедияларга қуриб бу томошани жуда машхур қилди. Бу томошадан кейин интермедия жанри жуда машхур бўлиб кетди.

Чтец – адабий жанр ижрочиси

Чтец – рус эстрадасида адабий асарларни ижро қилувчи актёр ҳисобланади. У асосан концертлар мавзусига мос шеърлар ижроси билан томоша ғоясини очишга хизмат қилади. Шунингдек чтец – актёр ўзи тузган шеърини ёки насрий композициялари билан адабий кеча – бир актёр театрининг спектаклини яратган.

Баъзи спектакллар кўғирчоқ билан савол-жавоб яъни диалогга қурилган. Кўғирчоқни ҳам актёр ўзи бошқаргани учун бундай шакл ҳам бир актёр театри мақомини олган. Бундай томоша – спектаклларда актёр театрининг барча жихозларидан – свет, музыка, реквизит, декорация, костюм, гримдан фойдаланиб бадиий яхлит спектакл ярата олган.

Ҳар бир халқ орасида эртақчилар, хангома айтувчилар, ақинлар, бахшилар азалдан яқка ўзи – соз, кўшиқ, уйғунлигида бир кеча давомида томоша – спектакл кўрсата олган. Шу анъанани давом эттирганлар кейинчалик “Бир

актёр театри” мақомини олди. Агар бундай актёр концертда қатнашса-у чтец – адабий жанр ижрочиси деб эълон қилган.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Сўз устида ишлаш деганда нимани тушунасиз?
2. Таъсирчан сўзга эришишда нималарга аҳамият берилади?
3. Тасаввур омилининг нутқдаги ўрни қандай?
4. Тасаввур ва фантазиянинг ўзаро фарқли ва уйғун жиҳатлари нимада?
5. Ички кўриш хусусияти талаба ижодида қандай аҳамият касб этади?
6. Саҳна ҳақиқатига қандай эришиш мумкин?
7. К.С.Станславский муносабат ҳақида қандай фикрларни айтиб ўтган?
8. Саҳнавий диққатнинг вазифаси нималардан иборат?

2-Мавзу: АДАБИЙ ПАРЧАЛАР ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Репертуар танлаш йўллари
2. Сўз устида ишлаш босқичлари
3. Адабий матнлар устида ишлаш

Таянч иборалар: Репертуар, парча, манзара, мураккаб парчалар, адабий композиция, машғулот, якка ижрочилик.

Театрда қўйиладиган спектакллар ва якка ижро этиладиган асарлар жамига репертуар дейилади. Репертуар танлаш ижро этиш учун муносиб асарни излаб топиш демакдир.

Ўқувчи ва ўрганувчилар билан ишлаш учун репертуар танлаганда бутун диққат-эътибор тизимли, мунтазам ўрганиш жараёнига қаратилиши керак. Бунинг учун қилинадиган ишларнинг оддийдан мураккабга, осондан-қийинга томон бўлган ёъналиши ва ана шу ёълдаги изчилликка риоя қилиниши шарт. Шунга кўра, сўз устида ишлаганда қуйидаги босқичларни албатта ўтиш керак:

**Манзарали
тасвирий
парча;**

**Кам воқеали
адабий парча;**

**Кўп воқеали
адабий парча;**

**Турли жанрга
оид адабий
парча;**

**Тўлиқ асар
ёхуд мураккаб
адабий парча.**

Манзара – ижрочилик фаолиятининг дастлабки даврига оид бўлиб, ижрочида табиийлик, кўриш, муомала каби хусусиятларни тарбиялашда қулайлик туғдиради.

Манзара, албатта бирор ёзувчи асаридан танлаб олиниши шарт. Шунингдек, танланган манзара аниқ кўз олдида келтирилиб (тасаввур этиб) бўладиган бирор жой, нарса ёки шуларга ўхшаш объектнинг тасвири бўлсин. Унда қайғули воқеалар, даҳшатли ҳодисалар ёки чалкаш фикрлар бўлмаслиги керак. Оддий, содда, иложи бўлса, бирор киши томонидан гапирилиб берилувчи ёрқин манзара бўлсин. Танланган парча насрда ёзилган бўлиши шарт. Шуниси ҳам борки, парча қисқа бўлса ҳам тугалланган бўлиши, бирор муайян объект ёки ҳодисани тасвирлаш билан чекланиши катта аҳамиятга эга. Парчалар, агар биринчи шахс (мен) номидан гапириб бериладиган бўлса, янада яхши, чунки бунда ижрочи-талаба ҳам ўз номидан гапира бошлайди.

Танланадиган манзара парчалари имкон борича қизиқарлироқ, ижрочи-талабани руҳлантирувчи ёки ҳиссиётини учқунлантирувчи ҳарактерда бўлиши фойдалидир. Шунингдек, ижрочи-талабани мусиқа эшитиш қобилияти ва мусиқа тактлари (ўлчови) остида чинакам яшашга ўргатиш ниятида, кейинча куй ва қўшиқлар киритишга имкон берувчи манзараларни танлаш ҳам мумкин. Шунингдек, ижрочи-талабаларнинг шахсий хусусиятлари, ҳарактери ва интилишига қараб, турли муаллиф, жанр, давр ва ҳажмдаги тасвирий (манзара) парчаларга мурожаат этиш лозим.

Портрет французча “*портрауре* – тасвирламоқ” дегани. Персонажнинг сўз воситасида тасвирлаган ташқи кўриниши (киёфаси,

жуссаси, кийими, юз-кўз ифодалари, тана ҳолати ва ҳаракатлари, қилиқлари), ижрочи тасаввурида жонланадиган тўлақонли инсон образини яратиш ва унинг характерини очиш воситаларидан бири. Шартли равишда статик ва динамик портрет турлари фарқланади. Статик дейилишига сабаб шуки, портретнинг бу навида персонажнинг ташқи қиёфаси сюжет воқеаси тўхтатилган ҳолда анча муфассал, деталлаштириб чизилади. Одатда, бундай портретлар персонад асар воқеалигига илк бор кириб келган паллада (масалан, “Кеча” да Раззоқ сўфи портрети) берилади. Динамик портрет дейилганда эса муфассал тасвир эмас, балки воқеа ва диалоглар тасвирида, яъни ҳаракат давомида бериб бориловчи персонаж ташқи кўринишига хос айрим деталлар назарда тутилади. Бундай портрет деталлари (юз-кўз ифодалари, тана ҳолати ва ҳаракати, қилиқлари) кўпроқ ремаркалардан жой олади ва персонажнинг айна пайтдаги руҳий ҳолатини ифодалашга хизмат қилади.

Пейзаж французча “*пейсаже – жой, юрт*” дегани. Адабий асарда яратилувчи бадиий воқеликнинг муҳим компоненти, воқеалар кечувчи очик макон тасвири. Пейзаж нафақат табиатни, балки, у билан бирга инсон томонидан яратилган нарсалар тасвирини ҳам кўзда туттади. Жумладан, пейзаж қахрамон руҳиятини очиш воситаси сифатида кенг қўлланади. Бунда жой тасвири (унда “ранглар”) персонаж руҳияти билан уйғунлик касб этиши ҳам, унга контрастли фон бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Эпик асарларда анча муфассал тасвирланган пейзажлар кенг ўрин тутса, драматик асарларда фақат шартли равишдагина пейзаж ҳақида гапириш мумкин⁸.

Кам воқеали парча. Манзара босқичи яхши ўзлаштирилгач, яъни ижрочилар кўриш, муомала каби зарурий элементларни ўзлаштиргач, вазифани бир оз оғирлаштириш мумкин. Агар манзаралар воқеасиз бўлган бўлса, энди олинадиган парчада чалкаш ёки машаққатли бўлмаган бир-икки воқеа содир бўлиши мумкин. Агар танланган парча манзарадан бошланиб кейин воқеага ўтадиган бўлса, яна ҳам яхши бўлади. Лекин чалкаш

⁸ Д.Қурононов, З.Мамажанова, М.Шералиева. Адабиётшунослик луг‘ати. Қайта нашр. Академнашр. Т-2013 йил. 220-226 бетлар.

воқеалардан, чуқур психологик вазифалардан холи бўлишини таъминлаш керак. Ҳозирча аниқ ва равшан талаффуз, мустаҳкам нафас, жарангли овоз, яхши муомала ва кўриш, шунингдек содир бўлаётган содда воқеаларга муносабат элементини тарбияловчи парчалар кўзда тутилади. Уларнинг ҳажми (дафтар қўл ёзмаси ўлчовида 1,5-3 бет ўртасида) қуйидагича бўлиши мумкин.

Ажойиб одам

С.Айний

Бир кун аср ва шом орасида муллалар одатларича Мир Араб мадрасасининг миён саройида – кириш ёълагиди ўтирган эдилар. Ташқаридан мадарасага қараб келаётган бир одам кўринди. Бу одам узун бўйли бўлиб, подшоҳлик банорас чопони унинг тиззасидан келарди. Бу кишининг гавдаси тўлиқ бўлганидан бўйининг узунлиги унча сезилмас ва биринчи қарашдаўрта бўйли одамлардай кўринарди. Унинг бўйни ҳам бўйига яраша узун ва гавдасига мувофиқ тўла эди. Лекин доши одатдан ташқари катта бўлиб, бўйни ундай катта бошни кўтара олмаганидан бўлса керак, ёъл юрганда у ён-бу ёнга эгиларди.

Бу одамнинг туси буғдой ранг, юзи тўла ва силлиқ эди, ёшини олтмишдан ошган-тахмин қилиш мумкин бўлгани ҳолда, юзида кўзга кўринарли ажинлар сезилмасди. Соқоли ўртача ва қисқароқ, оқ туклари корасидан кўпроқ кўринарди.

Бу кишининг қўлида русча ҳасса (палка) бор эди. Палкалар ўрта бўйли одамларни назарга олиб ясалгани учун, у одамга бир мунча қисқалик қилар ва у ёъл юрганда бўйи палка тутган қўли томонга қараб бир оз эгиларди. Бу одам саллона-саллона виқор билан қадам босиб мадраса дарвозасидан кирганда, миён саройида ўтирган мадраса катталари жойларидан туриб, қўл қовуштириб, таъзим билан салом бердилар.

Кўп воқеали парчалар. Юқоридаги босқичларни муваффақиятли эгаллаб ўтган ижрочилар, энди бир неча воқеали парчалар олаверишлари

мумкин. Бу дафъа, асосан, юқоридаги элементлар билан бирга, катта парчаларнинг бошидан охиригача композицион бирлигини сақлаб қолишга, бошдан охиригача уйғунликни сақлаб, сохталик, юзакиликка ёъл қўймасликка интилиш керак. Ижрочи энди онгли равишда подткстларни (матн замиридаги мазмунни) оча олиши, қўйилган ҳаракатларни бажариши, парчадаги иккинчи даражали элементларни асосий мақсадга бўйсундириши лозим.

Турли жанрга оид парчалар. Бу бўлим аввалги босқичлардаги жанр турларини инкор этмайди, албатта. Лекин бу босқичда асосий диққатни ижрочиларда жанрларни ҳис этиш, ҳар бир жанрга ва ҳатто жанрлар таркибидаги турланишларга (масалан, Н.В.Гогол комедиялари билан А.П.Чехов комедиялари ўртасида жуда катта фарқ бор, лекин иккиси ҳам бир жанр – комедияга оид) тўғри “калид” – ёъл топа билишни тарбиялашга интилиш керак. Энди улар бирор асар ёки парчани қўлга олишлари биланок унинг барча томонлари ҳақида ўйлай бошлаш ва таҳлил этишга қобил бўлсинлар. Шунинг учун ҳам бу босқичда турли жанрдаги 2-3 парча устида бир вақтда ишлаш бошласа ҳам бўлади.

Тўлиқ асар ёки мураккаб парчалар. Ўқув жараёнининг якунловчи даврларида, ижрочи ўз диди билан танлаган ва монтаж қилиб ишга тайёрлаган асар ёки мураккаб сюжетли, кўп воқеали парчалар устида ишлашга тўғри келади. Бу даврда диққат-эътиборни кўпроқ етук ва тўлақонли образлар яратилишига, ижрочининг чинакам органика ёълидан боришига эришмоқ керак. Агар ижрочи қобил бўлса, ижрочилик репертуари бўлиб қоладиган катта асарлар ва ҳатто айримлари билан адабий композициялар устида ишлаш ҳам мумкин. Албатта, бу композициялар ижрочи имкониятига лойиқ ва бошловчилар учун муносиб (кичикроқ) бўлиши керак.

Хуллас, мунтазам машғулот даври репертуар танлаганда асосий эътиборни ижрочиларда санъатнинг табиийлик, чинакамига яшаш каби хусусиятларини тарбиялашга қаратиш керак. Репертуар, зикр этилганидек, оддийдан мураккабга, осондан қийинга томон ёъналишда танланиши керак.

Мунтазам ўқиш, ўрганиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда эса репертуар танлашнинг қуйидаги хусусиятларига эътибор бериш лозим;

Якка ижрочилар учун репертуарнинг ранг-баранглигини таъминлаш лозим. Тингловчиларни ҳар доим ғоявий соғлом, таъсирчан ва жаҳон адабиётининг қимматли намуналаридан баҳраманд қилиш керак. Бу нарса уларда, ижрочи олдига қўйган мақсаддан ташқари, адабиёт ва санъатга бўлган дидни тарбиялайди. Бу эса тингловчининг тушунчаси, маданий даражаси ва эстетик савиясини кўтариш демакдир.

Юбилей, байрам ва шу каби маросим учун репертуар танлаган пайтда асосий эътиборни тематик доира бирлигига жалб этиш керак. Бундай пайтларда ўша ўтказилаётган маросим мавзуси доирасидан четга чиқмаслик лозим. Бу, албатта, Наврўз ва янги йил кечасида фақат у ҳақидаги асарларни ижро этинг, деган гап эмас. Лекин ҳамма нарса ўша ўтказилаётган маросим мавзусига, руҳиятига мос бўлиши керак.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, ижро этиш учун танланган асарнинг қиммати унинг ғоявий юксаклиги ва бадиий етуклиги билан ўлчанади. Бундай асарлар эса ҳар доим тингловчи диққат-эътиборини жалб эта олади ва уларга манфаат келтиришга қобил бўлади. Шунинг учун ҳам сўз санъати учун танланадиган репертуар ғоявий пухта, бадиий етук, санъат асосларини эгаллаш учун қулай бўлиши керак. Танянч репертуар миллий адабиётдан бўлиши, жаҳон классикаси ва тараққийпарвар адабиётдан ҳам ўринли ва унумли фойдаланиш лозим.

1.3. Адабий матнлар устида ишлаш

Актёр қайси замон ва маконда сахнага чиқишидан қатий назар, Аллоҳ томонидан инъом этилган лаёқатини, табиий иқтидорига қулоқ солган ҳолда сахнага олиб чиққан ва томошабин қалбини жунбушга келтира олган. Демак, Станиславский бу қонуниятларни ичидан тўқиб чиқарган эмас, аксинча инсон табиатида яшириниб ётган имкониятларни рўёбга чиқарган, холос. Бу таълимот ҳеч бир замон ва маконда ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Лекин Миллий театрда сахналаштирилган айрим спектаклларни шу ҳолича бошқа театрларга кўчириб қўйиш тақлидий санъатдан бошқа нарса эмас.

Ҳар қандай кўчирмачилик, бошқа актёр томонидан ижод қилинган ролни бошқа актёрнинг рол эгасига ўхшаб ўйнаши худди бировнинг кийимини ўғирлаб кийиб олишдек гап. Лекин битта ролни икки актёр ижро этишига тўғри келиб қолсачи?

Назира Алиева ўзининг «Санъат менинг ҳаётим» китобида «Алишер Навоий» спектаклидаги А. Навоий ролини икки буюк актёр — Аброр Ҳидоятлов ва Олим Хўжаевлар гавдалантирганлиги хусусида тўхталиб, шундай деб ёзади:

«Олим Хўжаев яратган Алишер Навоий образининг мукамал талқинини кўрган ва эшитган кишига Аброр ака гавдалантирган Алишер Навоий образи бундан ҳам юксакроқ, теранроқ, мукамалроқ эканлигини тушунтириб бериш кийин... Бу икки улкан актёр яратган Алишер Навоий образи санъат бўстонида мангу виқор тўкиб турувчи икки буюк чинорга ўхшайди»...

Демак, ҳар иккала актёр яратган улуғ сиймо қиёфасида икки буюк актёрнинг ўзигагина хос бўлган энтирес, ҳишояжон ва шижоат акс этган.

Бу мавзудаги сўзни мухтасар қилар эканмиз, Станиславскийнинг: «Олға интилмайдиган санъат ва актёр бамисоли орқага кетаётган санъат ва актёрдир», — деган сўзларини таъкидлаб ўтамиз.

Актёрнинг профессионал тарбияси тўғрисида сўз борса, шунини таъкидлаш лозимки, ҳеч бир театр мактаби актёрга ролни қандай ўйнаш кераклигини ўргата олмайди ва бундай мақсадни ўз олдига қўймайди ҳам.

Профессионал таълимотнинг асосий мақсади — актёр учун ижодий имкониятларини очиш шароитини яратиш, ижод жараёнида дуч келинадиган тўсиқларни енгиб ўтишнинг усул ва йўллари кўрсатиб беришдан иборат бўлмоғи керак.

Бадиий ижод — табиий жараён эканлигини юқорида кўриб ўтдик. Фақат техник жиҳатларни намоёниш қилишнинг ўзи санъат эмас, у чапдастлик, усталлик бўлиши мумкин, холос. Шунинг учун ҳар қандай театр соҳасидаги таълимнинг мақсади, бўлажак актёрга ҳақиқий ижод сирларини очиш учун қулай шароит яратишга, яшириниб ётган имкониятларини юзага чиқаришга ёрдамлашишдан иборатдир.

Актёрлик маҳорати ўқитувчиси, бутун диққат эътиборини, талабанинг ички техникасини уйғотиб, уни ривожлантириб, ўстиришга қарасаю, ташқи техникани ривожлантириш (овоз, нутқ, жисмоний машқлар, сахна ҳаракатлари) ёрдамчи фан ўқитувчиларининг вазифасига киради, деб ўйлаб, ўз зиммасидан бу фанлар бўйича машғулотларни соқит қилса, тарбиянинг мутлақо нотўғри йўналишини танлаган бўлади. Маҳорат ўқитувчисининг бундай муносабатини дарҳол ўзгартириш лозим.

Ёрдамчи ва махсус фанлар бўйича ўқитувчиларнинг вазифаси талабада маълум ҳаракатларнинг ўзинигина тарбиялаш билан чегараланган бўлади.

Ташқи ҳаракатларни тўғри бажаришнинг ўзи ҳали ташқи техникани ўзлаштириб олди деган гап эмас. Қачонки, ташқи ҳаракатлар ички ҳаракатлар билан биргаликда давом эттирилсагина, уни «ташқи техникани эгаллаган», дейиш мумкин.

Бундай ишни ички ва ташқи техникани бирбири билан боғлиқликда олиб борадиган маҳорат ўқитувчисигина бажара олиши мумкин.

Талабанинг ички техникасини тўғри тарбиялаш орқали ундаги ҳақиқат тушунчасини, ёки ҳақиқат сезгиларини ривожлантириш асосий вазифалардан биридир. Яъни техниканинг пойдевори — ҳаракат сезгисидир.

Ҳақиқат сезгисини билмаган, тушунмаган, натижада ундан беҳабар талаба ҳеч қачон тўлақонли ижодий жараёнга кириша олмайди.

Сабаби, бундай талаба ўзи ҳаракат қилаётган шартшароитда, ясама билан ҳақиқий, кўчирмачилик билан табиийлик, тақлидий санъат билан кечинма санъат ўртасидаги тафовутни сезмайди. Ҳақиқат сезгиси талабага йўлни тўғри кўрсатиб турувчи компасга ўхшайди.

Актёрлик санъати ижодкордан яна бир қобилиятни талаб қилади. Бу шаклни сезиш қобилиятидир. Актёрлик касбининг муҳим томонларидан бири бўлган шаклни сезиш салоҳияти, ўзидаги барча таъсирчан воситалардан унумли фойдаланган ҳолда, томошабинга таъсир кўрсата билиш қобилиятини вужудга келтириб, шакллантирар экан.

«Шакл сезгиси»ни тарбиялаш ташқи техникани ўстиришга олиб келади. Актёрнинг профессионал маҳоратини белгиловчи ҳақиқат ва шакл сезгилари алоҳида маконда (ички ва ташқи) пайдо бўлишига қарамай, бирбирини узлуксиз тўлдириб туриши керак.

Уларнинг ўзаро уйғунлашуви оқибатида, актёрнинг учинчи қуроли — ифодалиликтуғилади. Тарбиячининг навбатдаги вазифаси ички ва ташқи техникани бирбирига боғлаш орқали сахнадаги ҳаракатнинг ифодалилигини ўстиришга қаратилмоғи даркор. Профессионал таълимнинг яна бир вазифаси айнан шундан иборатдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир асар учун зарурий хусусиятлардан ташқари, спектаклнинг сахнавий талқини ва шаклидан келиб чиқиб, ўша асарга хос бўлган ифода воситаларидан моҳирона фойдалана билган актёргина ўзининг юксак маҳоратли актёр эканлигини исбот қила олади. Миллий театримиз тарихида бундай ёрқин истеъдод соҳибларини истаганча топиш мумкин. А. Ҳидоятонинг «Маликаи Турандот» асаридаги Калоф роли билан Шекспирнинг Отеллоси, Ш. Бурҳонов ижросидаги Гоголнинг «Ревизор» асаридаги шаҳар ҳокими сиймоси билан «Шох Эдип» асарларининг талқини бу иккала буюк актёр томонидан турлича шакл, турлича ижро усулида турлича талқин қилинганлигини кўрамиз.

Демак, маҳорат ўқитувчиснинг асосий вазифаларидан бири турлича шакл, турлича услублардан ўринли ва жойида фойдалана билиш сирларини ўз талабаларига ўргатиш ва амалий машғулотлар орқали уларнинг онги ва тафаккурига чуқур сингдиришни талаб қилади. Бундай масъулиятли вазифанинг уддасидан чиқиш учун ёрдамчи фан ўқитувчилари билан

ҳамкорликни кучайтириши, уларнинг билими ва имкониятидан умумий иш учун ўринли фойдаланиши шарт.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Репертур танлашда нималарга эътибор берилади?
2. Сўз устида ишлаганда нималарга аҳамият берилади?
3. Сўз устида ишлаш босқичларига алоҳида мисоллар билан тўхталиб ўтинг?

3-Мавзу: ТУРЛИ МАВЗУДАГИ МАТНЛАРДА ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

Режа:

Асар муҳитини ўрганиш

Асарда мавзу ва ғоя

Асар сюжети

Адабий монтаж санъати

Таянч иборалар: Жанр, наср, ҳикоя, роман, мавзу, ғоя, сюжет, композиция, тугун, кульминация, ечим, конфликт, монтаж.


Адабий асарнинг ижроси борасида изланиш олиб борган талаба, аввало асар муаллифи ва унинг ижодий ёъли нималар иборат эканлигини ўрганиб чиқиши талаб этилади. Муаллифнинг бадиий салоҳияти асар воқелигини ҳаётийлаштиради. Муаллиф ҳаёти ва ижодини ўрганиш талабанинг бадиий асар тили ва услубини ёрқин талқин қилишда асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Чўлпон, Қодирий, Ойбек ва шу каби бир қанча ёзувчиларнинг ҳаёти қатоғон даври маломатлари ичида кечган ва уларнинг ижод маҳсуллари шу даврнинг чиркин иллатларини очиб беришга ёъналтирилган. Шу боис ҳам уларнинг асарлари замирида исёнкорлик руҳияти яққол кўзга ташланади. Бу исёнкорлик халқ ҳаёти ва турмуш тарзини яхшилаш, маърифатли бўлишга чорлашдан иборат эди. Ёзувчининг ҳаёти, кўрган ва билган ҳақиқатлари ҳар

бир асар негизида реал ва бадий тўқималар билан бойитилганлиги унинг бадий таъсир кучини белгилаб беради.


Мисол учун Чўлпон “Кеча ва кундуз” романи бош қаҳрамон Зеби образини яратишда ўзи билган ва таниган, қолаверса ўша давр воқелигини очиб беришда маънавий қалоқ жамиятнинг иллатлари нималарга олиб келишини ҳақиқий ҳаётдан олиб ёзган. Зеби образи Чўлпоннинг севимли шогирди, ўзбек театр санъатида илк аёл образларини сахнада гавдалантирган Турсуной Саидазимованинг фожиали қисмати асосида яралганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чўлпон ҳаёти ва ижодини ўрганар эканмиз, халқимизнинг севимли актрисаси Т.Саидазимованинг ёши бир жойга етиб қолган бойга 12 ёшида никоҳлаб берилгани, ёш қизнинг бой хонадонидаги хўрлик ва азоб-укубатларга чидолмасдан қочиб кетиб, ўз орзу-умидлари билан бахтли ҳаёт кечириётганида турмуш ўртоғи томонидан 16 ёшида фожиали ўлдирилиши ўша давр қизларининг аянчли қисматидан дарак беради. “Орадан неча йиллар ўтиб, руҳий жароҳатлари бир оз малҳам топгач, Чўлпон “Кеча ва кундуз” романидаги Зеби-Зебона образида Турсунойнинг машаққатли ва фожиали қисматини тасвирлаб, унинг хотирасини абадийлаштирди⁹”, - деган фикрларни келтириб ўтади профессор Наим Каримов ўз изланишларида. Бу каби фактларни ўрганиш, бадий асар ижросининг таъсирчан ва жонли бўлиши таъминлайди. Негаки, талаба асар замирида ва қаҳрамонлар тақдирида нималар рўй берганлигини бутун вужуди билан ҳис қилиб туради. Зеби образи орқали Турсуной сингари қизларнинг аянчли тақдири талабани ҳам ўйлашга, ҳам фикр юритишга ундайди.

Турли мавзудаги матнлар таҳлили ва талқини жараёнида асар муҳитини ўрганиш талабанинг ижро маҳорати янада аниқ ва рагон бўлишини белгилаб беради. Бунда эса қуйидаги бадий хусусиятларга мурожаат қилиш ва уларни ўрганиб чиқиш асосий вазифа қилиб берилади:

9 Каримов Н. Чўлпон, - Т., 2003, “Шарқ” нашриёт-матбаа аксиядорлик компанияси, Б-327.



Жанр – французча сўз бўлиб, луғавий маъноси тур, хил демакдир. Адабиётшунос олимлар бадиий адабиётни учта асосий жанрларга бўлган ҳолда ўрганишни мақсадга мувофиқ деб белгилаган, ўз навбатида ҳар бир жанр яна бир қанча ёъналишларга ажралганлигини қуйидаги жадвал мисолида ўрганиб чиқиш мумкин:



Проза асосан насрий йўлда ёзилган асарларни қамраб олиб, унда ёзувчини қуршаган ташқи дунё воқеа-ҳодисаларнинг баёни тасвирланган бўлади, поэзия инсонлардаги ҳис-ҳаяжонга бой туйғулар кечинмасини шеърӣ талқинга жойлайди, драматургия эса ҳаракат ва ўзаро муносабатларга қурилган ҳолда иштирокчиларнинг диалог ва монологларида очиб берилади. Жанрларнинг бундай ўзига хослиги талабанинг фикрларини аниқ, изчил, раво ва мақсадли ёъналтиришда ижодий кўмак беради.

Муаллиф бирон бир асарни ёзишдан олдин, унинг мавзусини аниқлаб олади, қайси мавзунини қаламга олгани ва уни китобхонга қандай ифода қилишни режалаштиради. Ва энг муҳими бу мавзунини ёритиш, уни халқ эътиборига тақдим қилишда қандай ғояни олға сурмоқчи эканлигини аниқ белгилаб олади. Шу боис ҳам асар мавзуси ва ғоясини тўғри баҳолай олиш маллифнинг маҳоратига боғлиқдир.

Мавзу – арабча сўз бўлиб, “қўйилган, тартибга солинган” деган маънони билдиради. Бадиий мазмун компоненти, асарда қўйилган ижтимоий, фалсафий, маънавий, ахлоқий ва ҳоказо муаммоларни бадиий идрок этиш учун танлаб олинган ва тасвирланган ҳаёт материали. Бадиий асар ижодкорнинг борлиқ билан муносабати маҳсули ўлароқ воқе бўлади. Яъни борлиқда яшаётган индивид сифатида ижодкорни муайян муаммолар ўйлатади, ташвишга солади. Ижодкор ўзини қийнаган муаммоларни бадиий идрок этиш учун кенг ва қулай имкон берувчи ҳаёт материални танлайди ва тасвирлайдики, бу бадиий асар мавзусидир¹⁰.

Муаллиф танлаган ва жамиятдаги қайсидир муаммони қамраб олган мавзунини талаба ижросида акс эттириши учун муаллиф ва ижрочи ўртасида руҳий боғлиқлик пайдо бўлиши керак. Талаба асар мавзусини англамасдан туриб, унинг ижросини таъминлай олмайди. Бадиий асарни қунт билан ўрганиб чиққан талабагина муаллиф мавзусини тўғри талқин қилади. Талаба бадиий асарни мутолаа қилиш жараёнида асар жанрини, мавзусини тушиниб

10 Quronov D, Mamajonov Z, Sheraliyeva M. Adabiyotshunoslik lug‘ati – T., 2013, “Akademnashr”, B-158.

этади ва муаллиф олға сурган асар ғоясини бадиий мушоҳада қилади. Ҳар қандай асарнинг қимматини унинг ғоявий етуклиги таъминлайди. Шу боис ҳам ғоя бадиий асарнинг маъно-мазмунини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.



Бадиий ғоя, бадиий мазмуннинг муҳим компоненти, асардан келиб чиқадиган образли, умумлашма фикр. Аслида тасвирланаётган воқеаодисаларга муаллифнинг ғоявий-ҳиссий муносабати, образлар системаси воситасида қўйилган муаммоларнинг бадиий идрок этилиши ва баҳоланиши натижасида намоён бўлувчи бадиий ҳукм.

Ижодкор тасаввурида ҳосил бўлган, дард ва қийинчиликларда туғилган ғоя асосида ижод маҳсули яралади. Топилган ғоя бадиий тўқималар билан бойитилиб, чуқур маъно-мазмунга эга бўлган асарнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу ғояларни очиб бериш, уни китобхонга тушунарли қилиб етказиб беришда боқий образлар фаол қатнашади. Асар ғояси асосан, бош қаҳрамон образида мукамаллик касб этади ва унинг мақсад-муддаоси билан ҳаётий кўриниш ҳосил қилади. Тадқиқотчи олим С.Иномхўжаев “Бадиий ўқиш асослари” китобида асар ғояси тўғрисида шундай фикрларни ёзиб қолдирган: “Ғоянинг салмоғи бадиий образларнинг етуклик даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Агар Гамлет ва Отелло образлари шу қадар тўлақонли бўлмаганда, мазкур асарларда олға сурилган ғоялар ҳам шу қадар боқийлик касб этолмаган бўлур эди.

Ижрочи ана шундай чуқур ва мураккаб ҳодисаларга тўқнаш келганда ҳам тўғри хулоса чиқара олиши, ижро этиш учун танланган асарнинг ғоявий салмоқдорлигини, соғломлигини таъминлаши шарт. Шунинг учун

ижрочиларни тарбилашда уларни ғоявий чиниқтиришга алоҳида эътибор бериш керак¹¹” - дейди.

Моҳир ҳикоянавис Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганган олимлар М.Қўшжанов, Ў.Норматов ёзувчи ижоди ва унинг нодир асарлари яралишида муҳим бўлган хусусиятлар тўғрисида шундай изоҳларни келтириб ўтган: “Абдулла Қаҳҳор китобнинг ўқимишли бўлишини икки нарсада кўради. Биринчиси, китоб илҳом билан ёзилиши керак. Илҳом эса, юқорида айтилганидек, дард, эҳтирос, халқ дилидаги дардни сеза билиш, унинг тили учида турган гапини билиш. “Илҳомсиз ёзилган ўлик асарларни ҳеч қанақа юксак ғоя, ҳеч қандай муҳим тема, техника, малака тирилтира олмайди”. Китобнинг ўқимишли бўлишининг яна бир манбаи ёзувчининг бадиий маҳорат сирларини эгаллашидадир¹²”.

Асар муҳитини ўрганишда мавзу ва ғоя бирламчи омил бўлса, асар сюжети, конфликт ва адабий монтаж жараёни уни ҳаракатлантирувчи куч сифатида майдонга келади.


Адиб бирор мақсад-ғояни талқин этмоқлик учун қатор ҳаётий воқеаларни мужассамлаштириб, бадиий образлар яратади. Бадиий образ яратилиш жараёни эса қандайдир бир аниқ ҳодиса ё воқеадан бошланиб, ёзувчи борган сайин уни ўстиради, бойитади. У ўз мақсадини ифода этувчи ҳодисаларнигина танлайди ва уларни аниқ ривожланиб, такомиллашиб боровчи асосий воқеани ёъналиш атрофига бирлаштиради. Асарда муаллифнинг фикри ва мақсадларни ифода этувчи турмуш ҳодисаларнинг ўсиб, ривожланиб боришига сюжет дейилади. Яна соддароқ қилиб айтганда, сюжет адабий асарнинг асосий мазмун скелетидир. Сюжет французча суиэт “предмет, асосга қўйилган нарса” демакдир¹³.

11 Иномхўжаев С. Бадиий ўқиш асослари - Т., 1973, “Ўқитувчи” нашриёти.

12 Қўшжанов М, Норматов Ў. Маҳорат сирлари - Т., 1968, G‘офур G‘улом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Б-216.

13 Иномхўжаев С. Бадиий ўқиш асослари - Т., 1973, “Ўқитувчи” нашриёти.

Сюжет бутун бир асарнинг умумий мазмун-моҳиятини қамраб олган воқеа-ҳодиса атрафида бирлашади ва образлар хатти-ҳаракати орқали жонланади. Образларнинг ҳаракати эса сюжет чизиғи доирасида воқеликни бадиийлаштиради. Асар воқеаси ва образлар хатти-ҳаракати қуйидаги элементлар асосига қурилади ва мантиқий изчиллик билан ривожланиб боради:



Тугун – бадиий асар сюжетининг муҳим ва асосий элементи ҳисобланади. Асар мазмунидаги бош муаммо ва конфликтларни келтириб чиқарувчи бўғин сифатида воқеалар ривожига туртки бўлади. Тугун жиддий тўқнашув замирида пайдо бўлиб, асар воқелигида фаол қатнашади. Бадиий асар воқеа-ҳодисаларнинг қарама-қаршилиги билан ўсмаганлиги сабаб, сюжет ҳам тугунсиз ривожланмайди. Масалан, ёзувчи Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” романи сюжети учун шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётини асос қилиб олади. Отаси Умаршайх мирзонинг бевақт ўлими сабаб, ёш шаҳзода тахт ҳукмдори деб эълон қилинади. Шайбонийхон қўшинининг бостириб келиши, шаҳарнинг қамалда қолиши Бобурнинг ота юртини ташлаб, ўзга юртларда қўним топишига сабаб бўлади. Бобур мирзонинг отасидан ажралиб қолиши ҳаётини қарама-қаршиликни туғдирган бўлса, ўз ватанидан чиқиб кетиши жиддий муаммоларни келтириб чиқаради, бу жараён эса асар сюжетининг тугуни сифатида воқеаларни ривожлантириб боради.



Тугундан кейин воқеалар ўса бошлайди. Қандайдир муаммоларга кўтарилади, вазият кескинлашади, конфликт чуқурлаша бошлайди. Қарама-қарши кучларнинг тўқнашуви тобора кескинлашади, ёндош воқеа ва ҳодисаларнинг барчаси ана шу кескинлашувга кўмаклашади. Асардаги воқеалар ривожланишига оид ана шу юқори нуқта, энг шиддатли пайт, ҳал қилувчи момент – **кульминация** дейилади. Кульминация латинча сулмен – “чўққи” демакдир.

Тугун воқеалар ривожига туртки берувчи ричаг бўлса, кульминация образ хатти-ҳаракати ва ҳис-ҳаяжонининг фиғони билан қиёсланади. Энг муҳими, кульминацияда қаҳрамонлар тақдири ўзгаради, бу ҳолат ё ижобий, ёхуд салбий оқибатлар билан тасвирланади. Жумладан, Бобур мирзонинг Ҳиндистонни эгаллаб, подшо Иброҳим Лодининг ўлимига сабабчи бўлгани кескин тўқнашувларни келтириб чиқаради ва подшонинг онаси малика Байда томонидан Бобурнинг заҳарланиши асарнинг кульминацион нуқтаси сифатида баҳоланади. Заҳарланишнинг асорати Бобурнинг нафақат танаси, балки ватанга қайтиш туйғуларини ҳам барбод қилади. Шу боис ҳам кульминацияда образлар тақдири, чигал зиддиятларнинг ҳал қилувчи сониялари яққол кўзга ташланади.

Ҳар қандай асар сюжетида бошланган муаммо ва қарама-қаршилиқларнинг албатта якуни бўлади. Асар тугуни воқеа-ҳодисаларнинг бошланиши, образлар хатти-ҳаракати орқали қарама-қаршилиқларнинг ортиб бориши натижасида кульминацияда тўқнашади ва асар сўнггида ўзининг бадий ечимини топади. Асарнинг бундай хусусиятга эга бўлиши, сюжет қурилмасининг пухта тузилганлигидан далолат беради.

Ёзувчи П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи бош қаҳрамон Бобур мирзонинг ўлими билан якунланади. Бобур малика Байда берган заҳар асоратининг таъсирида вафот этган бўлса-да, аслида уни она Ватан соғинчи,

юрт қадри, туғилиб ўсган ота маконга қайтиб боролмаслик ҳисси ҳалок этган. Воқелик шу тарзда ўз ечимини топади, лекин ёзувчи асарнинг мантиқан давоми бўлган “Авлодлар довони” романини китобхонлар эътиборига ҳавола қилади-ки, бу мавзу ҳали ўз ечимини топмаганидан далолат беради.

Асар сюжет қурилмаси тугун, кульминация ва ечимдан иборат бўлиб, мантиқан узвийликни таъминлашда муҳим омилдир. Бундай узвий бирликни боғловчи ва ҳаракатга келтирувчи куч эса конфликтдир.

Конфликт – (лотинча *сонфлистус* – *тўқнашув*) персонажларнинг асар сюжетида бадиий ифодасини топадиган ўзаро тўқнашув ва курашлари, қахрамон билан муҳит орасида ёки унинг руҳиятида кечувчи зиддиятлар, қарама-қаршиликлар.



Ҳар қандай бадиий асар воқелиги зиддият ва қарама-қаршиликлар занжири билан бириктирилади. Сюжет тугуни дастлабки қарама-қаршиликни келтириб чиқарса, зиддиятларнинг ўсиши ва кескинлашуви кульминацияда содир бўлади ҳамда барча муаммо ва қийинчиликларнинг ҳал этилиши эса асар ечимида акс этади. Бундай узвий боғлиқлик конфликт атамаси билан юритилади ва бадиий асарнинг асосий марказида фаол ҳаракатда бўлади.

Бадиий асарнинг қизиқарли ва таъсирчан бўлишида бир қанча конфликтлардан фойдаланилади ва бу каби ёндош ёки иккинчи даражали қарама-қаршиликлар асосий конфликтнинг ҳаракатини ривожлантириб беради. Шунинг учун ҳам асарнинг бош конфликтни аниқ топилиши ва уларнинг асар сўнггида бартараф этилишига асосий диққатни қаратмоқ керак.

Жумладан, юқорида П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романида тугунни келтириб чиқарган зиддиятлар тизими билан танишиб, асардаги иккинчи даражали тўқнашувлар асосий конфликтни ёрқин тасвирлаганига гувоҳ бўламиз. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзга юртларда сарсон-саргардонлиги, ота макон Андижонни қўмсаш, Ватан соғинчи билан яшашга маҳкумлиги ушбу асарнинг бош конфликтидир.

Талабанинг бадиий асар сюжет тизимини мукамал ўзлаштириши, унинг ижросида мақсадли хатти-ҳаракатни таъминлайди. Ижро учун нокерак бўлган мантиқсиз, монотон, хиссиз ва таъсир кучи бўлмаган Станиславский тили билан айтганда, тақлидий санъатнинг вужудга келишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун ҳам бадиий асарни ҳар жиҳатдан тўғри таҳлил қилиш келгусида профессионал кечинма санъатига асосланган талқинни яратишда замин бўлиб хизмат қилади.

Талаба ўз ижросининг эшитимли ва қизиқарли бўлишини таъминлашда асарни қисқартириш ва мувофиқлаштиришни билиши лозим. Бу жараён эса бадиий адабиётда монтаж санъати деб юритилади.

Монтаж – (французча монтаге - йиғмоқ) турли макон ва замонда кечган воқеалар тасвирининг бир-бирига тўғридан-тўғри уланишини англатади. Эпик асарларда бир қарашда бир қарашда бир-бирига боғлиқ бўлмаган воқеаларни алоҳида, ўз ҳолича мустақилдек жойлаштириш ҳам мумкин бўлаётирки, сиртдан алоқасиздек кўринган бу парчалар бадиий ният, ғоя асосида бир бутунликни ҳосил қилади¹⁴.

Адабий монтаж санъати талабанинг саводхонлигини оширади. Асарнинг композицион қурилмасига мантиқан путур етмасдан, қисқартириш ва муҳим бўлагини ажратиб олиш учун ҳам асарни тўлиқ ўқиб чиқиш талаб этилади. Ижро учун ажратиб олинган адабий парчанинг ҳажми катта ва батафсил тасвирдан иборат бўлса, уни қисқартиб, сахнага мослаш зарур, негаки ҳар қанча муҳим воқелик тасвирланган бўлмасин, узоқ ва чўзилиб кетган ижро томошабинни зериктиради. Шу боис ҳам танланган парчада асосий таъсир кучига эга бўлган қисмларни ажратиб олиш ва бош конфликтнинг акс этишига диққат қаратмоқ керак. Бу каби изланишлар муаллиф фикри ва ғоясини талаба нутқидаги олий мақсад билан уйғунлаштириб, бадиий етук ижро маҳоратини шакллантиради.

14 Quronov D, Mamajonov Z, Sheraliyeva M. Adabiyotshunoslik lug‘ati – T., 2013, “Akademnashr”, B-179.

“Саҳна нутқи” фанининг сўз устида ишлаш қисмида деярли барча асарлар адабий монтаж қилинади ва маълум бир босқич асосида ўрганиб борилади. Жумладан, кам воқеали парча, кўп воқеали парча ва мураккаб воқеали парчаларни ажратиб олишда композицион қурилманинг мантиқан изчиллиги бузилмаслиги лозим.

Маҳоратли устоз С.Иномхўжаев талаба диққат қаратиши лозим бўлган жиҳатларга тўхталиб: “адабий асарларни монтаж қилиш шарт экан деб, унга палапартиш қўл уриш, енгилтак муносабатда бўлишдан ўзни тутиш керак. Тўғрироғи, ҳар бир ижрочи бирор асарни монтаж қилиш учун киришар экан, муаллифга нисбатан ҳам, ўша асарга нисбатан ҳам адолатли бўлиши, мантиқ ва бадиий етукликка путур етказмасликка, аксинча, асарнинг саҳна ва бадиий сўз ижрочилигида янада изчиллашуви ва камол топишига интилиши керак. Бунинг учун эса, санъат ва адабиёт назариясини мукамал эгаллаш, танланган асарни ҳар томонлама ўрганиш, хуллас, катта билим ва маҳорат эгаси бўлиш керак¹⁵”, - деган қимматли фикрларни ёзиб қолдирган. Устознинг кўрсатмалари ва бадиий адабиётда келтирилган изоҳлардан шундай хулоса қилиш мумкин, юксак салоҳият ва маҳорат эгаси бўлиш учун бадиий асарлар таҳлилини мукамал ўзлаштириш ва бетакрор ижрони талқин қилишда асл кечинма санъатини эгаллаш талаб қилинади.

Саҳна асари ғоясини, уни саҳналаштирган режиссёр режасини томошабинга намойиш қиладиган, унда фикр, ҳис-ҳаяжон уйғотадиган зот — актёрдир. Томошабин маънавий дунёсида ўзгариш ясайдиган актёрлар фақат саҳнада томоша кўрсатувчи кишиларгина эмас, айти пайтда, улар миллий эстетик дунёқараш тарғиботчиси ҳамдир.

Битта асарни ўнта режиссёр ўнта театрда саҳналаштиради, асар маълум аниқ ғояга асосланишига қарамасдан, унинг талқини ҳар хил бўлади.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир ижодкорни алоҳида бир-биридан ажратиб турадиган ўз қалами ва ўз услуби бор экан. Шунинг учун битта асарни

15 Иномхўжаев С. Бадиий ўқиш асослари - Т., 1973, “Ўқитувчи” нашриёти.

ўнта режиссёр, ўнта театрда сахналаштирса асар маълум аниқ ғояга асосланишига қарамасдан унинг талқини ҳар хил бўлади.

Услуб тўғрисида гапирганда, актёрларда ҳам образ талқинида ўзига хос йўналиш борлигини гувоҳи бўламиз. Шунинг учун кўғирчоқ театр сахнасида яратилган жодугар кампир шох, малика, бўри, қуён, айиқ, тулкиойлар образлари ҳар хил актёрлар ижросида турлича талқин қилинган.

Мисол «Янги йил мўъжизаси», «Ўлмас Кашшей» спектаклидаги жодугар кампир ўзининг хусусиятига кўра бир хил характерга эга бўлган образ. Яъни ўзининг атрофидагиларга фақат ёмонлик истовчи персонаж. Шунга қарамасдан бу образ болалар театрининг спектаклида жуда кўп талқин қилинган образлардан бири бўлиб келмоқда. Ёки ёш томошабинларнинг севимли қаҳрамонига айланган «Қуён» билан «Бўри» образлари ҳам шулар жумласидан ҳисобланади. Ҳар хил спектакль ёки мультфильмда турли хил талқин қилинган Қуёнвой образи кичкинтойларнинг севимли қаҳрамонига айланган. Уни болалар жон-диллари билан севиб, ҳимоя қилишади. Бўри образини оладиган бўлсак у ҳар икки пьесанинг бирида учраб туради. У кўпинча ўз характерли хусусиятига кўра, бир хилда салбий образ тариқасида кўрсатилган.

Лекин актёрлар бу персонажни гоҳида ҳаммани кўрkitиб юрадиган, гоҳида ландовур, гоҳида раҳмдил қилиб, образни кўп қирраларини очиб бериш имконига муяссар бўлишган. Демак, актёр образни рўёбга чиқариш учун у ўзининг актёрлик маҳорати ҳамда истеъдодини турли восита, усул билан бир қаторда сахна санъатида яратилган ижодий йўл-йўриқлардан ҳам фойдаланиш имконига сазовор бўлиши керак. Ана шунда талаба болаларнинг севимли қаҳрамонига айланган Полвон Качал, Зумрад, Золушка, Ғозча, Қуёнвой, Сехрли кийик ва ҳ.к.ларни ҳар сафай сахнага олиб чиққанда, бу персонажларни янги бўёқларда ифодалаб, уларга хос бўлғай янги-янги хусусиятларни топиб, образ талқинига янгича жило бера олиш имконига сазовор бўлишади.

Образларга характеристика бериш жараёнида талаба ўзи саҳнага олиб чиқадиган персонажнинг хулқ-атворини, унинг атрофидагиларга муносабатини, етакчи хатти-ҳаракатини ва олий мақсадини аниқлаб олиши зарур. Шунда образ талқини тўғри ва аниқ бўлиб чиқади.

Актёр фаолияти – театр саҳнасида ҳам, съёмка майдонида ҳам маълум конун ва тартиблар, талаб ва имкониятлар даражасида кечадиган жараён сифатида бирмунча риёзатлидир. Инсон (образ) тафаккури, мушоҳадалари, дунёқараши, ички олами, руҳиятини кашф этиш ва буни кечинма ҳамда тажассум санъати асосида амалга ошириш – бу санъат турларининг ҳар иккаласини бирдай тақозо этади. Актёр шу йўл билан томошабинлар идрокини камраб олиши, қалбига йўл топа билиши лозим. Театр ҳам, кино ҳам санъатнинг синтетик турлари бўлиб, ҳар бир спектакль ва кинофильм расом, актёрлар, режиссёр, гримёр, композитор сингари турли санъат эгалари меҳнати замирида яратилади. Булардан ҳар бирининг спектакль ёки кинофильм бадий яхлитлигини таъминлашдаги ҳиссаси беқиёсдир. Чунки актёр ижроси, декорация, мусиқа, костюм, грим ва бошқа унсурлар театр ҳамда кино санъатининг узвий компонентлари ҳисобланади.

Саҳна санъати – энг мураккаб, шу билан бирга, эзгулик, гўзаллик, юксак ахлоқий ғоялар билан йўғрилган сирли олам. Томошабинлар бу даргоҳда ҳар окшом қаҳрамонларга ҳамнафас бўладилар, улар ижросидаги образлар билан жонли мулоқот шавқини туядилар.

Бундан бир неча йиллар илгари машҳур кинорежиссёр М. И. Ромм бир мақоласида: «Ҳозирги кино тараққиёти театрни сиқиб чиқаряпти», деганди. Кўпинча томошабинларимиз: «Телевизор чиққандан бери театрга тушиш камайиб кетяпти», дейишади. Бу гапларда жон бор, албатта. Чунки яқин-яқинларгача одамлар кўпинча бир-бирлари билан кўришиш ниятида ҳам театрга боришга ваъдалашар эдилар. Театрнинг ҳамма санъатлар ичида алоҳидалиги шундаки, сиз залда ўтириб, саҳнада роль ижро этаётган санъаткор нафасидан ҳам, атрофингиздаги томошабинлар кайфиятидан ҳам баҳра оласиз.

Инсон руҳи ўзаро мулоқотларда камол топади. Масалан, ўзбекларга хос бўлган аския кўпчилик ўртасида айтилсагина чинакам таъсир этади. Чунки атрофдагиларнинг умумкулгиси сенга таъсир кўрсатиб, завқингни минг чандон оширади.

Ҳар бир образни талқин этганда, унинг одамийлигидан келиб чиқиладиган, ҳаётини воқеалар қаҳрамон кимлигини кўрсата олади. Шунинг учун актёр ҳеч қачон ўз ишига касб тақозоси деб қарамаслиги керак. Актёрлик оддий касбга айланган жойда санъат ўз қадрини йўқотади. Актёрлик санъатини бурч, истеъдод, ҳаёт деб билган кишигина ҳақиқий санъаткор бўла олади. Изланиш ва ижод машаққатларига бардош бера оладиган чинакам фидойилар ана шу йўлни танлаши ва ўз бурчига содиқ қолиши мумкин.

Санъат соҳасида К.С. Станиславский актёр ижодининг икки йўналишини аниқлаб берган.

1.Кечинма санъати

2.Тақлидий (намойиш) санъат

Кечинма санъатининг асосида ҳаётини ҳақиқат ётади. Ҳақиқий санъат инсонни тарбиялайди, дунёқарашини шакллантиради. Онг туйғуларига, ижтимоий ҳаётини ўз таъсирини ўтказади. Кечинма санъатининг асосий мезони киши ҳаётининг ички дунёсини очиш, ролда инсон руҳиятини яратиш, бадиий шаклларда томошабинга маънавий озуқа бериш, ҳар бир ижрода одамнинг ички руҳий омилларига сингиб боришдан иборатдир. Кечинма санъатида қиёфа яратаётган актёр ҳаётнинг натижасини эмас, унинг ҳаракатдаги жараёнини очиб бериши ва ижод жараёнига актёр ўзини бахшида қилиши лозим бўлади. Ҳаётнинг мураккаб чигал муаммоларини ҳал қилишда маҳорат устуворлиги, астойдил меҳнат қилиш, тер тўкиш лозим бўлади.

Актёр бутун вужуди билан пьесага берилиб кетиши натижасида беихтиёр ҳаракат қилади. Чунки шундай пайтларда актёр ўзини қандай ҳис этаётганини, нима қилаётганини сезмасдан, ҳаммасини ўз-ўзидан беихтиёр равишда чиқараверади. Лекин бундай ижод ҳамма вақт ҳам актёрга насиб этавермайди. Кечинма санъати онгнинг ижодга бевосита эмас, балки

билвосита таъсир кўрсатишидадир. Инсон қалби унинг онги ва иродасига бўйсунуш қобилиятига эга. Мана шу хусусият руҳий жараёнга беихтиёр таъсир кўрсатишга қодирдир.

Саҳнада туриб, роль ҳаёти ва унга монанд шароитда тўғри, мантиқли, изчиллик билан худди ҳаётдагидек фикр юритмоқ, хохламоқ, интилмоқ, хатти-ҳаракат қилмоқ демакдир. Актёр айтилганларга эриша олса, ролга яқинлашади ва у билан бир хилда ҳис қила бошлайди. Бу ролнинг кечинмасидир.

Кечинма саҳна санъатининг асосий вазифасини бажаришда актёрга ёрдам беради. Вазифа эса ролдаги “инсон руҳининг ҳаётини” яратиш, бу ҳаётни саҳнада бадиий ифодалашдан иборатдир. Актёр саҳнада кечирадиган ҳаётида, ижоднинг ҳамма соҳасида санъатнинг бирдан-бир ва асосий мақсадига мувофиқ иш тутиши лозим.

Шунинг учун ҳам актёр энг аввал яратилаётган ролнинг ички томони ҳақида ўйлаши керак. Бу ижод қилишнинг биринчи шартидир. Актёр ролга монанд туйғуларни ҳис этмоқ учун ҳар сафар уни такрорлаганда роль ҳаёти билан яшамоғи лозим.

Кечинма санъати ижоднинг асосий мақсади ролдаги “инсоннинг руҳий ҳаёти”ни яратиш билан биргаликда бадиий шаклда унинг ташқи кўринишини ҳам томошабинга етказиб беришдан иборат.

Актёр ролнинг фақатгина ички кечинмаларини ўз бошидан кечирибгина қолмай, ўша кечинмаларнинг ташқи кўринишини ҳам гавдалантирмоғи лозим. Отелло ролини минг ички кечинма билан ижро этса-ю, унинг ташқи қиёфасини ижро эта олмаса, демакки, у ҳақиқий Отелло эмас. Демак, ролнинг ташқи қиёфасини гавдалантириш ички кечинмаларга боғлиқ бўлиши, кечинма санъатида кучлидир. Актёр фақат кечинма жараёнини яртувчи ички дунёси ҳақида қайғурмай, балки туйғуларининг ижодий иши натижасини, яъни, унинг ташқи кўринишда мужассамлашган шаклини тўғри акс эттирадиган ташқи қиёфаси устида кўпроқ қайғурмоғи лозим. Актёр ҳаётий кечинмалар билан яшагандагина ролнинг сезиларсиз, нозик ерларини ва унинг бутун ички дунёсини бадиий тўла-тўқис ифодалай олади.

Фақат шундай санъатгина томошабинни ўзига тўла жалб қилишга, сахнада содир бўлаётган ҳамма воқеаларни ўз бошидан кечиришга мажбур қилади, унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини бойитади, қалбида умрбод йўқолмайдиган излар қолдиради. Кечинма санъатида актёр ҳар гал ижросида янги қиёфага киради, бутун жараёни қайтадан вужудидан ўтказди.

Театр санъатининг жозибаси ҳам мана шунда. Роль берилган шарт-шароит тўғри мушоҳада қилиниб, ҳаракат йўналиши тўғри олиб борилсагина ҳаётий, табиий чиқади. Актёрнинг ички ва ташқи техникаси, инсон табиатининг қонунларига асосланиб, овози, жуссасидан тўғри ва унумли фойдаланган ҳолда тасаввур оламига бой, кузатувчан, ҳаётни чуқур билгандагина залворли қиёфалар яратилади. Кечинма актёри инсон қиёфасига, руҳиятига изчил киришиб бориши, унинг характерини мукамал очиб бериши керак. 2 Таклидий (намойиш) санъатида ҳам, кечинма санъатидек ҳар сафар роль ҳис этилади, лекин ролни фақат бир ёки бир неча маротаба ҳис этиб, туйғуларнинг табиий пайдо бўлишидаги ташқи шаклни билиб олгандан кейин, ўргатилган мускуллар ёрдами билан бу шаклни механик равишда қайтара бериш ҳам мумкин. Актёрнинг бу ижроси таклид деб аталади. Санъатнинг бу оқимидаги кечинма жараёни ижод қилишнинг асоси бўлмай, балки кейинги актёрнинг ижодий меҳнати босқичларидан бири ҳисобланади.

Бу меҳнат – яратилган сахна образининг ички мазмунини яққол кўрсатиб берувчи ташқи ва бадиий шаклни излашдан иборатдир. Бундай изланиш вақтида актёр, энг аввало, ўзига мурожаат қилади ва ўзи ижро этаётган шахсни чинакам ҳис қилишга – унинг ҳаётини бошидан кечиришга интилади. Лекин бу нарса аёнки, актёр буни сахнада эмас балки уйда репетиция қилиб келади. Кечинма санъатида роль ижросининг ҳар бир лаҳзаси, ҳар нафас янгидан ҳис этилиши ва янгидан гавдаланиши лозим. Санъатда кўп нарсаларга, гарчи улар қатъий белгиланган бўлса ҳам импровизация тарзида ёндашилади. Бу хил ижод актёрнинг ижодига самимийлик бағишлайди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

Асар муҳити деганда нимани тушунасиз?

Асарда мавзу ва ғоянинг қўлланилиши тўғрисида гапириб ўтинг?

Сюжет қурилмаси нималардан иборат?

Адабий монтаж санъати деганда нимани тушунасиз?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Қуронов Д, Мамажонов З, Шералиева М. Адабиётшунослик луғати – Т., 2013, “Академнашр”.

Иномхўжаев С. Бадиий ўқиш асослари - Т., 1973, “Ўқитувчи” нашриёти.

Қўшжанов М, Норматов Ў. Маҳорат сирлари - Т., 1968, Ғофур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти.

Каримов Н. Чўлпон, - Т., 2003, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Амалий машғулот. ТУРЛИ МАВЗУДАГИ МАТНЛАРДА ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

Сўз санъатида сўз сеҳри, унинг таъсирчанлик қудрати жумлалар қурилиши ва жозибатор, бетакрор бўлиши учун ҳам мураббий, ҳам талаба изчил изланишга сўзнинг фикрлар, таъсуротлар, тафсилотлар, муносабатлар уммонидан оқаётган гоҳ тиниқ булоқ зилол чашмасидек тоза, гоҳ тоғу-тошлардан жўшқинлик ва қудрат билан оқаётган шалоладай фусункорлик кашф этиши беқиёс аҳамиятга, катта ижтимоий, маънавий-маърифий қимматга эга албатта ўз-ўзидан ҳеч нарса содир бўлмайди. Талабалар томонидан танланган турли жанр мавзу воқеали адабий матнлар юзаки йўл-йўриқ ва ёдлаш билан тингловчини ишонтира оладиган, таъсир қила оладиган, жалб қила оладиган сўзга айланмайди. Сўз ўзининг жонли ва таъсирчанлик қувватига эга бўлиши учун, сўз устаси руҳан пишиб етилиши керак. Бу эса талабадан кўплаб адабиётлар ўқиши, кузатувчан, қизиқувчан, изланувчан бўлишини тақозо этади. Аммо нутқ техникасини ўрганиш ва ўзлаштиришнинг бошланғич давриданок талабаларга матннинг ривож ифодавий ечимини шакллантиришини ҳам назарда тутиши зарур.

Матн билан ишлашнинг масъулияти, юки, машаққати режиссёр ва иштирокчи учун барабар куч талаб қилади. Таниқли Озарбайжон ёзувчиси Анор ўзининг «Дантенинг юбилеи» қиссасида режиссёр ва актёр орасидаги рол устида ишлаш жараёнини аниқ ва ҳаётийлик маҳорати билан ёритади. Қисса талабалар учун адабий ижро матни сифатида ва сўз устида ишлашнинг машаққатли жараёнларини ҳис қилишлари учун назарий тушунчалар сифатида маъна бўла олади:

Бу кеча... Бу кўкча... Бу кўча...
 Бу кеча... Бу кўкча... Бу кўча.
 Бу кеча... Бу кўкча... Бу кўча.
 Йўқ, йўқ, йўқ!

Томоша зали бўм-бўш ва қоронғи. Залнинг ўртасида икки киши режиссёр ва рассом ўтирибди, рассом режиссёрнинг елкаси оша саҳнага қарайди.

Режиссёрнинг олдидаги кичкинагина стол устини хира лампа ёритиб турибди. Столда лампадан ташқари сочилиб ётган қоғозлар қалам, кулдон, дискасиз қора тельефон, бир шиша «бодомли» суви ва стакан бор эди.

Машқ борарди.

Режиссёр ўрнидан сапчиб турдида, илдам қадамлар билан саҳна томон юрди.

Чап томондаги чироқлар ёритиб турган саҳнада гримсиз иккита актёр турарди. Уларнинг эғнида ўзларининг кундалик кийимлари. Режиссёр чаққонлик билан ҳатлаб саҳнага чиқди ва олдинда турган қорамағиз ўртаяшар актёрнинг олдида борди.

-Файзулла, азизим, жон биродар, - у иложи борича хотиржам ва юмшоқлик билан гапиришга ҳаракат қиларди, - ўзингга ичинг ачимаса ҳам, бизга раҳминг келсин, эрталаб тўққиздан бери шу ердаман, ҳали туз ҳам тотганим йўқ. Жоним сенга қурбон, инсоф қил, азизим, аҳир биз ҳам одамтз-ку!... Бутун асар давомида атига уч оғиз сўзинг бор, шуни ҳам айтолмайсан-а. тавба учоғиз сўзни аний айтишининг нимаси қийин?! Бу кеча... Бу кўкча... Бу кўча... вассалом!

Файзулла кир бўлиб кетган дастрўмолини олиб тер босган юзини, бўйнини тинмай артарди.

-Ҳозир-ҳозир-дея режиссёрни тинглантирмоқчи бўлди, у

-Ҳозир айтаман.... Кўнглигдагидай қилиб айтаман. Шошма... Ҳозир... кўп сиқилаверма...

-Қани гапир-чи

-Ҳозир, ҳозир...

режиссёр гугурт чақиб сигаретини тутатди, орқага карамасдан нарироқда турган актёрга деди:

-Алиакром, бошла!

Орқада турган актёр Файзуллага мурожаат қилди:

- Ҳўш, қани?

-Бу кеча, бу кўкча, бу кўча, - деди Файзулла жон-жаҳди билан

-Тфу! Э сени...-Режиссёр ўзини босолмади, жаҳли чиқиб тутоқиб кетди.

Саҳнадан пастга тушиб, ўзи ўтирган жойга борди. Сигаретини кулдонга босиб, эзгилаб ўчирди, кўкранг чўнтагидан дори олиб биттасини оғзига отдида, стаканга сув қўйиб ичиб юборди. Кейин ҳорғинлик билан ўзини креслога ташлади. Файзулла ночор бир кайфиятда режиссёрга ёлворарди:

-Асабийлашма, азизим асабийлашма. Бироз сабр қилгин, ҳозир айтаман. Ҳайронман, менга бугун нима бўлди-я, ҳеч ўзимга келолмаяпман.

Режиссёр рассомга ўгирилиб шивирлади:

-Ҳудди бошқа кунлари қотириб ўйнайдигандек гапирадиЙ.

-Бўлдими? Деб сўради Файзулла.

Режиссёр жавоб бермади, фақат калласини қимирлатиб қўйди.

-Бу кеча! Бу Кўкча! Бу кўча! Деди-да режиссёрга боқди Фазулла. Режиссёрнинг юзида ҳеч бир ифода йўқ эди. У саҳна чеккасига маъносиз термулганича нигоҳини бир нуқтадан узмасди. Гўё қотиб қолгандай ҳеч нарсани кўрмас, ҳеч нарсани эшитмасди. Файзулла сўзларни чўзиб, бошқа оҳангда гапирди:

-Бу кеча... Бу кўкча... Бу кўча.

Режиссёр илон чаққандай ўрнидан ирғиб турди:

-Ҳей инсон, биродар, хамшаҳар, мусулмон, армани, мўлтони! Одам боласимисан ўзи! Эй сени... дея бирдан кафти билан оғзини беркитиб ўтириб қолди. Ҳамма актёрлар унинг бу қилиғини яхши билишарди. Жаҳли чиқиб асабийлашганида ҳақоратловчи сўз айтиб юбормаслиги учун у шундай қиларди. Рассом унинг елкасига қўлини қўйди:

-Сиёвуш, хой Сиёвуш., ўзингни бос...

режиссёр жаҳл билан «Бодомли» сувини олиб шишасидан ича бошлади. Кейин бироз ҳовиридан тушиб рассомга юзланди:

Кўряпсанку, кўряпсан-ку менинг аҳволимни?! Яна сен Брехт, Мейрхолд дейсан! Ахир ўзинг ўйла, мана шу маҳлуқ билан Брехт асарини кўйиб бўладими? Эрталабдан бери уч оғиз сўзни одамдай айтдиролмаман кўряпсанку! Мен аҳмоқ бўлсам, мана шу Файзулла Кабирлинскийга ўхшаганлар биланбуюк санъат яратаман деб юрибман-а! Асабий равишда титраётган кўллари билан сигарет олиб тутатди. Режиссёр жаҳл билан босиб-босиб тортди, сўнг Файзуллага қараб деди:

-Ҳой инсон, билиб кўй, сендан яхши этикдўз, чойхоначи, ошпаз чиқади. Яна билмадим нима ҳунар қолди. Айтайлик ҳоммомчи, мурдашов чиқиши мумкинди, лекин икки дунёдаям сендан актёр чиқмайди! Эй мусулмонлар, икки қулоғингиз билан яхшилаб эшитиб олинглар! Санъат бу! Эшитдингларми! Санъ-а-а-т! Ижод! Яратиш! Ҳа яратиш-бу ижод! Бу санъат! Ҳиссиёт, ҳарорат керак бу ерда! Лекин ўттиз олтию-олти ҳарорат билан санъат яратиб бўлмайди. Аввало ўзинг қийналишинг, ёнишинг, яратишинг ижод қилишинг керак! Тани-жонинг, вужудинг билан ёнишинг, қрвирилишинг, қайнаб тошишинг лозим. Қуруқ овозга зўр берганинг билан санъат яратолмайсан, эй инсон! Қуруқ қичқирик билан образ яратиб бўлмайди. Овознинг ўикир бўлса мачитга бор, азон айт! Лекин актёрлик қилма! Тушундингми? Эшитдингми эй биродари азиз! Муаззин бўл!

Файзулла сахнада лом-мим деёлмай қотиб қолганди. Уятдан, ҳижолатдан чўғдай қизариб кетганди, унинг юзидан тер куйиларди. Қирк йилдан бери сахнада у, шу йиллар давомида қанча-қанча режиссёрлардан, актёрлардан не-не тағналар, ҳақоратлар эшитмади, аммо уларнинг ҳеч-қайсиси мана бу режиссёрдай – Сиёвушдай ҳақорат қилмаган эди! Улардан биронтаси муаззин, мурдашов, азон, мачит деган сўзларни тилга олмаганди. Театрда ҳамма, Сиёвуш ҳам, Алиакром ҳам, Файзулла-руҳоний оиласидан эканини, отаси муфти бўлганини билишади. Буни эҳтимол ана шу ёш рассом эшитмагандир, чунки у театрга яқиндаина келган.

Рассом пичирлади

-Эй Сиёвуш, ўзингни қўлга олсангчи, бечорани бунча қийнаб нима қиласан? Пичоқсиз бўғизладинг-ку, шўрликни қўлидан келгани шу бўлса нима қилсин.

-Ҳўш, мен аҳмоқ нима қилай бўлмаса? – қарғаб кетди Сиёвуш. Менинг нима гуноҳим борки, умримни манави галварслар билан тортишиб ҳазон қилсам?! Ҳўш айбим нима? Мана бу зот икки сўзни бир-бирига қовуштириб гапира олмайди-ю, яна сахнага чиқиб олади, ақл ўргатади!

Рассом унинг сўзини бўлди:

-Айб бўлади Сиёвуш, сал ҳурмат керак, отанг тенги одам-а.

-Отам тенги – ижирғанди режиссёр – менинг отам аллақачон нариги дунёга равона бўлган. Мана бу жонли тош эса мени ҳам, сени ҳам тамом қилади. Ҳафа бўлма, булар юз йил яшайди. Нега энди яшамасин? Нима дарди, қандай ғами бор бунинг? Унга минг бақир, минг ҳақорат қил қичқир, ўзингни-

ўзинг еб адо қил парвойи палак, бошини эгиб молдай бақрайиб тураверади. Эҳтимол ичида менинг устимдан кулиши ҳам мумкин, анави аҳмоқни қара, арзимаган нарсага бўғилиб асабни бузиб жиннидай қичқиряпти деб, қараганда унга, пинагини бузмайди. Ахир бундай ахволда қанақа театр, қанақа санъат ҳақида қайғуриш мумкин?! Бу ҳақда сўз ҳам бўлиши мумкин эмас! Қирк йилдан буён сахнада бор йўғи уч оғиз сўз айтадида, маошини олиб уйига бепарво жўнайди. Яна қирк йил умр кўрса, худди шундай яшайди. Бирон-бир ўзгариш бўлмайди. Биз аҳмоқлар эса қаёқдаги санъат, янгилик, тараққиёт деган беъмани гаплар билан бошимизни оғритиб, лақиллаб юрамиз! Буларнинг ҳаммаси кимга керак ахир, зайнал?! Йўқ, йўқ, ҳаммаси бекорчи гаплар. Аслида дунё мана шуларники, Файзаллага ўхшаганларники, яшашни, давр суришни мана шуларга чиқарган!

Режиссёр юрагини бўшатиб, сал енгил тортди, сигарет тутатди, бир икки босиб-босиб тутатди-да сахнага қаради. Файзулла мункайганича, ҳайкалдек қотиб турарди. У режиссёрларга шундай итоаткорона кўзлари мўлтираб жовдираб қараб турарди.!

Талабаларда катта истеъдот билан яратилган, бадий пишиқ ва етук, воқеалари таъсирли муаллифнинг ғояси, мақсади бугунги кунимизга миллий истиқлол мафқурасига уйғун сасрларнинг танланиши, талабаларнинг фикри-ёди қалбини уйғота олиши ҳаёлини банд қилиб кўйиши ҳам ҳал қилувчи сабабларидан биридир.

Нутқ техникаси, мантиқ, сўз билан ишлашнинг ҳамма жараёнларида ҳам талабада сўзга, жонли сўзга, таъсирчан бетакрор сўзга доимий меҳр чанқоқлик уйғотиб бориш зарур. Талабалар сўзни энг ноёб, бебаҳо ижод маънбаси эканлигини бутун вужуди, онги ва қалби билан ҳис этишлари керак. Сўзга меҳри, чанқоқлиги бўлмаган ижодкор қандай қилиб ижод машаққати юқини ҳис қилиши ва сўз орқали ўз томошабинлари ишончи, ҳайратини забт этиши мумкин? Сўзга ҳассослик, сўзнинг кадр-қимматини билмай изчил ўрганмай жонли сўзни ҳис қилиш ва ўз томошабинларига ҳис этдириш мутлақо мантиққа зид уриниш бўлар эди. Адабиёт оламида инсониятнинг маънавий дунёсига сув билан ҳаводек зарур манбалар борки, у сўз санъатида ифода намунаси бўлишга арзийди:

Инсониятни ҳамон ларзага солиб келувчи ноинсоний иллатлар – урушлар, зўравонлик, террор, ўз юрти, Ватани, ҳалқига садоқатсизлик, ҳоинлик жуда катта муаммо бўлиб турган пайтда Ватан, юртга садоқат мадҳи акс этган миллий истиқлол ғояси таъсирчан талқин этилган асарлар ёш ижодкорнинг дунё қараши, тасавури, тафаккурини шакллантирувчи маънаба бўлиши муҳим қимматга эга.

Қозоқ адиби Собит Дўсановнинг «Арвона» насрий достонини намуна учун тавсия қилиниши талабаларда сўз бойлигини ўстириш, ватанпарварликка эътиқод уйғотиш, сўзлар қурилишининг равонлиги, воқеаларга муносабатини фаоллаштириш мақсади учун ҳам бадий қимматга эга шунингдек сўз санъатининг қадимий анъанавий ифодавийлиги ҳалқнинг бебаҳо маънавий ҳазинаси эртаклар, достонлар, қасидалар орқали тилдан-

тилга кўчиб маънавий ҳазинаси сифатида мавжудлиги ҳам бу асарга эътибор қаратишимизнинг сабабларидандир.

Асарнинг асосий воқеаси:

Босқинчилик, зўравонлик, адолатсиз қирғин барот туфайли Арвонанинг туғилган юрти, Ватанидан жудо қилиниши.

Муаллифнинг ва ижрочининг олий мақсади:

Она тупроқ, туғилган юрт-ота макон Ватанга чексиз садоқат – меҳр-муҳаббат туйғунларини улуғлаш.

Етакчи ҳаракат: Арвонанинг ҳаёт-мамоти. Ватанга қайтиш машаққатларини енгишга бўлган беқиёс кучи, меҳри, садоқати орқали тингловчиларда Ватанга эътиқод уйғотиш.

1-воқеа: Арвонанинг тутқунлиги.

2-воқеа: Она юрт соғинчи азоблари.

3-воқеа: Озодлик армонлари – Ватан, илинжи. Қочқинлик.

4-воқеа: Қочқинлик учун жазо уқубатлари.

5-воқеа: Армонанинг бўталоғидан жудо бўлиши:

6-воқеа: Озодлик сари уринишлари.

7-воқеа: Бўрилар галаси қуршовида.

8-воқеа: Ҳаёт-мамот ва озолик аро машаққатлар.

9-воқеа: Йўлбарс ҳужуми.

10-воқеа: Манзилга етиш умидлари.

11-воқеа: Макон – Ватан билан юзма-юз.

Ижрочи асарни чуқур ўрганганидан сўнг Чингиз Айтматовнинг Асрларга татирлик лаҳза муғуллар истильосига оид тарихий асарлар, Чингизхон, Ботухон ҳақидаги В.Яннинг асарларини, Явдат Илёсовнинг асарларини ўрганиши қўшимча маънабалар билан тасаввурини бойитишга интилиши муҳим аҳамиятга эга:

«Арвона»

С.Дўсонов

Мана бир ҳафтадирки, Арвона /она туя/ олис сафарни кўзлайди. Машъум тақдир уни бу ғаним юртига ўлжа қилиб олиб келганига ҳам оз эмас, кўп эмас етмиш кун бўлиб қолибди. Шундан бери унга бу сеҳрли куч тинчлик бермайди: кўнгли олисда қолган она юртини қумсайди, қандайдир бир илоҳий оҳанграбо уни ўша томонларга бетиним ундайди. Ўша машъум айрилиқдан бери унинг кўзлари қорачиғида киндик қони тўкилган юрт осмонининг парку булутлари акс этади. Ўзи туғилиб ўсган юртнинг кўм-кўк қўллари-ю, яшил ўт-ўланлари кўз олдидан нари кетмайди. Олабўта билан янтоқнинг, ёвшан билан изённинг /чўл гиёҳлари/ ҳушбўй иси ҳамон димоғида. Шуларнинг барини соғинади, беихтиёр кўзларига ёш келади. «Эй тангрим, кўм-кўк яйловларингда бемалол ўтлаб юрган кезларимда, текисликларингда эмин-эркин чопиб юрган пайтларимда нима учун қадрингни билмаган эканман-а?» - деган каби сўзлар ётса ҳам, турса ҳам унинг ушалмас армонига айланган.

Тўғри ёт элларда юрса-да, аҳволи унчалик ёмон эмас, жони тинч, егулик ўт-ўлан мўл. Буларнинг ҳам ўзича сабаблари бор. Қалмоқларнинг туялари

Муғулларнинг туялари билан қондош, улар танаси юмур, юриши чакқон, жунлари ўсиқ бўлгани билан козоқ туяларига нисбатан кўримсизроқ, унча-мунча оғир юк ортсангиз ётагон келади. Бегона юрт туялари қони аралашмаган козоқ туяларининг эса ўрқачлари баландлиги нақ ярим газ келади, худди тоғ чўққиларидай тик, гўштдор. Манглайлари дўнг, яғирлари кенг, тумшуқлари худди кўчқорникига ўхшайди, ҳам улкан, ҳам сутли, бунинг устига жундор ҳам, мускуллари бақувват, беллари узун, чидамли.

Тунов куни Қалмоқ ҳонининг чорвачилик соҳасида ўнг кўли ҳисобланмиш чуқур кўз, кулоғи чиноқ мушук мўйлов ҳос ҳодими – чуваккина қора чол арвонанинг ярғинлари, елкаси-ю почаларидаги чувалиб турган чувдаларини /ипга ўхшаб эшилиб қолган юнглаб/ силаб туриб козоқи туяларининг бошқа туялардан афзалликларини қарамоғидаги ҳизматкорларга обдон тушунтирган. Ўшандан у козоқ туяларни қолмоқ туялари билан частиштириб, ўзгача зотли туя олмоқчи эканини ҳам яширмаган эди. Шу гапдан сўнг Арвона ўзига бўлган эътибор сабабини англагандай бўлди. Англади-ю, аммо бу эътибор унинг кўнглидаги ўксикни, ғам билан андуҳни бирпасга бўлсада нари суролмади. Ростки, Арвонанинг бу ерда эмин-эркин яшаши учун ҳамма шароит бор, аммо, биргина нарса етмайди. Бу ўзи туғилиб ўсган юртнинг мусаффо ҳавоси. Тўғри, ҳаво бу ерларда ҳам бор, бироқ ўзи туғилган юртнинг мусаффо ва ширин ҳавосига нима етсин! Юрт ҳавосида эркин нафас оласан, у танангга қувват беради. Ўзга юрт ҳавоси нафасингни қисади, қандайдир юк устингдан босиб тургандай, қоронғу тунақда юргандай ҳис қиласан ўзингни.

Арвона тағин бир нарсани эсидан чиқармайди. Бу туғилган юртнинг тупроғи. Ўша тупроқда ўсган ўт-ўлангина тотли, унинг таъми ҳамон танглайдан кетмайди, борингки, жисмидаги барча фазилат ҳам ўша сертаъм гиёҳлардан. Шунинг учун ҳам у кўпдан бери ўша сертаъм ўтларга етаклаб борувчи йўлга интизор. Бу армон ўз юртига етмай ушалмаслигини у аниқ тиниқ ҳис этади.

Арвона ўзи туғилиб ўсган юртнинг қайси томонда эканини яхши билади. Шунинг учун ҳам у ўша томонга энтикиб, термулиб, алоғида бир меҳр билан боқади. У энди бунақа энтикиш-у хўрсинишлардан, қолаверса кўз ёшлардан ҳеч қандай наф йўқлигини, ўзида бир журъат топиши лозимлигини тушунди, бир йўлини қилиб бу ердан жуфтақни ростлашга жазм этди. Тўрт оёғи омон бўлса, зим-зиё тун уни ўз бағрига олса, тангри-таоло йўлини берса, жуфтақни рослаши аниқ.

Бундай қарорга келгунча арвона шўрликнинг бўладигани бўлди. Ҳаёли ҳар қаёққа чарх уриб, роса қийналди. Яхши ўйлаб кўрмабди, ҳали унинг олдида яна бир муаммо турган экан. Йў-ўқ, бу муаммо олис йўлнинг азоби эмас, бу тақдирнинг мазоғи эди. Тан-жони сиҳат бўлиб турса, бу йўл азоблари унинг учун ҳеч гап эмас. Толиқса ҳам, азоб чекса ҳам чидаб, жонажон юрт меҳрини қанот қилиб учарди-я! Аттанг, мана бу қўш кўзлари мўлтираб турган мурғаккина бўталоғини қаёққа ташлаб кетади. Ёв кўлида қоладими? Қандай қилиб кўзи қийиб ташлаб кетади пушти камаридан бино бўлган

жигарпорасини? Мабодо ташлаб кетгудай бўлса, эртага уни соғиниб, қумсаб онаизорининг жигари хун бўлмайдами? Бугун ўзини асирликдан озод қилиб кетгани билан эртага бўталоғига бўлган соғинч дарди унинг ич-этини емайдами? Ўзининг боши бўш бўлгани билан бўталоғининг бошида нуҳтаси бор, улкан ҳарига боғлиқ. Уни бир амаллаб бўшатишнинг чораси бормикан? Арвонанинг юрагида тош бўлиб турган ҳадиги мана шу, мана шу муаммо уни ипсиз боғлаб турар, армонга етолмас, оқимга қарши сузолмас эди. Олти кундирки, у шу азобда қийналарди. Олти йилга татигулик олти кун!..

Туғилган юрт оҳанграбоси, туғилган юрт муҳаббати ҳудди оч бўридай таталарди, унинг ўксик юрак-бағрини. Мана еттинчи куннинг укубатли тонги ҳам ёришди. Бўзариб ёришган осмон ҳам, гулдир-гулдир сайраётган бўзтўрғайларнинг навоси ҳам ҳудди янги келинчаклардай ясаниб, ястаниб ётган дала-ю-дашт ҳам шу дала-даштда барча сепини кўз-кўз қилган табиат ҳам арвонанинг ўксик кўнгини ёзолмасди. Унинг кўнглида фақат биргина армони бор, у ҳам бўлса, қандай қилиб бўлсада, иложини қилиб, ўз жонажон юртига, ўз ота маконига етиб олиш эди. Шу армонга етса, майли ўлиб кетишга ҳам рози. Ана шунда кўнглидаги армони ушалади.

Арвона шу каби оғир ҳаёллар билан осмонга қаради. Қуёш қоқ тепага кўтарилибди. Шу сонияда унинг бошига йилт этиб бир фикр келди. Бўтасини боғлаб турган нуҳта ипларини ўткир тишлари билан ғажиб-узиб ташласа-чи! Бу фикрдан унинг кўнгли ёришиб кетди. Ғоз кўтарган бўйинини паст эгди. Шу захоти унинг кўзлари ғаним юртида туғилган бегуноҳ маъсум бўталоғига тушди. Жигаргўшаси ҳеч нарса билан иши йўқ, кўзлари мўлтираб оғзига олган хашакни курт-курт чайнаб хотиржам ётар эди. Унинг учун ёруғ дунёнинг ҳамма жихати яхши, ҳамма нарса чиройлик, ҳаммаси унинг учун дўст. Унинг ўй-ҳаёли ҳам гўдакона, ташвиши-ю барча ҳаракати ҳам гўдакона эди.

Бу бир-бири билан уришган, чопишган юрт ғанимлар юрти эканини, бу ерда ортиқча яшаб бўлмаслигини, ҳатто бу ерда ўлиб ҳам бўлмаслигини у билмас эди. Арвонанинг дийдаси бўшаб кетди, бўтагинасини искаб, эркалаб, боши билан силаб-сийпалади. Бўталоқ бир нарсани сезгандай гандираклаб ўрнидан турди. Арвона бўталоғининг нуҳтасини, нуҳтага боғланган ипини тумшуғи билан туртиб кўрди, сўнг ипнинг қозикқа боғланган томонини оғзига олиб ғажий бошлади. Шунақа ғажидики, ҳудди ғанимнинг бирор аъзоси оғзига тушиб қолгандай, бамисоли ҳамма ўчини шу арқондай олаётгандай ғажиди. Сўнг бўталоғини гавдаси билан итариб юборди. Арқон ҳалиги ғажилиб омонат бўлиб қолган жойида чирс этиб узилди. Қувонгинида туя бечоранинг кўзларидан ёш тирқираб кетди. Сўнг орқа-олдига қарамай йўлга тушди шўрлик, олдинига нима бўлганини англамай қолган бўталоғи, маъсумона бақирди-ю, онасининг кетидан эргашди...

Арвона ҳавони кўкраги билан кесиб, елиб борарди. Ҳозирча орқасидан қувиб келаётган от дупури эшитилмасди. Аравонанинг танасидан кўпдан бери тер чикмаган эди. Энди ўша тер чикди, ўзини енгил ҳис қилиб, обдон қизиб чопа бошлади. У овул орасидаги кафтдайгина майдончада ўзининг қай даражада илдам чопишини синаб кўролмасди албатта. Эмин-эркин чопиш

учун кенг дала керак. Мана энди имконият туғилди. Чўзилиб чопасанми, ёзилиб чопасанми ихтиёр ўзингда. Хоҳлаганингча чопавер! Мабодо чопа олмасанг, юлдуз бўлиб оқолмасанг, ўз уволинг ўзингга! Журъатинг бўлса, қанотинг бўлса, ер танобини тортиб кўр. Арвона ўпкаси тошиб кетса ҳам ўсган юрт ҳудудига етмай тўхтамасликка қасд қилиб, чунонам чопди-ки, асти кўяверасиз.

Бамисоли отилган ўқдек учиб келаётган арвона анчагина орқада қолган бўталоғининг заифгина инграганини эшитиб, тўхтаб қолди. Бу унинг жигарпораси-ку ахир. Орқасида бўталоғи борлигини, у ўзига етолмай келаётганини эндигина ҳис қилди. Шунда ҳам у ортига қайрилишга, боласи сари бир икки қадам ташлашга журъат қилмади, тўхтаб бўталоғининг келишини кутди. Онасининг кетидан чопа-чопа ўпкаси тошиб кетган шўрлик бўталоқ онасига етди-ю, ётиб олди, гўё бирор ножўя иш қилиб кўйган боладай онасига мўлтираб қаради. Жикқа терга тушиб кетибди жонивор. Икки буйри булк-булк қилиб, зўрға нафас олиб ётарди, бечора. Кўз ёшларими, ё терлаганими, кўз қорачиғидан томчилар сизилиб оқарди. Арвона жигарпорасига ачиндими, узун бўйнини пастга эгиб, тумшуғи билан силаб-сийпаламоқчи эди, шу пайт орқадан от туёқларини дупури эшитилди. Ҳа, бу ўша туяси сол, жаҳл устида қамчисини ҳавода ўйнатиб, бақир-чақир қилиб чопиб келарди. Шум тақдир унга тағин бир тузоқ кўйганини сезса ҳам арвона парво қилмади. Чўкиб бўталоғига меҳр кўрсата бошлади. Қолмоқ чол буларга етди-ю отининг жиловини тортди. У жаҳл устида бўлсада бир бирини ялаб-юлқаб, эркалаб ётган она-болани, ҳали гўдаккина бўталоқнинг асбийларча ширин қилиқларини кўриб шаштидан тушди... Арвонанинг оналик меҳрини, ҳали ўпкасини босолмасада, онасига талпиниб ётган бўталоқнинг ярашиқли эркаланишларини кўриб маҳлиё бўлиб қолди.

Бир маҳал Арвона оғир кўзғалиб ўрнидан турди. Терлаб кетган пешонасини шабадага қаратиб бир оз турдида, сўнг она юрти томонга бир бор, яна бир бор кўз ташлади. Кўз ташлади-ю, қандайдир бир мунгли, зорли товушда бўзлаб юборди. Унга бўталоғининг нозик ва мунгли зори жўр бўлди. Она боланинг ўз юртини қумсаб қилаётган нолаларини эшитиб, қолмоқ чолнинг ҳам дийдаси бўшаб кетди. Бу ёруғ дунёда, олтмиш йил яшаб, қирқ йил мол боқиб, туя жониворнинг шунчалик эслик, шунчалик фаҳм-фаросатли бўлишини энди англади. Чол уларни беаёв жазоламоқчи эди. Энди бу фикридан қайтди. Уларга юрак-юрағидан ачинди... Ҳатто бу бечораларни озод қилишга ҳам рози эди. Бироқ унинг калласига бу ҳаёл қанчалик тез келган бўлса, бу фикрдан қайтиш ҳам шунчалик тез юз берди. Ўша заҳоти кўз олдида ҳоннинг қаҳри қаттиқ, ҳос ҳизматкори келди-ю, туя билан бўталоқ шўрликни беаёв савалаб, бақиртириб олдида солиб хайдаб кетди. Туяни тополмадим, деб қайтиб бориши ҳам мумкин эди. Аммо ўша баджаҳл, ҳос ҳизматкор унинг танасидан тасма тилиши аниқ эди. Учига кўрғошин тугиб ўралган қамчиси билан орқасини тилим-тилим қилиб савалаши аниқ... «Йў-ўк, бунақа азобдан худонинг ўзи асрасин. Бусиз ҳам умрнинг менга аталган жабру-жафолари тўлиб-тошиб ётибди!»

Арвона овулга эмас азобга, азобгина эмас дўзахга келаётгандай эди. У ҳозир ҳайдовда, ҳайдовдагина эмас байловда келарди. Бошида нуқта бўлмасанда, ҳаёлида нуқта бор эди.

Ташлаган қадами унмасди, ғаним юртига бир қадам ҳам ташлагиси йўқ. Бироқ «Начора?! Вой бевафо дунё-я! Вой менинг ўз она юртимда ўн оқлаб юрган даври-давронларим-а! Тағин қайтиб келасами-йўқми? Ё бир йўла келмасга кетганингми? Мен шўрлик эндиги умримни ўкинч билан, ғам-андух билан ўтказаманми? Эй дунёйи вевафо, нега менинг дарду-ҳасратларимга кулоқ осмайсан! Ҳей одамлар! Ақлу-фаросатингиздан айланайин одамлар! Виждонларинг олдида иккиланмай жавоб беринглар! Нега урушлар бўлади? Нега ўтовларимизнинг ганчароқлари чайқалиб, керачаю увуқлари шарт-шурт синади? Нима учун бир-бирларинг билан ёвласасизлар. Кимга керак бу жангу-жадал! Нега бир-бирларингни ота макондан айирасизлар?! Туғилган ердан айро тушиш, бахтдан айро тушиш эмасми? Бу сиз ҳам мана бу ёлғон дунёда ғам билан қайғу-ҳасрат тўлиб-тошиб ётибдику!

Бечора Арвонада забон йўқда. Агар унда тил-забон бўлганида, ўзи ақлли фаросатли жонзот деб тушунадиган одамзотга мана шундай саволлар билан мурожаат қилган бўлар эди.

Арвонанинг эсига ҳўв бир гал кечкурун бўтасини ташлаб далага чиққани тушди. Ўшанда у ўз она юрти томонга қараб узоқ туриб қолган эди. Бир кетгиси келдики, аммо боғлиқ турган бўталоғини ташлаб қаёққа ҳам борарди. Жигаргўшасининг олдига қайтиб келди. Бу гал ҳам ипсиз боғланиб қолдим. Сени чирқиратиб, қаёққа ҳам борардим, болагинам. Бу ёт жойлардаги ёлғиз юпанчиғим ҳам, баҳтим ҳам сенсан-ку ахир, юмшоққинам...

У ҳозир қайғу булутининг ёпирилиб келганини ҳис этди. Ҳис этди-ю, барибир бир кун мас бир кун тушовини улоқтириб ташлаб, ўша ота маконга, мовий осмонли серқуёш маконга, озодлик ўлкасига кетишини кўнглиги тугиб қўйди.

Арвона сўнгги кунларда бирдан ўзгариб қолди. Илгариги юмшоқликдан, меҳрибонликдан асар ҳам йўқ, юрак бағри тошга айланиб, дунёдаги барча ишларга бепарво қарайдиган бўлиб қолганди. Бунинг ҳам ўзича сабаблари бор эди албатта. Ҳов анов куни бўталоғининг оёғига қарамайман деб ёв қўлига тушиб қолгани арвона учун қаттиқ зарба бўлган эди. Ўша оғир зарбадан кейин энди ўзига кела бошлаганда шу тақдир унга тағин бир мусибатни раво кўрди. Туячи чол она болани қайтариб олиб келганидан ўн кун чамаси ўткач, шўрлик Арвона суюкли жигаргўшасидан айрилди. Қалмоқ ҳони уни қўшни овуллик жиянига тортиқ қилиб юборди. Жияни деяётганимиз ўн бир, ўн икки ёшлар чамасидаги муғул башара беўхшов, ўнг қовоғидан чандиғи бор, тентакроқ бола эди. Бўталоқ қўлига текканидан бошлаб у бор хунарини кўрсата бошлади: бир чўқтирди, бир турғазди, ҳушига ёқмаса боши, кўзи демай қамчи билан савалайди. Хуллас бечора бўталоқни жудаям қийнаб ташлади, у тентак бола. Бу ёв боласининг бўталоққа кўрсатган азобими, мазоғими Арвона буни билмайди. Аммо тентак боланинг бўталоғига нисбатан қилаётган қилиқларини, адолатсизликларни кўриб қаттиқ қийналди. Кўзларидан ёш оқиб

теварак атрофида ўтирган одамларга қараб нажот кутди. «Хой меҳрибон одамлар! Манави тентак боланинг қилаётган қилиқларини кўрмайпсизларми? Ажратсаларингчи уни! Бу адолатсизликку ахир. Нега қараб турибсизлар! Сизларнинг ҳам ёш болаларинг борку ахир!»- дегандай бўларди унинг ёш тўла кўзлари. Бироқ қимиз ичиб қизиб олиб, қисир хангомага тушиб кетган одамлар бу ҳолга парво ҳам қилишмасди. «Аттанг, улар кўрмайпдилар-да!..»- деб овуларди Арвона шўрлик ўзини. Шу орда тентак бола навбатдаги совук қилиғидан завқланиб қаҳ-қаҳ отиб кулди. Тепаликда ўтирган бояги одамлар бола томонга ялт этиб қарашди. «Кўришди, энди азобдан қутулди болагинам!»- деб ўйлади арвона. Қаёқда, улар тентак болани тийиб кўйиш у ёқда турсин, қайтага уни раҳбатлантиришди. «Бу қанақаси! Дунёда адолат, диёнат деган нарсалар қолмаганми ўзи? Шу сизларга лойиқми одамлар! Биз сизларни дунёдаги энг ақилли жонзот, деб юрибмиз-ку, ахир. Бу нима қилганларинг!»- деб нидо қиларди унинг дардга тўла юраги.

Бўталоқ кўзларидан ёш оқиб бўзлаб турган онасини кўрди, кўрдию, гўё танасида қандайдир бир куч сезиб, бирдан шаталоқ отиб, ўйноқлаб, устига оч канадай ёпишиб олган тентак болани улоқтириб ташди-да, онасининг олдига чопиб борди. Қалмоқнинг қора думалоқ, мўғил башара тентак боласи ҳам ўжар экан, ўрнидан турди-ю, бўталоқнинг ортидан югурди. Бўталоқ эса ҳимоя истаб онасининг бағрига тикилди. Бола жон-жаҳди билан бўталоқнинг паҳмоқ жунларига ёпишмоқчи бўлган эди, арвона уни улкан гавдаси билан туртиб юборди. Бола муккасидан йиқилиб тушди. Онасига талпинган бўталоқ беҳосдан боланинг панжаларини босиб ўтганда, у қўлининг оғириғига чидаёлмай, яю-ҳаннос солиб йиғлаб юборди. Тепада ўтирган катталар энди аҳамият беришиб, ҳой-ҳойлаб товуш чиқаришди. Баъзилар бу ёққа чопиб кела бошлашди. Сал ўтмай шўрлик Арвона билан бўталоқ бамисоли пишиқирган илондай қамчилар тагида қолишди. Арвона бўталоғини бағрига олиб ҳимоялашга уринди.

Ўша куни қалмоқлар арвонани ҳипчин билан обдан саваллашиб, қоронғу қўрага камаб ташладилар. Бўталоқни эса бошқа томонга олиб кетдилар. Ўшандан бери арвона якка-ю ёлғиз. Ёт юртлардаги қоронғу дарди дунёсида чироқдай ёнган биттагина овунчоғи бор эди, ундан ҳам айрилди.

Қоронғу қўрадаги камоқдан чикқач, Авонани овулдан четроқдаги мол ёйиладиган ўтлоққа жўнатишди. Барибир, бу ердаги туялар ҳам арвона учун бегона эди. Шунинг учун бўлса керак, Авона аста-секин улардан ўзини четга ола бошлади. Шу алпозда юрганида тўсатдан қулоқларига бир нидо чалингандай бўлди. Тўхтаб қулоқ солди. Ортига бурилиб, ҳўв нарида, орқасида ўтлаб юрган туялар тўдасига қаради. Қулоғига эшитилаётган нидо у томондан келмас эди. Энди Арвона ўзи ҳеч ҳам у кўника олмаётган овул томонга разм солди. У томондан ҳам ҳеч қандай товуш эшитилмасди. Ортидан ҳеч ким қувиб келмаётганига амин бўлди. Туячи чол эса боя қоронғи туша бошлаши билан овулга кетган. Энди эртага чошгоҳда келади. Қамоқдан чикқач у бир ҳафталаргача Арвонани қаттиқ назорат қилиб юрди. Яйловдан сал узоклашса бас, тезда орқага қайтариб, тез-тез ҳабар олиб, ҳушёр бўлиб

турди. Арвонанинг қайта қочмаслигига кўзи етдим, кейинги пайтларда туячи чол уни кўпам безовта қилмайдиган бўлиб қолди.

Бояги арвона учун ғалати эшитилган нидо тагин қулоғининг тагида гингиллади. Арвона тагин атрофга аланглаб қарай бошлади. Бийдай дала. Далада оппоқ селев /чўлда ўсадиган оқ баргли гиёх, уни баъзан чалов ҳам дейишади. / чайқалиб турибди. Бу атрофда ундан бошқа кўзга тушадиган нарса йўк. Адирлар, қирлар, тикка жарлар ортда қолди. Улар ҳов узокдан элас-элас қарайиб кўринарди. «Унда бу қандай нидо бўлди? Қандай келяпти? Ё тангримнинг тагин менга аталган тузоғими бу?!» Арвона ҳайрон. Кун ойдин, теварак атроф сутдек чароғон, майин эсиб турган дашт шабадаси арвонанинг пешонасини эркалаб силайди. Арвона эса кўзлари тўрт бўлиб, туғилган юрти томонга қарайди. Шу пайт осмондаги бир юлдуз пастга қараб оқди, оқди-ю, орқасидан узун из қолдириб, бирпасда кўздан ғойиб бўлди. Юрти томондан эсаётган эрка шаббодадан қониб-қониб нафас олган Арвонанинг елимлари кўпчиб, ийиб кетди...

У бошини кўтариб, бояги оққан юлдуз ўрнига қаради. Боя унча эътибор қилмаганмида ё янгидан пайдо бўлдими, бунинг фарқига бормайди-и, аммо, бояги оққан юлдузнинг ўрнида бошқа юлдузларга нисбатан каттароқ, ундан ҳам ёркинроқ бир юлдуз пайдо бўлиб қолибди. Гўё Арвонани ўз юртига, жонажон ота маконига чорловчи баҳт юлдузи мисол. Ҳудди шу маҳал бояги нидо тагин элас-элас қулоғига чалингандай бўлди. Нидо борган сари авжига чиқиб, қандайдир бир гўзал куйга айлана бошлади. «Бу қандай каромат бўлди?!» Арвона ҳайрон эди. Йўк, сал вақт ўтгач, бу сирли нидонинг сирини очилгандай бўлди. Бу нидо ўзининг юрагидан қалбидан отилиб чиқаётган экан. Буни тушунди.

Етти қароқчи аниқ кўриниб, бояги янги юлдуз чарақлаганида ўша юлдузни мўлжалга олиб, Арвона йўлида давом этди. У елганида елиб ёт юртдан олислайверди-олислайверди. Ела-ела аҳийри, хулқар кўздан ғойиб бўлгунча ота маконга олиб борадиган илон изи сўқмоққа ҳам чиқиб олди. Ёт элда юрганида тақдирнинг бунга раво кўрган иккита машъум синовини бошидан кечирди. Бири хўв анов куни қочмоқчи бўлганида қўлга тушиб ит азобини тортгани. Иккинчиси жигарпораси бўталоғидай айрилгани. Мана шу иккита машъум синов уни эсанкиратиб кўйган эсада, Арвона тезда ўзига келди. Ўша қалмоқларнинг ўз юртларига босқинидан бери у фақат бир нарсани ўйларди. Бу ҳам бўлса қандай қилиб бўлсада, ўз киндик қони тўкилган ота маконига қайтиш эди. Мана, у ўша армонига бошлаган тақдир сўқмоғидан ўтиб бораяпти.

Бир оздан сўнг Арвона мўлжалга олиб келаётган юлдуз ҳам кўринмай қолди. Аммо у изсиз йўқолмайди, Арвона йўлдан адашмасин дедими, ўрнига Чўлпон чарақлаб чиқди. Тонг шабадасидан Арвонанинг танаси яйраб, юриши боягидан ҳам тезлашди. Бироздан сўнг кузнинг салқин тонги ёришди. Баркашдай кизариб чиққан куёш тафти ҳам Арвонанинг баданидаги терларни қуритолмади. Терлаган сайин эрталабки салқин ҳавода баданидан буғ кўтарилиб, гўё танасида илоҳий куч пайдо бўлганидай жадал елиб борарди.

Арвона учган сайин учиб борарди, армонини кучиб борарди, орқасини кунга куйдириб, дашт елига юзин суйдириб..., олға интиларди.

У йўл юриб, йўл юрсада мўл юриб борарди. Хўв бирда қолганида ёв кўлига тушиб чеккан азоблари эсига тушиб, яна қайта кўлга тушса нималар бўлишини ўйлаб, бор кучи билан елиб борарди. У чарчади-ю, толикмади. Ота маконга етиш муроди унга йўлдош бўлиб, мадад бўлиб, тинмай олға интилди. Фақат бир кун ўтгандан сўнггина тонгга яқин катта бир сой бўйида тўхтади. У тўхтай деб тўхтагани йўқ, чорасиз қолганидан тўхтади: азборойи қаттиқ терлаганидан бошимдан оққан шўртак тер кўзларига тушиб ачиштириб, кўз олди хиралашиб қолганидан ноилож тўхташга мажбур бўлди. Юришлари ҳам унмай қолгани учун тўхтади. Энди бу ерда бироз дам олиб, терини қуритиб олмоқчи. Шундай қилса, қайта кучга кириб олиб, узок йўлнинг танобини тортиши аниқ.

Арвона сой бўйидаги тол тагига бориб чўкди. Бир оз нафасини ростлади, сўнг кўм-кўк сой сувидан қониб-қониб шимирди, сув ўртасига бориб чўмилдида, тагин йўлга тушди.

Бу маҳалда куёш ярим газга кўтарилиб қолган эди. Кўз куёшининг заррин нурлари ер бетига ёйилиб, худди она меҳри мисол силаб-сийпаб турибди. Арвонанинг биринчи куни босиб ўтган йўли пасттаккина тоғ, иккинчиси куни юрган йўли, худди суви тортилиб қолган кул ўрнидай ўйдим чуқур биёбон устидаги эгри бугри сўкмоғу ўт ўлани мўл чакалакзор эди. Энди унинг олдида тагин бир ошиб ўтиши қийин тепалик, ундан сўнг чекипоёни йўқ хувиллаган дашт бор. Бир амаллаб шу ерлардан ўтиб олса, нариёғи адиру қирлари кўп, сувлари мўл, ўрмонларда шовуллаб ётган ота маконининг худудига етган бўлади, олдинга интилади. Ундан нариёғи бир қадам деяверинг.

Арвона бирдан тез чопмади. Аста секин ўзини ўргатиб, елиб, бир маромда лўкиллаб борди-ю, кейин чўзилиб чопишга тушди. Куёшнинг ўткир тиглари атроф теваракни қиздириб турсада, ўз жонажон юрти худудига қадами тегмай тўхтамасликка аҳд қилди. У умрови билан ҳавони кесиб, отилган ўқдай учиб борарди. У шу зайил бепаён даштни ҳам босиб ўтди. Бу маҳалди бутун борлиқни ўзининг оловли тафтида куйдириб турган куёш ўз қўналғасига рста-секин ботаётган эди. Энди аввалгидай чопиб эмас, елиб борарди.

Кун бўйи бийдай чопа-чопа чарчасада нияти йўлдош бўлиб ҳамон уни олға ундарди, шу ният уни тобора бардам қилиб борарди. Уни бардам қилиб бораётган тагин бир нарса элига, юртига бўлган муҳаббати-ю сари-орқанинг танга даво қўнғир шабадаси эди.

Мана, бугун ҳам артилган шишадек кўм-кўк осмонда ой туғилди. Дала дашт ой ёруғида мавжираб худди сут ранг хар бир пардага ўралиб тургандай тсурут қолдирарди. Ҳамма ёқ жим-жит гўё табиат пинакка кетгандай. Арвона тинмай елиб борар, кечаси ёруғ юлдуз худди ота макон сари чорлаётгандай парпираб турар эди. Шу маҳал тўсатдан ой юзини булут қоплади шекилли, теварак атрофга қоронғулик инди.

Жикқа терга тушиб кетган Арвона сўлиғини босиб олиш учун бўлса керак, чопишдан аста-секин елишга ўтди. Йўлни мўлжалга олмоқчи бўлиб бундай, бўйнини чўзиб олға разм солган эди, олдинда бир тўп юлдузнинг ўзи томонга сузиб келаётганига кўзи тушиб қолди.

Аввалига Арвонанинг бу қандай юлдузлар эканлигига фаҳм-фаросати етмаган эсада, негадир юраги увушиб, таққа тўхтаб қолди. Ҳалиги катталиги ангушвонадай-ангушвонадай бир тўп юлдуз ер бағирлаб тобора яқинлашиб келарди. Дастлаб бу ер бағирлаб жадал келаётган юлдузларнинг нима эканлигини арвона билмаган эди, энди фаҳмлади: улар бир тўда бўрилар эди. Билди-ю, бечора кўрққанидан дир-дир титраб оғзидан оқ кўпик сочди. Бу ёвузлардан қочмоқчи бўлиб, ўзини ўнгга оламан деганида нимагадир қоқилиб ўмбалоқ ошди, аммо жон ҳолатда сакраб ўрнидан турди. Тиззалари титраб ён атрофга қараган эди, ёвузларуни аллақачон ўраб олишган экан. Жон таслим қилиш осонми? Арвона эсини йиғиб, нима бўлса ҳам улардан қутилиш чорасини ахтара бошлади. Бўрилар ҳам бирдан унга ташланмай, унинг олди орқасидан оёқлари билан ер тирнаб тупроқ соча бошладилар. Арвонанинг терлаб кетган баданига тупроқ ёғилиб, аслида унинг бадани қайси рангда экани билинмай қолди. Тўсатдан бўрилар икки гуруҳга бўлиниб, икки ён бошидан хужумга ўтишди. Олди томони очилганини сезган Арвона бирдан олдинга отилди. Улкан, беўхшов гавдаси билан чунонам олдинга интилдики, буни бўрилар сезишмай ҳам қолишди. Ҳалигина олдинга отилганида бўриларнинг орлони бир чаптаст ҳаракат билан арвонага ташланиб, бир парча гўштини узиб олишга улгурган эди. Арвона этининг қизувидан буни унча эламаган эди. У шу алфозда олдинга отилиб бўрилар тўдасини анчагина орқада қолдириб кетди. Шундай бўлсада йиртқичлар уни тинмай таъқиб қилиб келар, Арвона эса жонини ҳовучлаб тайранглаганча жон-жаҳди билан олдинга интиларди. Таъқибчилар ҳам унинг изидан қоладиган эмасди, бир пайт арлон бўри бор кучи билан олдинга чопиб ўтиб, Арвонанинг йўлида ғужанак бўлиб ётиб олди. Кўзлари саксовул чўғида ёниб турар, озиқ тишлари шақ-шақиллар эди. Арвонага ҳамла қилмоқчи бўлиб, ер бағирлаб ўрмалаб келар эди.

Арвонага яқинлашиб, энди ҳамла қилмоқчи бўлиб турган орлонга Арвона оғзидаги оқ кўпигини чунонам пуркадики, бўри олдинда нима бор, нима йўқлигини кўра олмай қолди. Арвона ҳам пайт пойлаб орлоннинг устига бор, салмоғи билан чўкди, чўкди-ю, уни кўкси билан чунонам эзфиладики, бир пасда орлоннинг нафаси ичига тушиб кетди. Шу пайт орқадан бўри ва бўриваччалар ҳам етиб келишди. Бу кўрган Арвона жон ҳажди билан ўрнидан турди-ю, олдинга интилди. Бу маҳалда бўрилардан биттаси Арвонанинг ўнг ёнбошини ўйиб улгурган эди. Боя у ярамас ёнбошидан чопиб ўтганида бадани жиз этган эдия! Ҳозир ўша жойидан кип-қизил қон сизиб оқиб турар эди.

Арвона бунга ҳам аҳамият бермади, бу ажал кушандаларидан қандай қилсам қутуламан деб, чивин жонини авайлаб асраб тобора олдинга интилар эди. Мақсади ота маконга етиб олиш. Борди-ю ўлса ўз юртига етиб жон таслим қилмоқчи. Арвона ўмрови билан ҳавони кесиб борар, бўрилар эса унинг ортидан қолмай югурар эди. Энди Арвона баданининг қай ери йиртилди-ю,

кай ери тирналди, билишга мажолли етмасди. Аввалига баданининг у ер бу ери тирналгани-ю, жиз этиб ачиганини сезиб келарди. Энди буни ҳам сезмайдиган аҳволга тушиб қолди. Ҳозир баданининг бир жойи эмас, ҳамма жойи бараварига ачишар эди. Шунга қараганда танасида соғ жойи қолмаган кўринади-ёв. Чамаси бўрининг тиши тегмаган жой фақат олдинги оёқлари билан кейинги оёқларининг тирсаклари-ю, қир орқаси бўлса керак. Бирок буларни кўришга вақт йўқ, тинмай олдинга интилар эди.

Тонг бўзариб қолди. Сал ўтмай атроф ёришиб, теваракдаги нарсалар аниқ-тиник кўрина бошлади. Бу маҳалда арвона ота макон худудига етиб улгурган эди.

Шундай қилиб, у эл худудига етиб, унинг дастлабки қарич ерига кадам қўйиб, атрофи қалин қамичзор сой бўйида яқинлашиб қолганида олдидан каттакон бир тарғил йўлбарс чиқиб қолса бўлдимиз? У, нимага экандини ким билсин, бирдан йўлини чангитганича Арвонани қувиб келаётган бўрилар тўдасига ҳамла қилди.

Ҳам орлонидан айрилиб, ҳам очиқиб қолган аламзада бўрилар жон-жаҳдлари билан йўлбарсга ташланишди.

Дала тузнинг, бутун жон-жонворларнинг ёлғиз ҳукмдори йўлбарс билан оч бўрилар галаси анча олишди. Улар бир-бирларини енга олмай олишаётганларида Арвона пайтдан фойдаланиб ажал тузоғидан анча узоклашди.

Арвона киндик қони тўкилган муқаддас ерга товони текканини ҳис қилгач, бадан баданини ачитиб турган жароҳатларини эламай чопаверди, туғилган ернинг марҳаматими, ишқилиб, унда қандайдир бир куч пайдо бўлганди. Соғинчданми ё севинчданми, ким билади дейсиз, унинг кўз қорачиқлари жикқа ёшга тўлган, тасир-тусир қилиб елиб борарди.

Эҳтимол, Арвона элу юрт дийдорини кўролмай, бийдай далада жон таслим қиларди. Бирок, у бундан сира ҳам ўқинмайди. Нега деганингизда у кўзлаган мақсадига етди. Жасадини ёт ерларга раво кўрмади. У муштумдагина юраги билан суягини ота маконига олиб келди.

Арвонанинг эндиги армони ўз эгасининг бўсағасига етиб йиқилиш эди.

Арвона энтикса, толиқсада, тўхтамай олдинга интилиб борарди. Қаерга етиб йиқилишини ким билади дейсиз?..

Арвона баданидаги жароҳатларини оғриғига ахамият бермасликка ҳаракат қилса ҳам барибир бўлмайди, аъзойи бадани ачиша бошлади. Аввал йиртиқичлар билан олишиб, ўз киндик қони тўкилган юртига етиш илинжида жон талвасасида келаётганида унчалик сезилмаган эди. Мана энди билинаяпти. Вақт ўтган сайин бўриларнинг оғзи теккан, юлинган, тирналган жойлари, териси осилиб қолган ерлари бирам зирқираб оғрирдикки, асти чидам бўлмасди. Қуёш найза бўйи кўтарилиб қолган, унинг тиғли нурлари кечагидан кўра иссиқроқ эди. Йўқ, иссиқроқ эмас, худди олов пуркаётгандек эди. Арвонанинг жароҳатлари бу олов тафтида қизиби, тириша бошлади.

Жароҳатлари ачитиб, азоб бергани сайин унинг юриши ҳам унмасди. Шундай бўлса ҳам тинмай олдинга интилаверди, интилаверди. Мақсади,

эсидан айрилмай турганида бир амаллаб юртига етиб олиш. Шу биргина мақсадда жон талашиб, бир нафас ҳам ором олмай олдинга йўртарди.

Мана, куёш ҳам тиккага кўтарилиб, унинг ўткир тиғлари Арвонанинг жароҳатларини тобора куйдириб, бамисоли кесгир пичокдай тилкалар, ёхуд бир бемехр қўл ўтда қиздирилган темирни жароҳатларига жиз-жиз босаётгандай бўлар эди.

Шунда ҳам у эгасига етиб олиш учун жон талашиб чопиб борарди.

Борган сайин Арвонанинг куч-қуввати камая борди. Гўё олдинга ташланган қадами орқага кетаётгандай. Кўзи бот-бот юмилаверди, юмилаверди. Бир маҳал у гандираклаб, йиқилиб қолаёзди. Ҳайтовур бир амаллаб ўзини ўнглаб олдиёв.

Шундан ҳам тўхтамай елиб борарди. Шу алфозда у қанча юрганини билмасди. Ҳаёли жойида эмас, боши лўқиллаб оғрир эди. Бўғинлари бўшашган суяклари қисир-қисир қиларди. Гўё бутун аъзойи бадани сочилиб кетадигандай, оёғларини зўрға судраб босиб, суратигина келар эди.

Арвона шунда ҳам тўхтамади.

Куёш тиккандан оғиб, манзилига шошарди. Арвона ҳам жон талашиб, улкан гавдасини аранг кўтариб борар эди. Гоҳ-гоҳ кўзларининг олди қоронғилашиб кетарди. У яна қоронғилашиб кетарди. У яна гандираклаб, йиқилиб тушаёзди. Бу гал ҳам куч-қувватини тўплаб, ўзини ўнглаб олди. Энди у гандиракламасликка, йиқилмасликка ҳаракат қилди. Чунки йиқилгудай бўлса қайта туролмаслигини биларди.

У бор кучини йиғиб олға интиларди. Ҳозирча у суринамай, йиқилмай, қоқилмай борарди. Олдинга интиляпти дегани бўлмаса, юриши ҳеч ҳам унмаётгандай эди.

Бу ҳам жон сақлашнинг бир йўлида.

Арвона шунда ҳам бир амаллаб, олға силжиб борарди. Шу алфозда, куёш ётоғига бош қўйган маҳалда ўз овулига етди-ёв бир амаллаб. Ақлли жонивор ўз эгаси марҳум Турлибекнинг бўсағасига етиб йиқилди. Йиқилди-ю ўзини билмай қолди.

Оқ ўтовда эри Турлибекка қора кийиб аза тутиб ўтирган бойвучча эшиги бир нима гурс этганини эшитди. Нега эканини ўзи ҳам билмайди, хизматкорини чақирмай, ўзи эшик олдига чиқди. Орқама-орқа хизматкори ҳам югурди. Не кўз билан кўрсинки, эшиги одида тўрт оёғи тўрт томонга таравақайлаб бир туя йиқилиб ётарди. Югургилаб унинг олдига боришди. Бу ҳолни кўриб, хизматкори лол бўлиб қолганди. Бойвачча Арвонани дарҳол таниди. Ўзининг Арвонаси, ҳалолдан топган моли кўзларига ўтдай босилди. Ҳаш-паш дегунча овул одамлари тўпланиб қолишди. Бу маҳалда туя жонивор ўзига келолмай, зўрға нафас олиб ётар эди.

Овул одамлари арвонани ўраб унсизгина туришлар, бойвучча бир оғиз сўз қотмаганидан ийманишдими, буниси бизга номлум, улар ғинг дейишмас, гўё елкаларини бир ботмон юк эзиб тургандай қимир этишмасди.

Бир маҳал Арвона оғир кўзғалиб, оёқларини базўр бағрига йиғиб олди, бир амаллаб кўзларини очди. Одамлар нафасларини ичларига ютиб Арвонага

тикилиб қолишган эди. Бойвучча Арвонанинг бошига ёстиқ бўлиб турган кайроқи ерда сизиб оққан қон изларини кўриб, юраги алланечук бўлиб кетди...

Арвонанинг юрт тупроғига томаётган кўз ёшини кўриб, атрофда турганларининг дийдалари бўшаб кетди. Бу кўз ёшлар не-не юраги тошларнинг кўнгилларини бузиб ё юборди. Турлибеканинг беваси шу овулнинг обрўли кайвониси ўзини зўрға тутиб турарди. Бир маҳал у ўтира солиб, Арвонанинг бошини кучди. Буни кўриб турганлар ўзларини тутолмай хўнграб юборишди. Такдирнинг ўзига кўрсатган азоб-уқубатидан қутулиб юрт тупроғига етиб йиқилган арвонанинг кўз ёшларини кўрганда баъзи бир лоқайдларнинг юракларида ҳам душманга бўлган адовати жўш урди, қалбларида бу адоват исёнга айланди, эркаклик нафасониятлари туғён уриб, ёвга нисбатан нафратлари минг чандон ошди. Аёллар ҳам чидаёлмай қолишди. Эмаклаган гўдакдан тортиб то соқоли селкиллаган чолларгача бу ҳолатдан юраклари зирқиради. Овул кишилари, агар қўйиб берсанг, отларига миниб, наъра тортиб ёв устига ғазавотга отланишга ҳозир туришар эди. Улар шу вақтгача нима учун ўчоқ бошидан айланиб нарироқ чиқа олмаганларига ҳайрон бўлишарди. Эл ори, номуси, учун қилич яланғочлаб ёв билан олишмаганларига ачинишди. Ҳатто энг кўрқоқлар, энг қуён юраклар ҳам шу фикрда турар эдилар.

Арвона ҳали ҳам юм-юм йиғлаб ётар эди. У кўкси тўла ғам-андуҳни, ёвдан тортган азоб-уқубатларини, ёв қўлида ҳимоясиз қолган етим бўталогининг аҳволи, зорини, ажали олдидаги ҳасратга тўла мунгли кўшиғини ва ниҳоят, ушалган армонининг қувончини кўз ёшлари билан ифода этаётган эди.

Қуёш ботганига анча маҳал бўлиб қолди. Овул одамлари уй-уйларига тарқалишган, арвонанинг атрофида эса уч тўрттагина баобрў кишилар қолишганди. Бойвучча боягина хув наридаги тепалик устига кўчқормучус нуша нақш туширилган кийгиз ёздириб, устига тўшак солдирган эди. Одамлар бир амаллаб Арвонани ўрнидан турғизишдида аста суяб олиб бориб ўша тўшак устига бир амаллаб чўктиришди. Ҳозир арвона ўша жойда.

У ҳамон юм-юм йиғлаб ётарди. «Майли, менга деса осмонда ой тутулиб, қуёш сўнсин! Аммо юртимиз устига ёв чошиб, мен кўрган, кечирган қайғу-ҳасратлар такрорланмасин!» дегандай оқарди унинг кўз ёшлари... Арвона ётган жойида сал анрида тўбилғию /даштда ўсадиган ёғочлар/ саксовулдан ўйилган гулҳан ловуллаб ёнди. «Ажалга қарши бориб, ёв қўлида азобу-уқубатларга дош бериб, туғилган юрт бағрига етиб йиқилган қаҳрамонимиздан иссиғимизни аямаймиз,» дегандай қирсилиб-чирсиллаб ёнарди гулҳандаги саксовулу тубилғи шоҳ-шаббалари. Гулҳан ловуллаб ёниб, Арвонанинг музлаган баданини иситар, алангаси эса унинг сўниб бораётган кўз қароқчиқларида йилт-йилт акс ётар эди.

Овулдаги чоллар Арвонанинг жароҳатларини эмладилар, йиртилган териларини тикдилар, ҳар хил гиёҳлардан тайёрланган малҳамларни суркадилар. Шундан сўнг унинг жони бироз ором олгандай бўлди. Буни кўрган овул одамлари ич-ичларидан қувонишди.

Афсус, уларнинг қувончлари узоққа бормади. Тонгга яқин Арвона безовталаниб инграна бошлади. Овул кишилари ҳавотирланиб, тун бўйи унинг бошида ўтириб чиқдилар. Тонг отиши билан улар Арвонанинг жароҳатларига қайтадан янги малҳамлар қўйишди. Бироқ буларнинг ҳаммаси, қор қилмади. Қуёш чиқиши билан у кўзларини юмди...

Тўғри, унинг ўлимига ҳеч ким кўз ёш қилмади, йўқлов ҳам айтишгани йўқ, аммо чангкубиздан, сибизғидан мунгли куйлар таралди. Овул одамлари гўё қахрамонидан айрилгандай аза тутишди. Айниқса бойвучча қаттиқ қайғурди. Унга гўё ўша куни кўл ҳўсиниб, тоғ нидо бергандай, ер силкиниб, осмон чайқалгандай, гўё жон-жониворлар тугал маърашиб қушлар мунгли нўла қилишгандай туюлди. Бойвучча қалбдаги шунча оғриқларга, ҳозир бошидан кечираётган аламларга мардларча бардош берди. Унинг маслаҳити билан овул одамлари арвонани сўнгги сафарга кузатиб қўйиш тараддудини кўра бошладилар.

Намози аср пайтида барча овул кишилари ҳув наридаги тепаликка тўпланишди. Улар гўё бир меҳрибонидан жудо бўлгандай ҳомуш эдилар.

Одамлар Арвонани иззат-ҳурматини жойига қўйиб дафн этишди...

Талабаларда ижодкорлик масъулияти, эҳтиёжи, ҳоҳиши ва имкониятлари уйғониши, шаклланиши, ҳамда бетакрор ифода айланиши учун талабаларда ижодий тасаввурнинг ранг-баранг давомий уйғоқ тарзда жонланиши катта аҳамиятга эга. Сўз сеҳри, сўз қудрати, сўзнинг таъсирчанлик юки фикрлар уммони билан узвий боғлиқ.

Актёрлик маҳоратида берилган шарт-шароит асосида турли ҳаётий лавҳаларни мантиқий руҳий ва жисмний ҳатти-ҳаракатлар тизимига уйғунлаштиради. Талабаларнинг кўп вақти кунти, диққати, эътибори, кучи билими актёрлик мактабининг имлоларини ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан машғул бўлади. Агар бу жараён мустаҳкам ўзлаштирилса ёш ижодкорнинг саҳнавий сўзлаш маҳорати ҳам рисоладигидек таъсирчанлик, табиийлик ҳаётийлик нафаси билан жаранглайди. Саҳнада эркин ва ранг-баранг фикрлаш, аниқ мақсад ва ҳатти-ҳаракат маҳоратини чала ўзлаштирган талабадан жонли сўзни талаб қилиш бесамарадир. Саҳна нутқи техникаси билан ишланиш жараёнининг ўзи кўп вақт талаб қилишига қарамай қўшимча ва доимий тарзда мустақил ишланиш мустаҳкамлашни, сўз санъатини мукамал эгаллашнинг муҳим омилларидан биридир.

Юқорида берилган Арвона насрий достонини ижрочилик маҳорати устида ишланиш жараёнида ҳам, ундан олдин кейин қўшимча ҳаётий вазиятлар шарт-шароитлар, турли воқеалар тафсилоти тасаввурани ва ҳаётий эркин жонли таъсирчан сўз орқали ифодалаш талқинлари устида ишланади:

Талабалар, тасаввур уйғоқлиги, фикрий муносабат уйғоқлиги фаоллиги таъсирчанлик истеъдодини ўстиришга катта аҳамият қаратилиши лозим:

Маълумки, ҳар бир инсонда турли вазиятлар, воқеалар, таассуротлар, манзаралар, мавжудотлар, одамлар турлича ички муносабат, ҳиссий англаш ва ундан ҳиссий қувватни юзага келтиради. Ҳиссий қувват ўз ўрнида сўзни жонлаштирувчи сўз кучи қудратини кучайтирувчи манъбадир. Биз бу

манъбани уйғотувчи турли хотиралар ёки ўхшаш воқеалар, шарт-шароит вазиятлар тизимини яратиш йўлида изланишга ва уни кичик драматургиясини курилиши ҳақида ҳам изланишимиз ва талабаларга ҳам йўлланма беришимиз, уларда ижодкор ҳисси ва маъсулиятини уйғотишга ёрдам беради.

1. Мен фахрланаман- Она юртимдан, ота-онамдан, ватанимдан, миллатимдан, дўстимдан, устозимдан, ҳалқимдан, ватаним қаҳрамонларидан, машҳур одамларимиздан, буюк ижодкорлар, етук ижодкорлар, талантили актёрлар, режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, қизиқчилар, гўзалликдан, ғаройиб мўъжизалардан ва талабалардан эркин табиий фахрлантирадиган воқеалар ҳақида, эркин жонли тасаввур уйғотувчи сўзнинг шаклланиши устида ишланади. Иш жараёнида талабаларда кутилган жонланиш фикрий уйғоқлик, муносабат аниқлиги ва фаоллиги кузатилди. Айрим талабалар эркин жонли, эмоционал фаол муносабатлар билан ўз қарашлари туйғуларини ифодалайдилар: уларда маънавий баркамоллик ватанга, инсонга ва инсонийликка меҳр эътиқод мурувватнинг уйғониш жараёни ҳамда ўзи ишонган астойдил ҳоҳлаган асл жонли сўзи билан ифодалаш укувини тингловчиларга «юқтириш»га интиладилар. Айрим вазиятларда гуруҳда жонли ва жўшқин публицистик нутқ жаранглашига замин яратилади. Ҳар бир талаба ўзининг ички нигоҳи, ички муносабати, ишончи, умиди, эътиқодини аслича ифодалашга интилар экан, гуруҳдошларида ҳавас, эргашиш, ижодий ёндошиш, ривожлантириш туйғуларини уйғотишга муофақ бўлдилар.

Гарчанд гуруҳда 14 та, 16 та талаба бирин кетин 3-4 лаҳзалик муддатда дил изҳорларини баён қилсаларда ҳамда айрим талабалар гуруҳдошларини айнан такрорласаларда сўзи жонли, тасаввур уйғотувчи ва қизиқарли тарзда эди:

1-талаба: Кейинги пайтларда негадир она юртимиз ва унинг бугунги, эртаси келажаги ҳақида тарор ва такрор ўйлагим келади. Бу эҳтимол озодлик насимларимизнинг ҳаётбахшлик мусаффолигидандир. Эҳтимол ҳалқимиз Ватанимиз тақдири унинг кўз ўнгимизда жадал оёққа туришини кўролмайд унинг тинчлиги осудалигига кўз олайтириб раҳна солаётган ғаламислар пайдо бўлганлигидандир.

Инсон ва Ватан тақдирига бефарқ яшашни мен яшаш деб ҳисобламайман. Мен шундай юртда туғилиб ўсиб яшаётганимдан фахрланаман. Менинг бебаҳо-бекиёс орзуларим бор, орзуларимдан фахрланаман. Мени тоғамни ўғли Ватани олдида ўзининг ҳақиқий инсонлик мардлик, жасурлик ҳислатини кўрсата олди. Тоғамни ўғли Мансурдан фахрланаман! Мени отам ўқитувчи, бизни эртамиз, келажагимизни елкаларида кўтарувчи ёшларга таълим-тарбия беради, дунёқарашини бойитади, меҳнатга, илмга иштиёқ уйғотади, камтарона ҳаёт кечиради. Мен отамдан фахрланаман.

2-талаба: Минг шукроналар-ки ҳаётимизда фахрландиган томонлар бисёр. Ҳаммасидан бир шингил айтгум бор. Аммо аълолар ичида аъло, донолар ичида доно, гўзаллар ичида гўзал бир қиз бор, исмлари Раъно. Мен Раънодан фахрланаман...

Талабалар: Ў-ў-ў... баракалла бошла...

2-талаба: Тўғрироғи Раънони кўзлари... Эҳ кўзларини айтсам ичида гўё минг битта маъно... Сочларини айтсам-чи... Қоп-қора энг муҳими йўғон, қайчи жабрини тортмаган... Қанийди шу сочларнинг бир умрлик соқчиси бўла олсам.

Талабалар: Ҳа... орзуга айб йўқ!

2-талаба: Ақлини айтсамку... Эҳ баъзан завланиб ҳайратланиб кетаман оқилалик қанчалар зийнат ҳар сафар иқрор бўламан. Мен Раънодан фахрланаман...

3-талаба: Мен қизиқчиларимиздан жудаям фахрланаман-да. Дили тоза, кувноқ, ҳалқимиз ғуборини тарқатувчи, топқир доно, оқил, машҳур инсонларда улар. Уларни Ўзбекистонимизнинг энг кувноқ, энг зукко шодлик уловчилари деган бўлардим. Ҳаёт ҳаво билан, сув билан ризқу-рўз билан. Аммо санъатсиз ҳаёт, қаҳ-қаҳасиз ҳаёт ҳаёт эмас, шундай эмас-ми?.. Ҳар бир сўз устаси ўзи бир олам, сўзи бир олам. Мен қизиқчиларимиздан бир фахрлансам, етук актёрларимиздан, бир фахрланаман.

Танланган мавзу талабаларни жалб қилувчи, ҳақиқий инсоний муносабат уйғотувчи бўлиши керак. Толиқтирадиган қизиқтирмайдиган, тасаввурини уйғотмайдиган мавзулар ўз ўрнида таъсир қувватини кесиши билан бирга талабаларда юзакилик, лоқайдлик, дангасалик иллатларининг пайдо бўлишига сабабчи бўлиши мумкин. Шу ўринда мураббийнинг рухшунослик тажрибаси ўзи кўяётган шарт-шароит вазифалар мавзулар мажмуасини нечоғлик уйғоқликда, ҳаққонийликда етказиб бера олиши, талабаларда мажбурийлик асосида эмас, эркин қизиқувчанлик майлида йўлланма берилиши кутилган самарани беради.

2-вазифа: Дунёда энг тотли ширинликлар ҳақида таърифлаш мусобақаси, тарифлаш маҳоратининг қиёсий кўриги.

Вазифаси: Ҳар бир талаба ўзи учун энг ширин, тотли туюлган ширинликни-ширинлигини бошқа ширинликлардан афзаллигини исбот қила олиши унинг ранги, мазаси, ширинлиги ҳақида аниқ тўлиқ ёритиб бериши керак.

2-талаба: Ўзи учун ширин туюлган ширинликнинг ширинлиги ҳақида ўз тасаввури ва тингловчи тасаввурини тасаввурлаш ҳам ўз муносабатини ифодалагач кимнинг ширинлиги, ҳаммасидан ширин саволи билан ғолиблик баҳси ўтказилади. Ғолибликка давогарлар аввало ўзаро иккитадан кейин ҳар бир гуруҳ ғолиблари ўз ақли, топқирлиги, ўзини ва тингловчиларини ишонтира олиш маҳорати билан тортишадилар. Бу машқ гарчанд фикрлар тортишуви сўз ҳаракати тортишув ўйини асосига қурилган эсада замирида сўз маҳорати, ҳар бир талабанинг маълум бир мавзуда ўз қараши фикрини тасаввурлаш ва сўз орқали тарғиб қила олиш укувини ўстириш вазифаси бор:

1-талаба: Болалар ширинликлар ҳақида ҳаёлпарастлик қилмаймизми-а?

2-талаба: Оҳ-оҳ қанийди... ширинлик дейишинг билан оғзим сув очди... Аммо ҳолва деганинг билан, оғзинг чучимайдику, қандай қилиб?

3-талаба: Тўғри минг марта ҳолва де, миллион марта ҳолва де бир чимдим ҳолва емаганингга оғзинг ширин бўлмайди.

1-талаба: Э...э., қойил қолмадим сизларга ким айтади сизларни ишонтирувчан ижодкор деб. Тасаввур кучимизни қаёққа кўямиз ахир, хотираларимиз нима учун? Нима умрингизда энг ширин нарса емабсизми? Еган ширинликларингизни унутувчан хотирасизмисиз, хотира кучингиз қаерда қолди? Хулласи калом иккиланишларни қилинг томом. Мен учун дунёда энг ширин ширинлик, бу тутмагизни шинниси. Оҳ-оҳ ҳозиргача мазаси тилимда...

2-талаба: Менимча эса дунёда энг ширин ширинлик, бу кулупнай мураббоси... Ўв-в-в, хидлари ҳануз димоғимда...

3-талаба: Менимча эса дунёда энг ширин нарса, тоғ асалининг тозаси. Дунёда асалдан ширин нарсанинг ўзи йўққуя, аммо тоғ асалининг тозаси жудаям ширинда бир чой қошиғини ярим пиёла қайноқ сутга аралаштириб ичиб юборсангиз, оҳ-оҳ тирниғингизнинг учигача ширинлик етиб боргандай бўлади.

4-талаба: Эҳа, новвотни айтинглар, новвотни. Пир пиёлагина кўк чойга чақалоқни муштидайгина новвотни ташлаб чой қошиқда аралаштириб, иссиқ, иссиқ хўплангу танагиз яйраганини, ақлингиз қайралганини, қошингиз чимирилиб, кўзларингиз чарақлаб, лабларингиз ўз-ўзидан илжайганини ҳис этасиз...

5-талаба: Манимча эса, шириндан-ширин янаям ширин нарса, бу сояки узумнинг магизи билан ёнғоқни, бодомни, мағзини аралашмаси. Оҳ-оҳ кеча эрталаб бир ховучгина эрмак қилувдим, ҳозиргача тўйган кўзидай юрибман денг. Туз тотиган бўлсин, мўйловинг ўсмай қолсин.

6-талаба: Э... мен айтган ширинликдан ўтадиган ширинлик бор эканми, бу ичига магиз кулупнай солинган музқаймоқ. Ана ширинлигу, мана ширинлик.

7-талаба: Ширинликларни хўрози менимча, оқ новвот қовунининг қоқиси қора анжирнинг муроббоси...

шундай тарифдан кейин талабалар икки гуруҳга бўлиниб, ширинлик танлови мусобақасини бошлайдилар. Албатта мусобақа талабанинг тасаввури, сўзнинг жонли, табиий ва тасирлилиқ жиҳатларини тўлароқ ва самарали ривожлантиришга ёрдам беради. Ижодий жараён баркамоллиги учун бундай оддий, содда ва болаларча машғулот ҳар бир талаба ижро маҳоратида диққатини сўз қудратини турли, бир-бирига ўхшамаган тафсилотлар аслини очишга, жиддий ва чуқур қириша олсагина кейинчалиқ бойитиладиган машғулотлар жараёнидаги мураккаб ижодий изланиш жараёнига асос солади. Инсон томонидан ифодаланаётган ҳар бир сўзда тингловчи ёки тингловчиларнинг, суҳбатдош ёки суҳбатдошларнинг фикрига таъсир қилиш, тасаввур уйғотиш, ўзгартиришдек руҳий ва мўъжизавий вазифадан иборат. Бу вазифа ижрочига сўз маъносини чуқур англай олиши, аниқ мақсадини сўз хатти-ҳаракати орқали ифодалай олиш маҳоратига эга бўлиши керак: Жонли, уйғоқ, таъсирчан сўзни уйғотувчи ва шундай ўткир сўзга сабаб бўлувчи

манъбалар ҳаётий лавҳалар, вазиятлар, воқеалар кўп. Ижрочи бизни ўраб олган ранг-баранг, бой-бетакрор борлиқни ва ундаги минг бир тафсилотлари, манзараларни илғай олиши, ҳис этиши ҳамда ўз қараши, муносабати, тасавури орқали идодалаш эҳтиёжига эга бўла билиши зарур. Ҳар биримизда тафсилотлар кучи билан, ҳис этганларимизни «етказиш» огоҳ қилиш майли бўлиши табиий, аммо бу табиийлик доим ҳам ўзининг эркин ва фаол ифода тарзини топавермайди. Машғулотлар жараёнида имкон қадар бўлғуси ижрочи ижодкорларга бетакрор, жонли, гўзал сўзга меҳр, чанқоқлик интилиш уйғотиб бориш катта аҳамиятга эга. Сўз бу ҳазина, ақл ҳазинаси, у кўнгилдаги бор орзу, хоҳиш, ирода мақсадни ифодаловчи асосий манъбалар калити, замон қанчалик ўзгармасин инсондаги энг ноёб инсонийлик ҳазина, ақл кўнгил мулки жонли гўзал ва асл сўзда ифодаланаверади. Ифоданинг бетакрор, мукамал, гўзал шакллариани такомиллаштириш профессионал маънавий тарбиянинг муҳим тармоқларидан биридир. Нутқ техникасини мукамал, намунали меёрда ўзлаштириш ижрочининг адабий ижровий матн танлаш диди, зехни, ҳассос сўзга бўлган меҳри билан тўлдирилади. Санъат оламида дунёни гўзаллик кутқаради-деган умидбахш ибора бот-бот такрорланади. Жамият тараққатининг ҳамма поғоналарида ҳам гўзалликнинг, баркамолликнинг, комилликнинг аҳамияти етакчи сабаблардан бири бўлгандир. Истиқлолимиз куёш мисол нур сочиб, ўз ёғдуси билан мамлакатимиз тақдирига ҳаётбахшлик қимматини баҳшида қилиб, ҳалқимиз, миллатимиз тафаккури қалби, дунёқарашига таъсир қила ўлароқ одамларимиз нигоҳи, муносабатлари ҳамда эҳтиёжларида юксалишга кучлироқ сезилмоқда. Яшаш тарзимизда шаҳар ва қишлоқларимизнинг ободонлигида манзараларимизнинг фусункор ва ҳайратларга солувчи мухташам обидалар, фахрларга солувчи янги иншоатлар буюк келажакимизнинг пойдевори бўлиб қад кўтармоқда.

Бу беқиёс ўзгаришлар ижрочилик санъатида ҳам мазмун моҳиятига ҳамоҳанглик касб этиши лозим. Ижровий адабий матн танлашда буни чуқур англаб етиш ва ҳақиқий меҳр ардоқ билан миллий истиқлол ғоялари сингдирилган янги замон руҳи янги давр тараннум этилган асарлар устида ишланишига кенгроқ ўрин берилиши лозим. Катта бир умидлар, қайнок орзулар билан ижодкор бўлиш аҳдидаги ҳар бир талабанинг нутқий феъл атворини ўрганиш у, унга турли машқлар мажмуаларини топиш-у, бу машқларга талабани қизиқтириш, сингдириш ва ундан гўзал жлзибадор, мукамал нафас, овоз, талаффуз намуналарини олиш-у, уларнинг тасаввурлаш маҳоратини, ҳамда ижро маҳоратини шакллантириш, ўстириш, мустаҳкамлаш, миллий истиқлол руҳида тарбиялаш ва ижрочилик репертуарларини ранг-баранг замонавийлик руҳи акс этган йўлда тарбиялаш каби эзгу масъулият, бурч, виждон амри билан, уларнинг дунёқараши, мафқурасининг шакллантирилиши мураббий устоз учун ҳам, унинг шогирди учун ҳам катта ирода диққат талаб қиладиган жараён. Сўз билан уларнинг фикрига, ҳаётига кира олиш катта санъат. Бу жуда катта салоҳият, билим, эътиқод, меҳр талаб қилади.

2-амалий машғулот. НУТҚНИ ТАКОМИЛЛАШТИРУВЧИ ТЕХНИК МАШҚЛАР

Вазифа: Чархпалак машқида, бирин кетин доира бўйлаб, булутлардай эркин сузиб жаранга эришадилар.

Нафас сарфига амал қилиб қўлларида чархпалак чўмичидай эркин гўзаллик тароват оби ҳаёт тимсоли бўлиб сув сочадилар.

Булутлардан жамланиб коинотда кезамиз.-1*1-2-3.

Нафасимни асрайман зарра-зарра сарфлайман.3марта

Шамоллардан қувват олиб осмон бўйлаб сузамиз.2*2-3-4

Зарра-зарра сарфласам чарчамайман шошмайман,5 марта

Осмонларга сиғмай қолсак гулдираймиз оламга,3*3-4-5.

Чарчамасам шошмасам сўзларимни боппайман,7марта.

Мендан саломлар айтинг шимол шамол санамга.4*4-5-6.

Сўзларимни боплаш чун товушларни созлайман. 9 марта

Тез сафарга отлансин катта бўрон бобом ҳам,5*5-6-7.

Товушларни созлашчун нафасимни ростлайман.11 марта

Ортларидан эргашсин шабада ой момом ҳам.6*6-7-8.

Чархпалак кўзасидай қўлларимга сув олиб, 13 марта

Гумбур гумбур қарсиллаб ҳайқирамиз саъмога,7*7-8-9.

Экинзору гулзорларга оби ҳаёт сочаман. 15 марта

Момоқалдир гумбурлари таралсин хўп саъмода.8*8-9-10. 3 марта

Кўк юзини чок-чок қилган чакмоғу нур чақинмиз,9*9-10-11. 5 марта

Булутларнинг бағрин тилган мардоновор қўшинмиз.11*11-12-1

Гумбур-гумбур замбарак, гумбур-гумбур замбарак,ҳар бири ва гуруҳ.

Овозимиз жарангини тингласин осмон фалак.

Тутал тугал туталлар тузиш. (Т-Д товуши учун)

Гуруҳ:(бирин кетин.)Дб-дбдб-дубти- Дб-дбдб-дубтэ- Дб-дбдб-дубта-
Дб-дбдб-дубто- Дб-дбдб-дубтў- Дб-дбдб-дубту-дбти.

Тд-дтти- Тд-дтте- Тд-дтта- Тд-дтто- Тд-дттў- Тд-дтту- Тд-дтти....

Тпдбдивв –Тпдбдеvv- Тпдбдавв -Тпдбдовв -Тпдбдўvv Тпдбдуvv
Тпдбдивв Тимбала-диппа,тумбала-диппа тимбала димм. Тембеле-
деппе,тембеле-деппе тембеле демм.

Тамбала-даппа,тумбала-даппа тамбала дамм. Томболо-доппо,томболо-
доппо томболо домм.

Тўмбўлў-дўппў,тўмбўлў-дўппў тўмбўлў дўмм. Тумбулу-дуппу,тумбулу-
дуппу тумбулу думм.Тимбала-диппа,тумбала-диппа тимбала димм.

Тугал тутални тутилмас тезликда, тасаввурни тошириб, диққатни
дамлаб, дутору тамбурдай чертиб, доирадай такиллаиб, қадди қоматни

ростлаб, турфа товуш бирикмаларда равон, тилни тоза тириллатиб, гириллатиб, изиллатиб, тизиллатиб, тузилган тузилмалар машқи.

Тутал тузсанг тоза туз, тутал тузолмасанг тилинг муз. Тутални тоза тузмаганнинг тили муз оғзида тўққиз ҳовуч туз. Деди Моҳинур ҳар бир сўзини дона дона, нуқсонлардан бегона қилиб.

Тўққиз ҳовуч туз билан, тилингдаги муз билан, талаффузинг ботқоқми, чала чулпа чўпакми, тарикдаги кўноқми, ипиринди сипиринди тутаб ёнган ўчоқми, тутаб ёнган ўчоқдаги, қозончага қопқоқми, қопқоқли қозончада, куйган писта пўчоқми, куйган писта пўчоқча, сўзинг сўзмас сўнғакми ёки сўнган чироқми. Деди Моҳинур ҳар бир сўзини дона дона, нуқсонлардан бегона қилиб.

Тўққиз ҳовуч туз билан, тилимдаги муз билан талаффузим ботқоқми, чала чулпа чўпакми, денгиздаги кўпикми, тарикдаги кўноқми, ипиринди сипиринди тутаб ёнган ўчоқми, тутаб ёнган ўчоқдаги қозончага қопқоқми, қопқоқли қозончада, куйган писта пўчоқми, куйган писта пўчоқча сўзингсўзмас сўнғакми ёки сўнган чироқми. Сўзим сўнган чироқ бўлса ичимда қум- тупроқми, ичимда қум тупроқ бўлса, ичим бўм бўш саватми, ичим бўм бўш сават бўлса, муаммога ўртоқми, муаммога ўртоқ бўлса, қават қават ҳасратми? Қават қават ҳасратнинг, баҳоси ҳас кепакми? баҳоси ҳас кепакка чалинмаган чапакми, чалинмаган чапакнинг қиммати чанг кесакми, унга керак элакми, ичи чирик теракми, шундан ҳиссиз юракми, бу саҳнага керакми? Деди Нигора ҳар бир сўзини равон-равон, нуқсонлардан бегона қилиб.

Бу саҳнага керакмас, ичи чирик теракмас, ҳиссиз юрак-юракмас, қават қават ҳасратнинг, баҳоси ҳас кепакмас, ҳас тупроғу кепакка, чанг тупроғу кесакка, сира элак керакмас, чанг тупроғу кесакмас, унга керак элакмас, ичимда қум тупроқ бўлса, ичим бўм бўш саватдай, муаммога лим-лим лим, қават қават ҳасратдай, чала чулпа нўноқдай, тарикдаги кўноқдай, ипиринди сипиринди тутаб ёнган ўчоқдай, тутаб ёнган ўчоқдаги қозончада қопқоқдай қопқоқли қозончада куйган писта пўчоқдай, куйган писта пўчоқча сўзим сўнган чироқдай, Сўзим сўнган чироқ бўлса ичимда қум- тупроқми? тўққиз ҳовуч туз бўлса, оғзим тўла сув бўлса тилимдачи муз бўлса, талаффузим ботқоқдир, сўзим сўзмас япроқдир. деди Сирожиддин ҳар бир жумлани жонли –жонли ифодада ифорли, нуқсонлардан бегона қилиб.

3-амалий машғулот. ВОҚЕАЛАР ТИЗИМИДА СЎЗ ҲАРАКАТИ. САҲНАВИЙ АСАРЛАРДА ОБРАЗЛАР ВА ОБРАЗЛИЛИК

Инсоният ўзининг икки минг йиллик манзилини сир синоатларини ечилиши, илм ва тафаккурнинг ҳайратомуз парвозлари, санъат маънавият ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранг кўринишлари, курашлар, ютуқлар, мағлубиятлар, талатўплар, бўхронлар силсиласи билан юкинган тарзда босиб ўтди. Гоҳ юксалди, гоҳ таназзулга юз тутди. Ҳар бир даврда ҳам сўз ва сўз санъатининг ўзининг яратувчилик, уйғотувчилик каби буюк қуратли кучини намоён этиб келмоқда. Сўз санъати ҳамиша ўз замонининг руҳи, дарду, дунёси, муаммоларини акс эттириб келмоқда. Сўзнинг теран маънолик хусусияти ижрочидан қанчалик кўп вазифаларнинг ижодий ечимини топишни талаб этади. Ўз ўрнида ижрочи ижодкордан ўз замонасининг энг илғор фикрли, жўшқин эътиқодли ва ранг-баранг талқин, ифодавийлик маҳоратини мукаммал эгаллашни талаб қилади. Ҳар бир ижрочи аввало ўз замонаси, даври муҳитини ўзида сингдирган ўзи яшаётган жамиятни ҳамма томонлама теран англаган, унинг ютуқларидан чин инсоний қалб билан қувона оладиган, фахрланиб ардоқлаб, олқишлай оладиган ижодкор фуқаро бўлишни давр иллатлари умуминсоний кадриятларга ёт сарқитлар, салбий оқибатлар келтириб чиқарувчи инсон табиатига ёт нуқсонларга мурасасиз курашчи ва ташвиқоти тарғиботчи бўла олишдек бурчни юклайди. Демак, ижровий матн танлаш, таҳлил қилиш ва талабалар билан ишлаш жараёни шу жиҳатларга бўйсундирилиши керак. Сўз санъатида замон руҳининг жаранги тараннум этилиши шу замин истиқлолнинг оёққа тураётган бугунги кунида кўйилиши ва эътироф этилиши, илмий назарий, амалий асосларда чуқур ёритилишига нечоғлик атрофлича ҳаракат қилмайлик унинг очилмаган жиҳатларини яна кўпроқ англаниш лозимлигини ҳис этаверамиз. Жаҳонда ҳар сонияда тезкор содир бўлаётган ва бир лаҳзада бутун оламга маълум бўлиб, инсониятни жумбоқларга дучор қилаётган воқеалар, тинчлик яратувчилик тамойиллари билан нафас олаётган Ватан, ҳалқ тақдирига ёвуз ва ёт қарашлари билан ҳаммамизни безовта қилаётган нотинч воқеалар терроризм, коррупция, мафия, наркотик моддаларнинг тинимсиз кулфатлари ахлоқий тубанлик, ёшларнинг ёт таъсирларга чалғиб қолиши ва бошқа кўплаб ғайринсоний, ғайриоддий вазиятлар ўз келажагини тинч бахтини, ижодий парвозларини кўзлаган ҳар бир инсондан ҳар бир миллат, ҳалқ ижодкоридан, санъаткордан ўз замонаси руҳини теран англашини, огоҳликни ҳамда бор вужуди, ақли, тафаккури, қалби билан буюк яратувчиликнинг мадҳ этувчи, истиқлол мафкураси, миллий ғоялар билан дунёқараши шаклланган ижод мезонига аҳамият қаратишимиз, ҳаёт тарзимизни, умримизнинг мазмуни, эътиқодимиз, садоқатимиз тимсолига айланиш керак. Томоша санъати ҳусусан актёрлик санъатида ижодкорнинг етук малакасига ижро маҳоратига эга бўлишлиги учун ҳам унинг борлиққа бўлган аниқ ва фаол муносабати, қараши ҳамда уни ифода

кила олиш салоҳияти билан боғлиқ. Биз сўз санъатида замон руҳи ифодасининг катта ҳаётий аҳамиятини тўлароқ англашимиз, ҳис этишимиз учун президентимизнинг қатор асарлари ўрганиб ва талабаларга чуқур ўрганишни тавсия ва тарғиб қилиб, турли саволларнинг мантиқий ечимини топамиз.

Сўз санъатида бел боғлаб ўзининг узок йиллик педагогик амалий ва назарий тажрибасига эга ҳар бир мураббий устозга маълумки: Ижровий адабий матн танлаш жараёни масъулиятли диққат талаб, синчков ва зукколик билан ёндошишни тақозо этадиган давр. Танланган асарнинг пишиқлиги, катта истеъдод ва маҳорат билан ёзилганлиги, мантиқининг кучлилиги, тасвирларининг мукамаллиги, воқеаларнинг қизиқарлилиги, тасвирларининг пишиқлиги, асарнинг инсоний қадриятларга монандлиги, ҳар бир ижрочи ва тинловчининг дарду дунёсига таъсир кучи, ижрочининг тасаввури, муносабати, иродасини уйғота олиш хусусияти ва бошқа жиҳатлари етук бўлишининг аҳамияти катта. Аммо асар аввало уни танлаётган ижрочига манзур бўла олмаса, ҳамда унда замона руҳи миллий ғоялари, истиқлол мафкураси акс этмаса ўз-ўзидан бўшлиқ пайдо бўлиши: зўрма-зўракилик, сунъийлик тўлақонли талқин ҳамда ижро маҳоратига ҳалал бериши аниқ. Ҳар бир ижодкор аввало ўзи туғилиб ўсган юртнинг еру тупроғи, мусаффо ҳавоси, суви, тоғу-тош, боғу-роғлари, ундаги халқнинг баҳти, тинчлиги фаровон, бою бадавлат яшаши учун фидокорлик қилаётган инсонларга ҳақиқий меҳр маҳаббат, ардоқ уларга эргашиш ҳамда алқаш эҳтиёжини ҳис этмас экан, унинг ижоди ва ижросида одамларга таъсир қилувчи, ишонтирувчи, ҳайратларга солувчи кучни топиш қийин кечади, яъни талабаларда тарихий қадриятларимиз, анъаналаримиз, энг нодир, бебаҳо бадиий адабиётларимизда тараннум этилган бугунги озодлик куёши чароғон бўлиб одамларда ҳақиқий фахр, меҳр, кадр уйғота олган борлиқни ҳис эта билиш, бугунги кунимиз учун бир дақиқа ҳам ўйлашдан курашдан тўхтамаган буюк инсонлар, алломаларимиз, мутафаккирларимиз, ҳақида яратилган асарларга мурожат қилиш лозимлигини тўлароқ ҳис этмоқдамиз. Катта истеъдод билан яратилган, бадиий пишиқ ва етук, воқеалари таъсирли, муаллифнинг ғояси, мақсади бугунги кунимизга миллий истиқлол ғояларига уйғун асарларни танлаш ва уларга талабаларда ҳақиқий меҳр чанқоқлик, кучли ҳоҳиш уйғота олиш ҳамда талабаларнинг ҳам шундай асарларни топиб танлай олиши катта куч ва ҳоҳиш, кунт билан ўрганиши каби вазифалар ўз ечимини кутмоқда.

Нутқ техникаси, мантиқ, сўз билан ишлашнинг ҳамма жараёнларида ҳам талабада сўзга, таъсирчан бетакрор сўзга доимий меҳр, чанқоқлик уйғотиш зарур. Талаба сўзнинг энг ноёб, бебаҳо ижод маънбаси эканлигини ҳис этишлари, кадрлай олиши, сўзга, ҳассос сўзга чечан бўлиши ва бунинг

ижодкорлик баркамоллигининг энг асосий омилларидан бири эканини бор вужуди, қалби, тафаккури билан ҳис этишлари керак.

Сўзга меҳри, ташналиги бўлмаган талаба сўз орқали ўз томошабинларининг ишончи, ҳайрихоҳлиги, диққатини забт этиши қийин кечади. Жамият тараққиётининг ҳамма поғоналарида ҳам гўзалликнинг, баркамолликнинг, комилликнинг аҳамияти етакчи сабабларидан бири бўлиб келган. Ҳалқимиз, миллатимизнинг тафаккур-мафкураси, маънавияти, дунёқараши эҳтимол икки ўт орасида мураккаб жараёнлар, ҳаёт-мамот учун танланиш, ўзгариш, юксалиш жараёнида экан яшаш ва ижодий фаолият тарзимизда замон руҳи акс этиши лозим.

Ҳўш, замон руҳини мустақиллик йиллари яратилган қандай бадиий-илмий, назарий, публицистик асарлар, қиссалар, романлар, сахна асарларидан топишимиз мумкин, қандай танлашимиз, қандай таҳлил қилишимиз талабалар билан қандай ишлаб унинг тафаккурига қандай етказиб, қалбини қандай уйғотишимиз керак? Бундай саволлар ҳар сонияда ҳар-биримизни безовта қилиши табиий.

Биз фикрларимиз ҳар томонлама илмий-назарий жиҳатдан ёритмайлик барибир аниқ амалий ижодий иш жараёни ўзининг ишлаш жиҳатлари билан ҳал қилувчи натижани беради:

Сўз санъатида замон руҳини биз аниқ адабий матнда истиқлолимизнинг жуда мураккаб шарт-шароитларида қат ростлаётган бугунги кунда ва бундан кейин кечадиган ҳар бир кунимизда ҳаётимизнинг кадр-қиммати, тинчлигимиз тинч осуда тараққиёт йўлидан кетаётган илдам одимларимизнинг кадр-қиммати, еримиз сувимиз, ўту гиёҳлар-у, ҳазиналаримиз қазилма бойликларимиз, томчиси асалга монанд шарбатлар берувчи меваларимиз, она юрт қадри, Ватан қадри, одамларимизнинг қадри катта қалб катта муҳаббат ва эъоз билан ёзилган Ватан шеърининг теран маъноларида жамланган бундай шеърларни катта меҳр, фахр, ардоқ билан тўлиб тошиб доим айтишлик бурч ва масъулият бўлиб қолиши керак.

Талабаларда шеърни тўлақонли ҳис этиш учун қатор изланишлар, кунт, ирода зарур. Ҳозирги даврда ҳар бир ўқитувчи талаба, ё вояга етган фуқаро ҳаёт ташвишлари билан банд бўлиб илоҳий юксак туйғулар бурч, ватанпарварлик, ҳалқпарварлик, адолат, ҳақиқат, инсоний қадриятларни эъозлаш каби ҳислатларга доим ҳам эътиборли бўлолмаётгандай. Тараққиётимизнинг тақдири эса шу муқаддас туйғуларнинг гуллаши, камол топиши билан боғлиқ. Бу ўринда ўз-ўзидан кўриниб турибдики, санъат, кино, телевидения, радио, адабиёт, матбуот зиммасида беқиёс вазифалар турибди. Ватанпарварлик туйғусининг инсоний муносабатларда аслича акс этиши ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши, гуллаб яшнашида етакчи маънаба, куч

бўлиб келган. Шунинг учун президентимиз бу туйғуга жуда катта эътибор билан қараб ҳар бир асарида бунинг нечоғлик муҳимлигини қайд этмоқда. Замон руҳи матбуотимизда, нашр қилинаётган янги-янги асарларда, театр, кино, телевидения, радиода тараққиёт тамойилларимизнинг имкон қадар турлича ёритиб келинмоқда.

Давлатимиз ҳалқимизнинг энг нуфузли, энг мазмундор байрамларига айланган мустақиллик байрами, наврўз байрамида ҳам биз ижтимоий ҳаётимиз, сиёсатимиз, яратувчанлик тинчлик-омонлик, олий мақсадларимиз, уйғун қарашларимизни минг бир оҳанглар гултожи сўз санъатида фахр ва ғурур билан тинглаймиз. Бизларни ҳаяжонга, ғурурларга чўмдиради.

Мамлакатимиз том маъноси билан, мазмунлари теран қадимий қадриятларимиз билан боғлиқ байрамлар, юбилейлар, тадбирларига бой мамлакат. Ҳалқимизнинг оддий гапидан тортиб, турли маросимлари анъаналари алоҳида бир маъно мазмун, кашф этади. Уларда ҳам ҳалқ руҳи замон руҳи мавжуддирки мазмунан бойитишга ҳаракат қилиб келинмоқда.

Сўз санъатида замон руҳи ёрқин акс этган яна бир шеърят намуналаридан бири Муҳаммад Юсуфнинг «Ўзбекистон» шеъри.

Ялпизлари кўкка туташ,
 Йўли ипак, суви маржон
 Майизлари қотган қуёш
 Олтин дала, олмос қалам.
 Зумрад осмон, зилол бўстон
 Кузда кетган қушлари ҳам
 Ёзда топиб келган айвон.
 Ўзбекистон, Ўзбекистон.
 Дунё ичра тенгсиз дунё
 Зар чопон қалб, ялангтўшим
 Қўли очик, меҳри очик,
 Қаҳри босик, кўнгил бўшим.
 Ўғлига от бўлиб, чўкиб
 Қизига аллалар айтган
 Белбоғиға борин тўкиб
 Тўйга бориб, тўймас қайтган.
 О бола феъл, о болажон
 Ўзбекистон, Ўзбекистон.
 Ўзини ўйламай ўйлаб,
 Фарзандини юрган сизлаб
 Ўнгга кирмай боласи
 Сарпо йиққан қаллиқ излаб

Бизда урф шу, борингни қўй
 Тўртта ўзбек тўпланса тўй.
 Боланг учун керак бўлса
 Жонингни сот, кўзингни ўй
 Тўк топганинг, ёз дастурхон
 Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Буку бир шеър сатқа минг жон
 Ўзинг қўшиқ, ўзинг дoston.
 О отамдан қолган қўрғон
 Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Бу шеърни ўқиган талаба туғилиб ўсган она юртнинг тенгсиз қиммати, муқаддаслиги ҳар бир инсоннинг ич-ичидан англаш лозим.

«Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» тушунчасини ҳар бир инсон бутун ақли вужуди қалби билан ҳис қилиш учун шоир улуғвор мақсад, олий шон, катта бир инсоний ардоқ билан отасидан қолган қўрғонни алқайди, мадх этади.

Матн билан ишланиш жараёни талабаларнинг маънавий дунёси, профессионал ижро малакаси ўзининг фуқаролик бурчига садоқати, она Ватани, ҳалқи, ўзи туғилиб ўсган ерига меҳр ва ардоқ уйғотишга сафарбар қилиши учун манбадир. Талабалар билан амалий ишлаш натижалари шуни кўрсатадики, уларнинг фикрлаш ҳамрови, интизоми, қизиқувчанлиги, қунти, диққати, изланувчанлиги, тиришқоқлиги мукамал даражада кучли бўлиш билан бирга, уларда ўзи яшаётган муҳит, атрофини ўраб олган борлиқ олам турли воқеалар, манзаралар, тафсилотларга ўткир нигоҳи, синчковлиги, қизиқиши, аниқ муносабати бўлмаса ижро санъати сўз санъатида қониқарли даражадаги ижрочиликни кутиб бўлмайди.

Бу шеърни мантиқий таҳлил қилинса, асосий воқеа: бебаҳо ҳаётимиз учун яшаш, камол топиш, бахту саодатга, ақлу заковатга беқиёс ижодга эришишимиз учун мавжуд улуғ заминимиз ноёб табиатимиз «Йўли ипак», «суви маржон», «олтин далалар», «зумрад осмон», «зиллол бўстон»нинг борлиги ва биз шу заминда улғаяётганимиз, дунёмизнинг «дунё ичра тенгсиз»лиги.

Олий мақсад: шу буюк заминни улуғлаш, тингловчиларда она заминимиз муқаддас Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш етакчи ҳатти-ҳаракат:

Она замин ва муқаддас Ватанга меҳр ва эътиқод уйғотиш.

1-Воқеа: Табиатимизнинг бетакрор сеҳри, жозибаси, гўзал олами.

2-Воқеа: Шу Ватанга борлиқ мавжудотларнинг меҳри ва садоқати.

3-Воқеа: Ҳалқимизни болафеъллик, болажонлик ҳислатлари.

4-Воқеа: Миллатимизнинг тантилиги, саҳийлиги, бағри кенглиги, фидоийлиги.

5-Воқеа: Тириклогу сўнги маконимиз, отамиздан қолган кўрғоннинг азизлиги, тенгсиз қиммати.

Талабалар билан матн устида ишланиш жараёнида кўплаб кўшимча мълумотлар, уларнинг қалби, ижодий тасаввурини уйғотувчи тафсилотлар устида тўхталиш лозим бўлади.

Ўзида замона руҳини акс этдирган ва катта ақл идрок, маҳорат билан.

Сўз орқали томошабинлар тасаввурига дунёқараши, муайян борлиқ, воқеалар тизимига бўлган муносабатига таъсир қила олиш салоҳияти ижрочининг иродаси, аниқ мақсад асосида қаттият билан томошабинга таъсир қилиш нуфузини доимий ўстириш учун қатор услубий тавсиялар, машқ ва машғулотлар мажмуни ишлаб чиқиш театр санъати мактабининг доимий эътиборида.

Сўз қудрати, таъсир маҳоратини ўстириш учун яна қуюдаги қатор тавсияларимизни ёритмоқчимиз:

Ижро маҳоратини мустаҳкамловчи шарт-шароит, вазият, воқеа ва ҳолатлар машқи.

Шарт-шароит: Ёзнинг жазирама иссиқ кунларидан бири. Саратон заптига олган чўл. Цемент ортилган бешта вагон турибди.

Вазифа: 10 та талабадан иборат гуруҳ вагонларни семендан бўшатиб ўрнини қум билан тўлдириши керак. Ҳар бир талаба навбати билан гуруҳдошларини ишлатиш учун ишонтириш кучи, вазиятдан чиқиш маҳорати билан гуруҳдошларига мурожат қила олиши, кўникилмаган шароитда, агарда шу шарт-шароитда ҳаётда шу ишни қилишга тўғри келса қандай қилиб вазиятдан чиқа олади, қандай қилиб ишлатади, шу буйруқни бера олиши керак. Буйруқ асосида «Сўз ҳаракати» билан бор иродаси кучи ҳоҳиши билан таъсир қилишга интиладилар. Гуруҳдошлари ишнинг кўлами машаққатини ҳаққоний ҳис қила олиши ва ўзларида бажара олишга куч топа билиши лозим.

Берилган вазифанинг тасаввурни уйғота олиш манзараси, вазиятнинг талабада муносабат уйғота олиши, бефарқ қолдирмаслиги муҳим аҳамиятга эга.

Чўл, саҳро қуёшнинг аёвсиз қиздириши, ташналик, толиққанлик шароитида ишлашга сафарбар қилиш ва сафарбар қилиниш талабаларда ирода интилиш, ички ҳаракат, аниқ мақсад сари ақли фикрини сафарбар қилишга интилиш жараёни тасаввур ва сўзнинг уйғониши ва сўз ҳаракатининг табиий фаоллашишига ёрдам беради. Машғулот давомида талабалар масъулият ва интилиш билан ишлашларига эътибор бериш зарур.

2-вазифа: «Тоғора тўла сувни тўкмасдан тўртта тепалиқдан олиб ўтиш мусобақаси» /ўйин машқ/

Бош ҳакам: Дикқат дикқат муҳтарам ҳонимлар ва жаноблар! Мана бугун бутун жаҳон ғаройиб мусобақалар шинавандаларининг нигоҳи «Ҳайда-ҳайда, ҳайт-ҳайт» тепалигига қаратилган. Бу ерда биринчи марта ўтказилаётган ғаройиб мусобақанинг бошланишига санокли сониялар қолди.

Шарҳловчи: Узр-узр бош ҳакам бова! Назаримда вазифаларимиз алмашиб қолгандай, ҳаяжонланганингиз кўриниб қолди. Аслида шарҳлаш мени вазифам эди... Сиз мени ўрнимга шарҳловни ҳам бошлаб қўйдингиз.

Бош ҳакам: Ҳаҳ, ҳаяжон қурсин... Ҳай ана ўзингиздан эшитайлик.

Шарҳловчи: Олам узра чароғон қуёш

Нурларини сочмоқда бебош...

Таниқли шоирамиз Барот Бойқобилов «Сўз мулкининг соҳибқирони» шеъри билан буюк даҳо Мир Алишер Навоийга ҳаммамизда уйғониши лозим бўлган эътиқод меҳр, ҳайратни изҳор қиладики, талабаларда ҳам шеърни гуруҳнинг умумий иши ёки якка ижро матни қилиб буюк бобомизни англашга ёрдам беради.

Сўз мулкида гарчи кўп ўтган шоҳлар,
Сиз каби музаффар кишваристон йўқ.
Ҳоқондек сийлаган олий даргоҳлар,
Сизга тенг донишманд ҳисрав нишон йўқ.
Йўқдир сиздек буюк ва табаррук зот,
Аҳли дилга шафе комил инсон йўқ.
Йўқдир аҳли жоҳга бергувчи нажот,
Калом кишварида фаҳри даврон йўқ.
Шодумон этгали аҳли замонни
Инсон тилин билган бир зобондон йўқ.
Як қалам қилгали озод давронни
Закий соҳиб қалам бир суҳандон йўқ.
Йўқдир сўзга шавкат бергувчи даҳо,
Муаззам тоғ каби бир соябон йўқ.
Йўқдир турк улусин уйғотган садо,
Ҳурликдан ўкирган бир арслон йўқ..
Гарчи ақлим олди не-не даҳолар,
Назм давлатида сиздек султон йўқ.
Падари бузургдек қилмиш дуолар,
Сиздек менга азиз бир меҳрибон йўқ.
Йўқдир турк назмида сиз қадар даҳо,
«Ҳамса»дан буюкроқ асар ҳамон йўқ.

Йўқдир «Ҳазойин-ул-маоний» якто,
 Сизсиз Хуросон йўқ, буюк Турон йўқ.
 Не бахт мукаррамсиз аҳли оламга,
 Сиз сиз нозимларга даври-даврон йўқ.
 Қиличлар қудратин бермиш қаламга,
 Сиз сиз она замин тоза осмон йўқ.
 Ҳамонки, маддоҳлар устомон, дилҳоҳ,
 Ўзининг дардидан бўлак армон йўқ.
 Саноҳонлик қилур, сўзамол суллоҳ,
 Тилини тийгувчи марди-майдон йўқ.
 Йўқдир калом қадрин баланд тутган зот,
 Сўз бозори касод фидойи жон йўқ.
 Йўқдир суҳанпавар сарвари, Барот,
 Иншодан бахтиёр аҳли иймон йўқ.
 Не шараф улусга раҳнамо падар,
 Қадрингиз сарбаланд этмаган он йўқ.
 Миллий боғимизни қилиб мунаввар,
 Сизга гул элтмаган аҳли замон йўқ.
 Йўқдир сизга таъзим қилмаган меҳмон,
 Президенту Қирол, шоҳу султон йўқ.
 Йўқдир номингизни билмас ўзбекхон,
 Чордовон етмаган хур хонадон йўқ.
 Сиздек бунёд этиб олий қасрлар,
 Ҳазрати сарвардан, балки шодмон йўқ,
 Ҳавас қилса арзир эллар, насллар,
 Машрикда бундайин дорул-омон йўқ.
 Йўқдир бундан обод дорус-салтана,
 Улусга Ватандин азиз макон йўқ.
 Йўқдир ўзга юртда бундай тантана,
 Сардори фидойи меъмор инсон йўқ.
 Сиз миллат рамзисиз миллат фаҳрисиз,
 Сиздек шамсул миллат, зеби жаҳон йўқ.
 Сиз билан то абад баланд қадримиз,
 Тангри назар қилган сиздек комрон йўқ.
 Йўқдир элга сиздек азизу ғамхўр,
 Улусин ўйлаган соҳиб даврон йўқ.
 Йўқдир ҳар каломи минг дурри шоҳвор,
 Маснавийда сиздек фаҳри жаҳон йўқ.
 Сизга шаҳар қурдик Навоий дебон,

Бундан зиёд балки, зўр армуғон йўқ.
 Замон фарҳодлари қилолди бўстон,
 Ўзбекдай меъмору қўли гул жон йўқ.
 Йўқдир икки қадам шаҳарда армон,
 Улуғ кентлар аро бундай бўстон йўқ,
 Йўқдир ҳайрат билан боқмаган инсон,
 Бир тўхтаб ўтмаган азим карвон йўқ.
 «Янги Ҳамса» битдим сизга эй устоз,
 бу айём бундан-да улуғ достон йўқ.
 Бир умр боғингиз этурмен обод,
 Мен сизни унутсам Ўзбекистон йўқ.
 Йўқдир сиздек ҳоқон бу жаҳон аро,
 Назмда забардаст бир қаҳрамон йўқ.
 Йўқдир пири комил бир дostonаро,
 Сўз мулкида сиздек Соҳибқирон йўқ!

Ўқитувчи томонидан танланган матн талабалар учун доим ҳам жозибали, фикру, ёди қалбини ром қилиб қўядиган бўлавермаслиги кузатилади. Матнга фикран ва қалбан мафтун бўла билиш учун муаллифнинг асарни яратиш муҳити ва туйғуси, безовталигини ҳис қила олиш керак бўлади. Талабанинг интилиши, унинг тасаввурини забт этган воқеалар, манфаъатлар, хоҳиш, қизиқиш матндаги манзара, воқеа, тасвир тафсилотга ҳамоҳанглик уйғотиш, асарнинг ҳар томонлама қиммати унга аён қила олиш устозлик маҳорати қирраларидан биридир. Ҳазрати аллома буюк мутаффақир Мир Алишер Навоий умуминсоний мезонларда ҳам жаҳоннинг буюк сиймолари олдидан жой олган даҳо. Уни беш асрдан ошароқ шоири замонлар, шоҳлар, олимлар, донишмандлар унинг беқиёс ҳаёти ва ижодини алқаб келадилар. Инсоният бордирки Навоийни англаш ва ундан баҳраманд бўлишдек ҳаётий эҳтиёжга боғланиб қолаверади. Барот Бойқобилов ҳам жуда гўзал самимияти ва ҳайратини «Сўз мулкининг соҳибқирони» шеърига тизишга эришганки, ижрочи учун жонли табиий, бетакрор манзара ва тавсилотлар намоён бўлади. Инсоний ҳислат ва буюклик ақл қувват ва сўздай учта ҳаётий таянч устида турса сўз ақл ва қувватнинг такомиллашувида муҳим аҳамият касб этади. Барот Бойқобиловдай ҳассос шоир ижодининг етуклик манзилларидан Навоийнинг сўз қудрати, сўз сеҳри, сўздаги буюклигини катта ҳайрат ва меҳр билан ёритмоққа интилар экан ўзи, ўқитувчилари ва ижрочилар учун Навоийдаги ноёб ва бебаҳо қирраларни кашф этишга интилгандай бўлади. Жаҳондаги ҳамма миллатлар ҳам тенглар ичра тенг, улар бебаҳо, беқиёс, мўъжизавий олий шон қимматидаги ҳазрати инсонлар тоифасига даҳлдордирлар, ҳар бир миллат умумбашарий ўлчамларда даҳо даражасига

кўтарилган мутаффакир олимлари шоири замонларини улуғлайдилар. Ҳар бир миллат ўзининг буюк инсонларини қанчалар муносиб ардоқласа, улуғласа, унинг илмий-назарий, ижодий меҳнатларини ёки қаҳрамонликларини хизматларини ёдида тутса бу миллатнинг баркамоллиги ривожланиши ҳамда умуминсоний тараққиёт учун ҳам таъсир қилишида аҳамияти катта. Ёш ижодкор ижрочилар буни бор вужуди, борлиқ оламга бўлган нигоҳи ва муносабати билан чуқур ҳис қилиши ибрат олишга интилиши ҳамда буни тарғиб қила олиш бурчи ва масъулияти билан ёндоша олиши учун ҳам танланган матн қиммати маънаб бўлади.

Шеър миллатнинг донолиги, олийжаноблиги, заковати, салоҳиятини ўзида мужассам қилган қатор буюк сиймолар қаторида Алишер Навоийдаги ўзидан сўнмас нуру-зиёни ақл ва қалб кўзи билан ҳис этишга чорлаётгандай туюлади.

Муаллифдаги шу олий матлабни ижрочи кенг ва чуқур ҳис этиб ўз олий муддосига сингдирилиши шеърнинг ҳаётийлиги таъсирчанлигини шакллантиради.

Ижрочининг олий мақсади инсониятни инсоний даҳо, умумбашарий ижодиёт, ақлу-заковат комиллик манзиллари сари чорлаш.

Етакчи ҳаракат ҳазрат Алишер Навоийдаги буюк салоҳият, ижодий юксакликлар, мўъжизавий сўз қудратини улуғлаш!

Миллий истиқлол ғояси:

Миллат ва Ватаннинг тараққиёти йўлидаги буюк инсонларнинг ноёб фаолияти ва ижодий англаш ва шу руҳда келажак авлодни тарбиялаш.

1-воқеа: Инсоний баҳт саодат ва сўз санъатининг муштараклиги.

2-воқеа: Алишер Навоийнинг сўз санъатидаги тенгсиз хизматлари.

3-воқеа: Алишер Навоий, «Ҳамса», «Ҳазойин-ул маоний» асарларининг бебаҳо ҳазина сифатида Хуросон, буюк Турон ва жаҳон адабиёт ҳазинасидаги қиммати.

4-воқеа: Қилич қудратидаги қалам соҳиби ва унинг она замин, мусаффо осмондаги ўрни.

5-воқеа: Алишер Навоийнинг беназир ҳаёт, тириклик оламида илдиз отган устумон, дилҳоҳ маддоҳ, суллоҳларни фош қилгувчи қудрати.

Турли мавзуларнинг берилган шарт-шароит, муаллифнинг ғояси, муддаоси, асосий фикр фалсафа туйғулари ижрочи томонидан аниқ ва чуқур англаниши, таҳлил мулоҳазалар, изланишлар доимий эътибор кунт талаб жараён.

Ҳар бир адабий матн ўзига ҳос аниқликда изчил ёндашишни ва монанд воқеалар берилган шароитлар, қиёслашлар тафсилотларнинг мантиқий изчил ва фаол ифодавий ечимини топишимиз керак:

Бу вазифалар ҳар бир талабанинг хотираси, ҳаётӣ кузатувлари, кечинмаларини эслаш, қайта уйғотиш ва жонли қизиқ ифодалаш йўллари ахтарилади. Ҳар бир инсонга хос ҳолатлар, тафсилотлар кечинмалар, воқеаликни чуқур ҳис қила олиши, аниқ фаол муносабати ва буларнинг ифодаси таъсирчанлиги устида ишлашди.

Талабалар таклиф қилинган мавзу йўналишида тасаввур ранг-баранглиги ва унинг сўзидаги ёрқин қизиқарли жонли ифодаси эркин, жонли ҳикоя қилинади. Ҳикоялаш машқи ижрочи ва тингловчилар учун ҳаяжонли, мароқли ишонарли тарзда ифодаланади.

Сўз танлаш ва жумлаларнинг қурилиши бетакрор, гўзал тасаввур уйғота оладиган ҳамда ички ҳаракат ҳоҳиш иродасини акс этдирадиган бўлиши керак. Жонли сўз санъати сирларини ўрганиш ва ўзлаштириш ва сўз устасига айланиш инсоннинг асл кўрки, зийнати, обрў-эътибори, жамият ва ижтимоий фаолиятининг рамзи бўлиб қолаверади. Шу фикрларимизнинг амалий ифодаси учун яна айрим машғулот ва тафсилотларимиз устида тўхталмоқчимиз.

1. Соғинч ҳар бир инсонга хос энг яқин, аниқ мақсад, ҳоҳиш, интилиш, орзуни ёрқин ва кучли ифодаладиган кечинма туйғу. Соғинч яқинлари ота-она, ака-сингил, дўст, қувноқ танишлар, туғилган манзил, яхши илиқ таъсурот қолдирган манзаралар, турли мароқли машғулотлар, ўйинлар сайру-саёҳатлар томошалар, санъат асарлар, қизиқ одамлар таланти актёрлар, ором олиш ёки турли ширинликлар, лаззатли таомлар ва ҳоказоларга нисбатан бўлади ва турли одамларда турлича кечади. Талабаларнинг ҳар биридан шу топда нимани тез-тез эслаяпти, қумсаяпти, соғиняпти, эслашни, соғиниш даражасида соғинаётган нарсасини мақташи, интилиши билан гапириб бериши керак бўлади.

Масалан:

Ижрочи талабанинг «Соғинч туйғулари» жараёни изчил таъсирли ва жонли сўз орқали ифодаланиши учун:

1. Соғинган сиймо, мазара, манзил, машғулот, таом, гул, дарахтнинг ва ҳоказо бетакрор, ёрқин, ижрочи ва тингловчида ўткир тасаввур уйғотиш маҳорати. Ҳаёлан ички нигоҳ орқали кўриш ва кўрсата олиш қудрати.
2. Тасвирланаётган тасвир манъбасига кучли эътибор, меҳр, ҳавас уйғотиш маҳорати.
3. Соғинган ва эслаётган манъба кўришда ўзида ва тингловчиларида интилиш, иштиёқ уйғота олиш қирраларини шакллантириш.
4. Соғингани, кўришга бўлган ҳоҳиш ва ҳатти-ҳаракатлари ҳамда бунга имкон бермаган қаршилик, тўсиқ, зиддиятлар, интилиш.

5. Орзу интилиш, мақсадга эришиш сурури, кечинмаси.

Машғулот мобайнида ёш талабаларда руҳан уйғониш, тасаввур жонлилиги, матикий аниқлик ва табиий жонли ифода хусусиятлари кузатилди. Ҳар бир ижрочи ижодкор аввало ўзи учун аниқ, ўзи учун белгили, кўрган кечирган, бошидан ўтказган таъассуротлар ҳақида табиий эркин ва тасирли гапириш маҳоратини намоён қилиши, талабада чуқурроқ из қолдириши табиий. Ҳикояланган айрим «соғинч лаҳзалари» талабаларда чуқур эмоционал муносабат уйғота олди.

... Мана, киндик қонимиз тўкилган ота манзилимиздан йироқда таҳсил кўра бошлаганимизга ҳам озмас кўпмас 4 ойдан ошибди. Шунинг учунми, болалигим ўтган олис қишлоғим, дала-ю қирлар, шинамгина ҳовлимиз, ўз кўлим билан экиб парваришлаб ўстирган узум, ўрик, нок, хурмо, жийда, ёнғоқлар, тик қомат бўлиб ўсаётган адл 48 та теракларимни тез-тез эслайман. Кеча дарсдан кейин хонамга чиқсам чойнакда иссиққина чой дамланган-у, хонадошим йўқ. Кўшни хоналарга чиққандир деб ўйладим. Чойнакни кўрдим-у онажоним яна эсимга тушди. Мактабдан очиқиб-ховлиқиб келганимда доим шу чойнакда дамланиб қалпоқ ғилофи кийдирилган қайноқ чой, ликопчада магиз, туршак, дастурҳонда эса меҳрибон волидаи мўътабарим ўз қўлларида ёпган нонлари мени интизор кутиб тургандай бўларди. Ҳаёлимда онам бу сафар ҳам чойни дамлаб ўз ишлари билан машғул бўлиб бргандай эди. Бир зум ўйланим қолдим-у бутун борлиғим вужудим билан онам, дадам, бувим, укаларимни соғинганимни ҳис этдим. Дилимда илинж, соғинч, маюслик ўрнашиб олгану, тобора авж олиб қизиб бораётгандай эди.

Тезроқ рейтингларни топширсан-у татилга чиқсак қушдай учиб кетгим келарди. Эслаганим сари онажонимнинг парвона бўлишлари, меҳрибонлиги, шўхлик ўйинқароқлик, ўжарлик қилган пайтларимда куюнчаклик ва меҳр билан тушинтиришлари, пешонамни бағрига босиб елкаларим, орқамдан силаб қўйишлари эсимга тушарди. Ҳар бир она бетакрор улуғвор ҳимматга эга, лекин ҳар бир фарзанд менинг онам ҳамма оналардан доно ва гўзал дейишга ҳақли. Чунки фарзанд ўз онасига фарзандлик кўзи, қалби, меҳри билан қарайди. Мени ҳам шундай фарзандлардан бириманку! Соғинчим тобора заптига олиб мени тинимсиз тезроқ уйга кетишга ундаётгандай эди. Ниҳоят президент таътили бошланиб орзиқиб кутилган кун келди. Кечаси билан ухлаёлмай чиқдим ҳисоб. Эрта тонгдан чой ичишга сабр етмай йўлга отландим. Уйга кетишга деб жамғарган пулим вилоят марказига етиб олишга етарди ҳолос. Марказдан қишлоғимизга етиб олиш учун ҳам автобусда эллик дақиқалик йўл. Ҳудога таваккал қилдим-у тижоратчилар ташийдиган икаруслардан биронтасига илиниш илинжида иподромга бордим. Йўлкира нархи роппа-росса 200 сўмга семирибди. Талабалигимни рўкач қилиб қайта-

қайта илтимосимдан кейин ҳайдовчи ўринсиз олиб кетишга рози бўлди. Ўзимни дунёдаги энг омадли инсондай ҳис этиб «тик» турганимча деразадан бепаёон она юртимнинг тароватли манзараларини мириқиб томоша қилиб кетяпман-у, бот-бот уйга етиб боришим-у қандай кириб боришим, онам адам, бувим укаларим билан кўришишимни эслаб энтиқиб кетаман. Ҳаёлат ва бетакрор манзаралар томошаси билан анчагина йўлни босиб кўйибмиз, уддабурон ҳайдовчи биздек талаба йўловчилар ғамида тахтачалар тайёрлаб кўйган экан. 2 ўриндиқ орсига кўйиб, кечаги уйқусизликда ўтган тун уйқуси кучийган билан мизғиб қолибман. Ниҳоят эрта тонгда вилоят марказига кириб бордик. Таниш ва қадирдон манзиллар. Қишлоққача бўлган масофани пиёда забт этиш мақсадида йўлга тушдим. Ҳадемай куёш кўтарилиб қиздира бошлади. Қорин оч, йўлда учраган жойда сув ичиб кетяпман. Ниҳоят она қишлоғимизнинг энтиктирувчи илиқ мазараси, адл дов дарахтлари, уйлари, кўзга ташланди-ю кучимга-куч кўшилгандай бўлди. Қишлоғимизга кираверишдаги қир далада итлар галасига кўзим тушди. Негадир чўчигандай бўлдим. Қизик? Қаердан пайдо бўлди экан. Қадимим бир тезлашиб, бир юришга иккиланардим. Ҳайирят эътибор беришмади. Мана мени беҳад соғинтирган уйимиз. Тақиллатмасдан дарвозани сурдим, очилди. Ҳовлимиздаги тандир олдида онажоним нон ёпардилар. Негадир кўнглим бўшашиб томоғимдан орзиқиш, соғинч ёшлари ўтгандай бўлди.

- «Ойижон, мен келдим»- демоқчи бўламан-у, овозим етмаётгандай бўлади. Оналар эса – «Вой, вой, болагинам келдингми» - дейдилар-у нон узаётганлариниям, кўлида иссиқ нон олганларини унутдилар чоғи, саватгаям солмай нони билан мени кучоғига олдилар. Оҳ, бу лаҳзаларнинг таърифига тил ожиз.

Бир зумда чувиллашиб укаларим, дадам, ҳатто калишларини ҳам оёқларига илмай судралиб бувимлар ҳам чиқиб келдилар.

Анчагина меҳримиз қониб-қонмай сўрашганимиздан кейин: «Ойи корним оч, ейишга нимангиз бор?» деб сўрадим.

- «Уйда косада қаймоқ турибди, мана бу иссиқ нон билан еб тургин. Ҳозирок қозон осамиз».-дедилар. Кўз ўнгимда тандирдан узилган иссиқ юмшоқ нон ва қаймоқ лаззати мени соғинч, она меҳри, ҳаёт мўъжизаси билан яқиндан огоҳ қилаётгандай эди...

Сўз санъати ижро маҳоратида бундай кечинмали эркин таассуротлар тизими ва ифода йўналиши жонли мулоқот, таъсирли ифода, равон, эркин ҳикоялаш маҳоратини мустаҳкамлаш билан бирга талабаларда инсоний ҳислатлар она юртга, ўзининг қондош жондош ҳалқига, Ватанига, ҳаётга меҳру-мурувват, садоқат, эътиқод муносабатларини мустаҳкамлайди. Бундай машғулотлар талабаларда миллий истиқлол ғояларини чуқурак ҳис этиши ва

Ўзининг ижро маҳоратида тадбиқ қилишига замин бўлади. Бор меҳри ардоғи билан ўз соғинчини баён қилаётган талаба ўз тингловчиларига ҳам меҳри дардини юктиради ва ўзида ҳам шу туйғуларни ривожлантиради. Муаллиф матни билан ишлаш жараёнида муаллиф ғоялари ўзига сингдириши табиийроқ кечади. Гуруҳдаги бошқа талабалар ҳам ҳикоядан эмоционал тасирланиб диққат ва ҳавас билан тинглаб ўзлари ҳам муносиб тарзда ўз соғинчларини изхор қилишга уринадилар.

Талабалар тасаввурларини бойлиги, изланувчанлиги, топқирлиги шаклланиб мустаҳкамланиб бориши ва бунинг ижро маҳоратида ҳаётий, ўткир тарзда ифодаланиши мураббий ўқитувчи ва талабанинг доимий эътиборидаги одат тусига кириши керак. Юқоридаги машқ ва машғулотлар чуқур ўзлаштирилиб талабалар эркин, жонли, қизиқарли, мантиқий пишиқ таъсирли сўз маҳорати лаёқатини намоён қила бошлаганларидан сўнг берилган шарт-шароит, воқеага ижрочининг агарда мен табиатимга зид ҳулқ атворли, мақсад ва ҳатти-ҳаракатли одам ўрнида бўлиб қолсам шу берилган шарт-шароит ва воқеани қандай:

- 1.Тасаввур қилган.
- 2.Қандай мақсад қўйган.
- 3.Қандай баҳолаган.
- 4.Қандай ҳаракат қилган.
- 5.Қандай ривожлантирган.
- 6.Қандай яқунлаган бўлардим?

Саволларини ўз-ўзига қўйиб ҳаёлий режасини ҳатти-ҳаракат тарзини ўзлаштиради.

Масалан: Мен, мен эмас ҳат ташувчи Саттор тажанг бўламан. «Тажанг» лақабини менга мактабда ўқиб юрганимда-ёқ синфдошларим «ямаб» қўйишган. Тажанг ҳам эҳтимол бувамлардан юққандир, жудаям серзарда ўтган эдилар. Ғашларига тегадиган майда, арзимаган сабабларгаям «гуриллаб, повиллаб, ёниб, тутаб» кетардилар. Ҳатто иштаҳам бўғилиб қолсаям бувамларнинг тутоқиб кетишларидан чўчиб турардим. Мактабга борганимда саводим чиқиши билан бирга тажанглигимнинг ҳам саводи ошиб борарди, чоғимда. Болаларнинг ҳижжалаб китоб ўқиши, хунук ёзуви, жавобининг суслиги, ҳатто ўқитувчининг қўйган баҳосигача диққатимни тортиб қилдан-қийиқ ахтарардим. Болалар мени «биғиллатиб» қўйиб томошо қилиш учун ҳам тез-тез жаҳлимга «мой» қуйишарди. Ҳатто бир куни тўп тепиб мактабимиз фарроши Ҳолида ҳоланинг деразаси ойнасини синдириб қўйган ўзимдан уч ёш катта Бектош билан роса жикқа мушт бўлиб «бурним қонаган». Мактабни битиргач «тажанг» ликдан-ми ё омадсизликданми тузукроқ ўқишгаям киролмадим. Вақтим бекор ўтмасин деб почтага «Шошилинонома» ташувчи

бўлиб ишга жойлашдим. Кўпинча қавватли уйларга хат-хабар, шошилинонома ташийман. Қавватли уйларда яшовчи рус, нўғай нафақахўр бувилар кўпинча овози ёқимсиз ит асрашади. Тажанглигимни билишадими пайдо бўлишим билан итлар «хўри» бошланади. Бир куни почтадан хат шошилинономаларни олиб йўл-йўлакай «супер маркет»дан ярим кило сарделка олиб кўрсатилган манзилга йўл олдим. Ҳовлида 3-4 та нафақахўр бувилар итларини шамоллатгани олиб чиққан экан ўзлари гаплашиб ўтиришарди. Итваччалар мени кўриши билан ўзини ботирликларини кўрсатишга тушишиб ёқимсиз хура бошладилар. Жаҳлим чиқиб шошилганда қўлимдаги ҳалтадаги сарделка билан даф қилмоқчи бўлиб ҳалтани улоқтирибман, илиб олишди-ю ихоталар орқасига ура қолиб ғойиб бўлишди. Шу пайт итваччаларнинг эгалари мени айблаб танбех бера кетдилар. Аввалига ёшларини ҳисобини қилиб ўзимни босишга тиришдим қарасам бири олиб бири қўйиб авжига чиқиб мени тарбиялашяпти.

Олиб қочилган «сарделка»нинг аччиғини кимга сочишни билмай тургандим ғазабимни жамлаб турли товушларга жойладимда: “Ҳқғч-прсфтм зклнмнпрр-ждгваччичи-зхқчптрм-фсчқх ҳомоно-муни-минаморомм-чпжу ву жу жу жу, жуфисси-питурупп-жуқамучуқурр сапи-сипи-зупассчч”. Машқни бажариш талабадан жуда катта диққат, тасаввур, фикр, ички ҳаракат, ишонч ва фаол муносабатини тўла сафарбар қила олиш лаёқатини талаб қилади. Бувилар бу «тушинмас» тилдаги серзарда жавобимдан попуглари пасайиб қолишди. Қолган шошилинонома узоқроқда бўлиб автобусда бориш керак эди. Автобусга чиқиб тўртта бекат юришим билан кондуктор белитимни суриштирди. Шу пайт бошим ловиллаб кетгандай бўлди. Почта томонидан берилган «ойлик чипта» сарделкадан қолган «қайтим» ҳам талончи итваччалар олиб қочган ҳалтада эди...

Талабаларнинг ижодий тасаввурига биноан воқеанинг мантикий давоми яна ривожлантирилиши, давом этдирилиши мумкин. Бу машқ талабани қалтис вазиятда унинг ички ҳатти-ҳаракати, фикри ва сўзнинг ҳаётийлиги, ўткирлиги таъсир қудратини ўстириш учун жуда фаол фикрлаш, ишонч, муносабатни талаб қилиб ҳиссий жўшқинликда вазият ва жараёни аниқ бетафсил ҳикоялаш вазифаси қўйилади. Тасаввур-тасаввурини, сўз-сўзни, воқеа-воқеани, фикр-фикрни, муносабат-муносабатни, мақсад-мақсадни уйғота олиши лозим. Воқеликни тинглаётган талабалар ҳам диққат билан эшитаётган воқеаси ичида ўзини иштирокчи сифатида тасаввурлай олиши ва навбати келганида муқобил ёки ўхшаш лавҳа тузиш ва ҳикоялаш вазифаси берилади. Иш жараёнида талабалар берилиб, ишониб, қизиқиб ишладилар ва таъсирли, ишонарли, ғаройиб тафсилотлар туркуми тузилди. Фикр, тасаввур ички ҳаракат мантиқи асосига қурилган бундай машқларда ҳатто битта воқеанинг

айнан ўзини 8-10-12 та талаба такрорлаганларида ҳам талабалар катта диққат ва фаолликда тингладилар, гуруҳдошларининг айнан шу воқеани ўзини берилиб бутун вужуди, ақли, қалби билан ёрита олаётганидан завқланиб ижобий эътирофларини билдирдилар. Дарсларнинг ижодий, тўлақонли, фаолликда ўтиши катта аҳамиятга эга. Актёрлик мактаби дарсларида ижодий жараёнларига эътибор кўпроқ қаратилганлиги учун талабаларда «кўникма» ҳосил бўлиб қолиши табиий. Бундай шароитда зўр бериб уларни фикрсиз, аниқ мақсадсиз, аниқ ижодий тасаввурсиз турли вазият ва шарт-шароитларсиз «қуруқ» техник машқлар мажмуалари билан банд қилиниши, сиқикликка, сунъийликка, юзакиликка, лоқайдликка олиб келиши мумкин. Талабаларнинг «топилган ижодий машқлар»нинг қадрига ета олиши, уни мустаҳкамлай олиш иродаси, интилиши ижодий изланувчанлик билан бойитиши, ранг-баранг ижодий ижро даражасига етказиши унинг ижро санъатини такомиллашишига бетакрор ва бой бўлишига асос бўлади. Қаҳрамонимиз «тажангполвон» асаблари бузилиб автобусдан туширилганидан кейин шошилишч номаларни тарқатиб, ҳориб-чарчаб, чанқаб пиёда уйига келса аксига олиб уйнинг калити ҳам олиб қочилган ҳалтадан экан. Уйда ҳеч ким йўқ, уйдагилар вилоятга, қариндошиникига тўйга кетишган. Қорин таталаб тинмай овқат сўраяпти. Уйга кираолмайди, тажанглиги ўзига маълум, шунинг учун қўшниларидан ўзини тортиброқ юради. Боши қотиб уйи олдидаги очик майдондаги ўриндикда оёғига дам бериб ўтирганда ўчакишгандай шаррос ёмғир қуйиб юбориб роса шалаббо қилди. Сувга тушган мушукдай дийдираб ўтириб тонг оттирди. Эрталаб уйи олдида одамлар тўпланишяпти. Ош бор шекилли, оч қоринда умид, илинж пайдо бўлиб, сергакланди, лекин таклиф қилинмаган. Умидвор бўлиб, одамлар олдида бориб салом берди. Олдинига унга хушрўй бермадилар, кейин нега жикқа ҳўл бўлиб юрибди, сувга тушиб кетганми қизиқа бошладилар. Воқеани эшитиб юр ошга биз билан бориб келасан деб таклиф қилдилар. «Ош» сўзини эшитиб тажангвойимизни оғзига сув тўлгандай бўлди-ю, тезроқ бориши, оч қоринга малҳам бериш учун учкиси келарди. Ош берилаётган уйга етиб келдилар. Одамлар навбат кутиб тик туришарди. Тажангвой қўл узатса етадиган стол устидан бир бурда нонми, сомсами, варақами шарт олиб оғзига тикқиси келарди-ю, орияти, тажанглиги устун келиб қўл узатишдан ўзини босди. Ниҳоят столга ўтириш навбати келди-ю, тажангимизга яна жой етмади... Ниҳоят янги келган гуруҳга қўшилиб ўтирди. Чой қўйиб атрофидагиларигаям узатиб ўзи ҳам қайноқ чойдан титраганича ҳўплади. Бутун танасига жон киргандай бўлди. Яна ичди, бир бурда нон олиб, оғзига солди. Нон оғзида эриб кетгандай бўлди. Нон ҳам шунчалик ширин бўладими. Ниҳоят, лаганларда ош ҳам етиб келди. Ёғлари кил-киллаб турган тўй оши, ўзбекнинг ўзбеклиги, тантилиги, жиндай

«манмаилиги» бир жиҳатдан «ҳотамтойлиги» рамзи. Ош вужудига ош бўлиб эмас, «малҳам», «дармон», «қувват» бўлиб кирарди.

Бунақа ширин ошни анчадан бери емовди шекилли... Оҳ тўй оши!!!

Тасвирий санъат мактабида ёш мусаввирлар «инсон анатомияси»ни чуқур билиши уни ички мушак пайларигача жуда аниқликда ҳис эта олишлари ҳамда уни полотнога оддий қалам, ёки рангларда ҳаётий аниқликда акс эттира олишлари учун йиллар давомида машғул бўладилар. Актёрлик санъатида ҳам образларнинг ички дунёсини, сезгиси, фикр тасаввур, мақсад хоҳиш иродасини мақамал аниқликда ҳис қила олишлари учун ва буни яна таъсирли, жонли, сеҳрли сўз орқали «жонлантириш» учун ижрочи изланишлар уйғунлигини ўзида кўра билиши ҳис эта олиши катта ҳамият касб этади.

Ижодий жараёнларда ижодкор эркин, ранг-баранг, гўзал, лаззатли сўз сеҳри ва қудратини забт эта олиши учун бунга эришишнинг мураккаб ва машаққатли шакллари катта ирода, хоҳиш ва меҳр билан ўзлаштиришга етарлича вақт, куч, асаб топа билиши керак.

Республикамизда мавжуд театрларимизнинг тили, нутқ техникаси, сўзнинг баркамоллиги, ютуқ ва камчиликлари ҳақида мулоҳаза, мунозара, эътироз ва эътирофлар саҳналаштирилган асарнинг мавзуларидан бири бўлиб келмоқда. Аммо спектаклда ёки телеэкранда нутқ санъатининг тўлақонлиги масъуллиги режиссёр ва актёрда бўлиб қолиши керак. Бу анъанани ўз вақтида ўзбек театр санъатининг ассосчиларидан бири Маннон Уйғур катта салоҳият билан бошлаб берган эди. Қачонлардир 2 соатгана нутқ техникасидан таълим берган нутқ ўқитувчисига «Спектаклдай мураккаб ижодий жараённинг» «сўз жаъми ижодий жараёнларнинг тожи» масъуллигини зиммасига олиш имкониятига эга эмас.

Республикамиздаги ижодий фаолияти сўз санъати билан боғлиқ актёрлар, суҳандонлар, нотиклар, сўз усталари нутқ техникаси ва сўз санъати устида мунтазам катта куч, ирода, хоҳиш ва меҳр билан ишламас экан нутқ маданияти, сўз санъати талаблар даражасидаги жозибали таъсирли баркамоллик меёрларда жаранглаши қийин кечади.

Нутқ техникаси мажмуаларини ўзлаштириш мукаммаллаштириш машқларини доимий такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Демак ёш ижодкорлар учун ўз майли хоҳиши, қизиқиши, интилиши эҳтиёжи табиий даражада доимо уйғоқ бўлиши нутқ маҳорати мувоффақиятларининг калитларидан биридир. Биз бу қўлланмамизда ҳаёт бахш жонли сўз санъатининг илк имлоларини жамлашга интилдик. Сўз санъати устида ишлаш ижодий бойитилган шакилларда давом этади. Бу эса навбатдаги қўлланманинг мавзусидир.

V. КЎЧМА ДАРС МАШҒУЛОТИ

V. КЎЧМА ДАРС МАШҒУЛОТИ НУТҚНИ ТАКОМИЛЛАШТИРУВЧИ ТЕХНИК МАШҚЛАР

Соф адабий талаффуз тўлақонлилигида унли товушларнинг аҳамияти, ўрни, вазифаси катта. Ўзбек тилшунослигида оила, боғча, мактаб доирасида унли товушларнинг софлиги унинг адабий андозасини ўзлаштирилиши кунт билим ва эътибор талаб қилади. Оила, боғча ва мактабда ҳорижий тилларни ўрганиш жараёнида товушларнинг ҳосил бўлиш ўрин ва талаффуз меъёрига атрофлича аҳамият қаратилгани ҳолда она тилимизда унли, ундош, сирғалувчи, портловчи ва бошқа товушларнинг талаффуз тозаллиги талаблар даражасида эътиборли эмас. Бу айниқса санъат ва маданият ўқув юртлирининг ижодий имтоҳонлар рейтинг назоратларида талабалар талаффузида кузатилади. Бутун Республика вилоятларидан келган ўқитувчилар талаффузида «ўз ҳолича»лик жузъий камчиликлар учрайди. 17-18 йил тили қотиб одат тусига кириб қолган нутқий нуқсон «бир зарба» билан йўқ қилиниши мумкин эмаслиги табиий. Оқибат нутқ техникаси ўқитувчиси сўз санъати ва унинг ижодий тамойиллари устида бош қотириши ўрнига, зўр бериб тузалиши қийин ва узок вақт, маҳсус шуғулланишни талаб қилалиган машғулотларга вақт сарфлайди, аммо бу доим ҳам кутилган самарани беравермайди.

Биз нутқ техникаси ҳақида қатор қўлланма ва дарсликларда тавсия этиган адабиётларда кўрсатилган машқларга қўшимча қуйидаги машқларни тавсия қиламиз.

1. Лабларни жипслаштирган ҳолда и,-э,-а,-о,-ў,-у,-и товушларни такрорлаш ва бу жараёнда гўё ҳаёлан оғзида тухум, ёнғоқ мағизи, ўрик данаги, магиз, туршак, қурт /чайнаш ва тановул қилиш/.

Бу машқ жараёнида нутқий аъзолар жағ, лабларнинг эркин, фаол, очиқ ҳаракатланишига аҳамият берилади.

2-машқ: Ритмли унлилар талаффузи машқи. «и-э-а-о-ў-у-и»дан иборат унлиларнинг ҳар бирига алоҳида ритмли оҳанглар топилади. Масалан, «и» товуши билан «Андижон полькаси», «э» товуши билан «Чўли ироқ», «о» товуши билан «Тановар» ва ҳаказо.

Бу машқ ёш ижодкорнинг унли товушни тўлароқ талаффузга кўникма ҳосил қилиши билан бирга нафасни чиниқтириш, меърий сарфлаш, овоз жарангини уйғотиш вазифаларига ҳам кўникма ҳосил қилади. Машқни мураккаблаштириб ритмлар, доира услулари, сурнай, най, ғижжак, чанг наволари оҳангида давом этдириб такрорлаши мумкин. Машқ жараёнида талабалар эркин фаол изланиш, бир бирини тинглаш, ўрганиш, бир бирини бойитишга кўникма ҳосил қилиб борадилар. Албатта бу кўп вақт ва кунт,

хоҳиш талаб жараёндир. Талабалар фикран ўз ва мақсадли ўзларини, машқни тўғри, гўзал ва бетакрор ўзлаштиришга банд қила олишлари ва буни меҳр хоҳиш, қизиқиш билан амалга оширишининг аҳамияти катта. Машқ ўзбек сахна нутқи мактабида 1-бўлиб тадбиқ қилишини кўникма бўлмаган ҳолатларда дастлаб қутилмаган самарани бермаслиги мумкин, аммо изчил, жиддий ва тўғри машқ қилиниши кутган йўналишда ўз натижасини кўрсатади.

3-машқ:

«и-и»

«и-э»

«и-а»

«и-ў»

«и-у»

«и-и» талаффузи жавраёнида гуллар номи, кўриниши, ранг, ҳиди, гўзаллигини эслаш.

4-машқ: э-и а-и о-и ў-и у-и

э-э а-э о-э ў-э у-э

э-а а-а о-а ў-а у-а

э-о а-о о-о ў-о у-о

э-ў а-ў о-ў ў-ў у-ў

э-у а-у о-у ў-у у-у

э-и а-и о-и ў-и у-и талаффузи орқали мевали

дарахтлар бўйи, тузилиши, ранги, кўриниши, меваси мазасини эслаб талаффуз қилиш.

5-машқ: И-Э-А, Э-А-О, А-О-Ў, О-Ў-Ў, Ў-У-И товушлари талаффузи орқали қушлар номи, кўриниши, ранг, ҳусусиятини эслаш, шунингдек унли товушлар талаффузи жараёнида дарёлар, тоғлар, мамлакатлар, миллатлар, шаҳарлар, таомлар, инсон ҳулқидаги ижобий ёки салбий номланишларни эслаш ва талаффузда кўшиб айтилади. Кўриниб турибдики машқ мабайнида ёш ижодкор фикрлайди, изланади, сўз бойлигини, талаффуз иқтидорини ўстириб боради, аммо бу ҳам кўп вақт талаб қиладиган жараёндир. Машқнинг чала бажарилиши қутилган натижани бермайди

6-машқ: Унли товушли тез-айтишлар: И-и-и. Савол.

1-талаба: Иккита игнага ип ўтказиш осонми?

2-талаба: Ўн иккита игнага ип ўтказиш осонми?

3-талаба: Йигирма иккита игнага ип ўтказиш осонми?

4-талаба: Иккиюз йигирма иккита игнага ип ўтказиш осонми?

Жавоб;

5-талаба: Иккита игнага ип ўтказиш кимга осон, кимга қийин.

6-талаба: Ўн иккита игнага ип ўтказиш кимга қийин, кимга ундан-да қийин.

7-талаба: Йигирма иккита игнага ип ўтказиш кимга анча қийин, кимга жудаям қийин.

1-талаба: Икки юз йигирма иккита игнага ип ўтказиш кимга жудаям қийин, кимга янаям қийин, кимга ниҳоятда қийин, кимга умуман қийин.

Ниҳоясида ҳамма сўнги сўзни олдин гуруҳли ва битта-биттадан тушунтириб, таъкидлаб, аниқлаб такрорлайди.

1-талаба: И-и-и иккита ит, ўн иккита итни кўриб акилладимиз?
Ўн иккита ит икитта итни кўриб акилладимиз?

2-талаба: Албатта ўн иккита ит иккита итни кўриб акиллади. Албатта иккита ит ўн иккита итни кўриб акиллади.

Йигирма иккита ит иккита итни кўриб акиллади, ўн иккита ит, иккита итни кўриб акиллади.

Талабалар бу тасдиқни умумий ва биттадан такрорлайдилар.

Тез айтишларда бурролик, мулоқот, аниқ мақсад, фикр, ички ҳошиш, хатти-ҳаракат тушунтириш, жалб қилиш, ҳақиқий мунозара, баҳсга айланиши эътиборга олиниши лозим. Тез айтиш талаффуз бурролиги билан уйғунлашиши учун қатор талаффуз машқлари тавсия қилинади ва такрорланади.

- 1.Ипи-типи-тип-ипррқ-чптрр.
- 2.Ики-чики-рики-чпrrмптрм.
- 3.Иви-живи-видувв-живи-ду-вудами.
- 4.Ивли-живир-вижира бидиррр.
- 5.Ифиси-фитувв жикири-timiри-мижурр.
- 6.Мифиси-пичуш-пичируруқачи.
- 7.Ибидири-бидрум, видиру-видирими.
- 8.Игдгжи-жгдгжи-жкркчи жнгрнгжиро.
- 9.Ибилибидумм-будилибидум-бифибидубумм.
- 10.Рриба-рубаромм-руби-рибаромм.
- 11.Ингфчхирр-ҳидира-ҳижирр-ғирижурамо.
- 12.Бихҳ-били-бихирр-михҳ-мили-михҳирр.

Талаффуз машқи яна «и» товушли сўзларни талаффузи билан мустаҳкамланади:

1-талаба: Ипак қурти ипаги ингичками? Ўргимчакнинг ипи ингичками?
ёки пахта ипи ингичками?

2-талаба: Ипак пахта ипи жуда ингичка. Ипак қурти ипи унданам ингичка. Ўргимчак ипи янаям ингичка.

3-талаба: Ўргимчак ипи ингичка ва афзал. Ипак қурти ипи ингичка ва афзал янаям муфассал. Ипак пахта ипи ингичка ва афзал янаям муфассал ҳамда пишиқ ва мукаммал.

Ва бошқалар ҳам такрорлайдилар.

1-талаба: Чилон жийда остида иккита илон қорни очиб, кучи қочиб ётибдими? Қорни очиб кучи қочиб ётган иккита илон чилон жийда остидан судралиб, ўрмалаб қочибдими?

2-талаба: Чилон жийда остида қорни очиб кучи қочиб ётган иккита илон ўрмалаб-ўрмалаб қочибдими ё чилон жийда остида ин қурган сичқонни чақирибдими?

3-талаба: Чилон жийда остида қорни очиб, кучи қочиб ётган иккита илон ўрмалаб-ўрмалаб қочибдими ё чилон жийда остида ин қурган сичқонни чақирибдими ё чилон жийдага ин қурган қизил иштонга қараб оғзини очибдими?

4-талаба: Чилон жийда остида қорни очиб, кучи қочиб ётган иккита илон ўрмалаб-ўрмалаб қочай деса, чилон жийда остида ин қурган иккита сичқонни кўриб, чакмоқчи бўлиб пусиб ётибди, буни сезган сичқонлар чий-чий қилиб чилон жийдага ин қурган қизилиштонларни уйғотибди. Қизилиштонлар-чилонжийдани дўмбира қилиб шовқин-сурон сочибди. Бундан чўчиган иккита илон, чилон жийда остидан судралиб-судралиб қочибди.

Тез айтишнинг яқунловчи қисми ҳамма талабалар томонидан турли тезликда такрорланади. Тез айтишлар ижодий тўқима бўлиб, унга нутқни ўстириш, талаффузни равон, бурро, сўз таъсирчанлигини ривожлантирилиши ва бошқа бир қатор вазифалар қўйилади. Талабалар нутқини такомиллаштиришга қаратилиб тақдим қилинган айтилиши қийин жумлалар, талаффуз машқлари, тез айтишлар, сажлар, кичик воқеалар билан бир қаторда ёш ижодкорларни топқирлик, ҳозиржавоблик, кашфкорлик сўз усталиги ихтидорини ривожлантириш учун эркин мустақил фикр, ижодий изланишга йўлланма бериб, машқларни тўлдириш, ранг-баранглаштириш, ижодий матнлар яратиш вазифаси берилади. Шу ўринда амалий машғулотлар жараёнида яратилган мураккаблаштирилган бир қанча тез айтишларни танлаб нутқий равонлик, қувваи ҳофизани чиниқтириш, сўзга турли маъно, ҳатти-ҳаракат, мақсад қўя билиш ва унинг ижровий талқинини табиий ва техник жиҳатдан ўзлаштирилиши учун тавсия қилмоқчимиз:

Чувалчанг, чилтон, чипиристон.

Чуврақачи-чақариро, тарриқора-рақариро.

Тумпарақа қарақатром.

Ирапарақатраструри, торри-қарақатри тупара тру-риро.

Алфазра-жмфзластрупп-жажи-бажи-жо-жулфазлаброллорр, жажибой-дулуп тижорат минимаркетининг менеджери, Абу бундур Мусо Миртурдимурод Кулфазл Абдусамат Тоштемирчўянпўлат тилла тароғининг тишини санаб, хуштак чалиб, ҳаёлга толиб музқаймоқ ялаб турарди.

Кутилмаганда олатасир умпрукумпур турақа-тарақ турук тупра, фрамаструм бўлиб тўртта ё ширакайф, тасаввури тарқоқ, ё воҳмаю вос-вос, ё жиндай кўрқоқ, аммо тиниб-тинчимас ҳамда ўлгудай тиришқоқ ҳамтовоқларидан, биринчиси, Арбардр Абубакр Абдушукур Панжиёр Тожимурод Бўронбой Тўғонбек фазл мусахўжа Мадийршодмон Матёкуб шошқин.

Иккинчиси Ҳайдархўжа Қобилқул Абдуҳоликнурсултон Нортурдимурод тошқин.

Учинчиси Тошқамарқиёс Исфандиёр Ҳайриддин Насриддинхўжа Мамадиёр Нурилло тажанг.

Тўртинчиси Парпи Миртўра мамаюсуф Қайнарқандиёр Қиёсиддин башанг эдилар.

Бир зумда, шу онда кутилмаганда шув этиб, зув этиб, ғувв этиб олатасир умрукумпурр, турақа таров турук тупра фрамаструм бўлган тўртта ё ширакайф, ё тасаввури тарқоқ, ё воҳмаю вос-вос, ё жиндай кўрқоқ, ё жиндай тарқоқ, аммо ҳамиша уйғоқ, тиниб-тинчимас ҳамда ўлгудай тиришқоқ ҳамтовоқларидан тўртинчиси Парпи Мир Тўра Мамаюсуф, қайнар-қандиёр, Қиёсиддин башанг.

Биринчиси Арбадр Абубакр Абушукур Панжиёр Тожимурод Бўронбой Тўғонбек Фазлмусахўжа Мадийршодмон.

Учинчиси Тошқамарқиёс Ифандиёр Ҳайриддин Насриддинхўжа Мамадиёр Нурилло тажанг.

Иккинчиси Ҳайдархўжақобилқу Абдуҳолик Нурсултон Нортурдимурод тошқин баб-бараварига дедилар:

Ҳим... Дим Вдвднгг жиртим жавраважздрм хмждр фзлвдру псфсвтрпрж-фстрсс.

Чувалчанг чилтон чипиристон

Чуврақачи чақариро

Тумпарақа қарақатром

Чрапарақатраструри торриқорақатра тупара тру-риро

Алфадрэ жмфзластрупп

Жажи бажи жо жулфазлаброллорр

Жажибой дулуп тижорат мини маркетининг менеджери

Абубундур Мусо Миртурдимурод

Қулфазл Абдусамад Тоштемир Чўянпўлат Абубундур Мусо Мир
Турдимурод кулфазл Абдусамад Тоштемир чўян пўлат!

Ҳим тилла тароғингни тишини санаб, хуштак чалиб, ҳаёлга толиб,
музқаймоқ ялаб турибсанми?

Музқаймоқ ялаб, ҳаёлга толиб, хуштак чалиб тилла тароғининг тишини
санаб турган

Чувалчанг чилтон чипиристон

Чуврақачи чақариро

Торри қора рақариро

Тумпарақа қарақатрум

Чрапарақатраструри торри қарақатри тупара тру риро

Алфазра жмрзластрупп жажи бажи-жо жулфазлаброллар жажажибой
дудулуп тижорат мини маркетинг менеджери Абубундур Мусо Миртурди
Мурод Қулфазл Абдусамад Тоштемир Чўян пўлат:

«Ҳим ҳаёлга толиб, хуштак чалиб музқаймоқ ялаб, тилла тароғимни
тараб тишини санаб турсам турибман.

Чувалчанг чилтон чипиристон

Чуврақачи чақариро торри қора рақариро тумпарақа қарақатрум

Ирапарақатраструри торри қарақатри тупара тру риро

Алфазра жмфзластрупп жажи бажи жо, жулфазлаброллар жажибой
дулуп тижорат мини маркетини курсам қурибман. Бойисам бойиб, кўйсам
кўйиб, куйсам куйиб, чайсам чайиб, тойсам тойиб, шошганда шошиб,
тошганда тошиб, ошганда ошиб, жўшганда жўшиб, қўшганда қўшиб юрибман.
Яни бир саволинг борми, бер бўлмаса тошингни тер»-деди.

Тўғриси чувалчанг чилтон чипиристон

Чуврақачи чақариро торри қора рақариро, тумпарақа қарақатрум

Чрапара қатраструри торри қарақатри

Тумпарақа қарақатрум тупара тру-риро

Алфазра жмфзластрупп жажи бажи жо, жулфазлаброллар жажибой
дулуп тижорат мини маркетинг менеджери Абубундур, Мусо,
Миртурдимурод, Қулфазл, Абдусамад, Тоштемир чўян пўлат Мирзонинг
қошлари чимирилиб, буринлари жийирилиб, кўзлари чакчайиб, мўйловлари
тиккайиб, лаблари иш-шайиб, пешонаси тиришиб томоғи қурушиб, бурни учи
жиндай терлаган эди.

Шу пайт Арбадр Абубакр Абдушукур Панжиёр Тожимурод Бўронбой
Тўғонбек Фазл Мусахўжа Мадииршодмон Матёқув шошқин билан
Ҳайдархўжа Қобилқул Абдуҳелиқ Нурсултон Нортурдимурод Тошқин
Тошқамарқиес Исфандиёр Ҳайриддин Насриддинхўжа Мамадиёр Нурилло
тажанг билан Парпи Мир Тўра Мамаюсуф Қайнарқандиёр Қиёсиддин

Башангнинг оғзи очилиб, ҳаёли сочилиб бир лаҳза бир зум нафас, ютиб дмм, жим, ҳмни, нм, нми, нм-нм-нмдрмм ҳангу манг ҳамда жиндай тажанг кўзлари бўзрайиб, боққанда, мўлтайиб ҳатто бир мунча шалпайиб, яначи ялпайиб, хайронликда тумшайиб қолдилар.

Шунда Тошқамарқийс Исфандиёр Ҳайриддин Насриддинхўжа Мамадиёр Нурилло тажанг дарҳол-алҳол аҳволни анг лаб, фикрини жамлаб лабларини намлаб, келган йўлимиз кетган вақтимиз бўлмасин деб увол, беозорлигимиз эмаску завол, бир сўз десам келмаса керак малол,- деб деди:

Э биродар, фаҳм-фаросат бобида эмасмиз ахир бесамар.

Қадринг коврилмагур, сабринг соврилмагур Абубундур Мусо Миртуримурод Қулфазл Абдусамад Тоштемир чўян пўлат. Бой бўлсанг бўлибсанда, той бўлсанг бўлибсанда мой бўлсанг бўлибсанда, сой бўлсанг бўлибсанда, нор бўлсанг бўлибсанда, тор бўлсанг бўлибсанда, аммо эшит, кўча чангитиб ўсишгандик, бир-биримизни гангитиб ўсишгандик, сўзимиз эшит, не-не сувларни кечиб ўсишгандик сўзимиз эшит. Биз олдинга қарз сўраб келмадик, апоқ-чапоқлигимизни дарз этишга келмадик, жиндай-жимиртдай маслаҳатимизни фарз дейишга келдик.

Сен бола фақр Абубундур Мусо Миртурдимурод Қулфазл Абдусамад Тоштемир Чўян пўлат ҳадингдан ошма, гапимга гап кўшма, мутлоқо шошма, бурнинг кўтарилмасин, қошинг чимирилмасин, пешонанг тиришмасин, кўзинг олаймасин, юзларинг қораймасин, кўкрмасин, сарғаймасин, лабинг пирпирамай бўлар-бўлмасни жиркирамай жим тур-деди.

«Э-э-э... гапирсанг-гапир, яна юз бир гапдонларингни чақир, нарҳингни ошир, тўғри сўзласанг ҳар сўзингга ўн бир патир, ё мақсадга ўт, ё види-види қилиб қоронғу кеч, эрта тонггача бошимни қотирсанг-қотир»-деди.

Абубундур Мусо Миртурдимурод Қулфазл Абдусамад Тоштемир чўян пўлат!

-«Ҳа-ана энди хўш эшит»-деди. – Арбадр Абубакр Абдушукур Панжиёр Тожимурод Бўронбой Тўғонбек Фазлмусахўжа Мадиёршодмон Матёкув шошқин. Айтчи Чувалчанг чилтон чипиристон, чуврақачи чақариро торри қора рақариро, тумпарақа қарақатром, ирапарақатрастури торри қорақатри тупара тру-риро. Алфазра жмфзластрупп жажи бажи жо, жулфазлаброллар жажибой дулуп тижорат мини маркетинг менеджери Абубундур, Мусо, Миртурдимурод, Қулфазл, Абдусамад, Тоштемир чўян пўлат Чирчиқда, Чимкентда, Чиллида, Чикагода, Тошкентда, Токиода, Таллинда, Тайвандда, Бухорода, Бухарестда, Берлинда, Бомбейда, Балхда, Самарқандда, Сайрамда, Сантягода, Самарада, Стокгольмда, Сеулда, Наманганда, Нью-Йоркда, Навоийда, Нишопурда, Парижда, Пекинда, Пхенянда, Қозонда ва Қўқонда, энг аччиқ нарса нима?

-Пхенянда, Пекинда, Пхенянда, Парижда, Нишопурда, Навоийда, Нью-Йоркда, Наманганда, Сеулда, Стокгольмда, Самарада, Сайтягода, Сайрамда, Самарқандда, Балхда, Бомбейда, Берлинда, Бухарестда, Бухорода, Тайвандда, Таллинда, Токиода, Тошкентда, Чикагода, Чиллида, Чимкентда, Чирчикда, Қозонда ва Қўқонда энг аччиқ, аччиқдан аччи. Янаям аччиқ нарса, аччиқ қўқон қалампири,- деди.

-Хўш, хўш, хўш-деди Парпи Миртўра Мамаюсуф Қайнарқандиёр, Қиёсиддин Башанг. -Ўша Чиллида, Чимкентда, Чирчикда, Чикогода, Тошкентда, Токиода, Таллинда, Тайвандда, Бухорода, Балхда, Берлинда, Бухарестда, Бобейда, Самарқандда, Сайрамда, Сентягода, Самарада, Сеулда, Наманганда, Нью-Йоркда, Навоийда, Нишопурда, Парижда, Пхенянда, Пекинда, Қозонда ва Қўқонда, аччиқ энг аччиқ, аччиқдан аччиқ бир шода аччиқ қалампирни чайнаб-чайнаб, биз есак қандай шарт қўясан? – Ўзинг есанг қандай шарт қўясан?

Абубундур, Мусо, Миртурдимурод, Кулфазл, Абдусамад, Тоштемир чўян пўлат ўйлаб-ўйлаб, яна ва яна ўйлаб:

- Ўзингларчи, мен есам қандай шарт қўясиз, ўзингиз есангиз қандай шарт қўясиз?-деди.

Тез айтиш мантиқан воқеалар, шартлар билан тўлдирилиб яна давом этказилиши, талабаларнинг ижодий имкониятларига кўра давом этдирилади. Ва шарт қўйишда ҳар бир талабанинг эркин хоҳиши, иродаси, орзуси, интилиши англантилиши керак. Гарчанд машқ тил чархлаш, диққат хотирани мустаҳкамлаш, сўз орқали бир-бирларига таъсир ўтказиш, тасаввур уйғотишга қаратилган бўлсада тигида ҳар қандай олий мақсад, орзу, эзгу ниятларга эришиш замирида заҳмат, меҳнат, изланиш, интилиш ётганига эътибор қаратилади. Амалий машғулот жараёнида талабалар бир шода қалампир чайнаш «аччиғини», кимдир Ватан ва миллат тарақиёти учун, кимдир севган касбга энг юқори чўққиларга эришиш учун, кимдир ўзи ва ҳалқининг юксак-фаровон, тинч, осуда ҳаёти учун, кимдир севимли инсонларнинг бахти учун, яна кимдир эса ҳаётдаги турли иллатлар, ёмонлик, алдамчилик, хиёнатнинг бўлмаслиги учун ейишга розилиги иқрорини, рўйирост, эсда қоларди тарзда изхор қила олишлари лозим. Бундай тез айтишларнинг узундан узоқлиги, мураккаблиги мураббий ва талабани иккилантириши мумкин. Уни тўлалигича ёд олиш, турли тезликларда сўз ҳаракати маромида ижро қилиш катта қунт, зийраклик, куч, тиришқоқлик талаб қилади. Бундай шароитларда тез айтиш умумий гуруҳ тез айтиши таҳлилида тақсимланиши, 6-7 талабага бўлиб ишланиши ҳам, ҳар бир ёш мутахассис учун мажмуа бўла олади. Тез айтишлар билан ишлаш мавзу ва сўзлар ранг-баранглиги янада кенгайтирилиб бошланғич босқичдан, яқунловчи босқичларгача давом этдирилади. Ақл,

тасаввур, тил ва ижро маҳорати такрор талаб жараёнлиги маълум. Янги тез айтишлар ўз ўрнида ушбу рисоланинг кейинги ўринларида ҳам берилиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Нутқ маданияти ва маҳоратини мукаммал эгаллаш учун муҳим бўлган боғча, мактаб, гимназия, лицей, коллеж ва бошқа санъат маданият масканлари, ҳарбий билим юртлари, юридик коллежлар, университетлар, педагогика таълим масканлари, давлат қурилиши академияси, маънавий диний таълим даргоҳлари, сиёсат тарғибот мутахассисларини етиштирувчи соҳа йўналишларида сўз санъатига, нотиклик маданиятига етарли эътибор қаратиш зарур. Ўз ўрнида булар учун катта ҳаётий, маънавий, бадиий баркамоллик намуна минбори бўлиши лозим бўлган санъатнинг театр, кино, телевидения, радио ва бошқа томошо турларида сўз санъати ҳамиша ўзининг қудратли, таъсирчан, етук ва гўзал ифодаларини такомиллаштириб бориши ривожланаётган давлат қудратининг маънбаларидан биридир. Тилнинг ривожланишига етарли ва мукаммал миқёсда эътибор бўлмаган мамлакатда ижтимоий сиёсий, тарбиявий йўналишларда оқсоқликлар, узилишлар англашилмовчиликлар бўлиши у жамиятнинг соғлом ривожланишида таянч бўлолмаслиги мумкин. Япония ўз тарақиёти билан дунёни ҳайратларга солиб келаётган давлат. Бу давлатнинг қудрати, бойлиги, фаровонлиги, маданияти энг намунали, нуфузли давлатлар сарасида эътироф этиб келинмоқда. Оддий мушоҳада билан таҳлил қилинса ҳам бу тараққиётнинг асосий омилларидан бири илмга мактабдан бошлаб жуда катта эътибор ва талаб қўйилиши ва унга шарт-шароитнинг яратилишидан муқояса қилинса бўлса илм ва тил, сўз, нутқ ёнма-ён юради, бир-биридан қувват олади, бир-бирини тўлдиради, ривожлантирилиши учун бир-бирига, ёритувчи, ифодаловчи, ривожлантирувчи маънба ва восита бўлиб қолади. Сўз санъати билан ўзининг ижодий салоҳиятини намоён қилувчи ижодкор гоҳ муаллиф асарини фикр, қалб, мушоҳада олами билан уйғунлаштириб ўз тингловчи, томошо қилувчиларга таъсирли, бетакрор йўсинларда тақдим қилса, гоҳ маълум мавзу, мақсад, ғоя, шарт-шароитлар асосида ибратли воқеалар, ҳаётий лавҳалар, шарҳлар, тавсилотлар таҳлиллар, тарғибот, ташвиқот маънбаларини талқин этади. Демак саҳнавий сўзлаш санъатининг илк машғулотлариданок нутқ ўстириш машқлари билан ёш мутахассисни нутқий имкониятлари, мантиқий мушоҳадаси, мустақил, эркин, ранг-баранг фикри, қарашлари, борлиқ нарса ва ходисалар, воқеаларни фаол муносабат билан хис қила олиш ва уни жонли, мароқли, таъсирчан, бадиий етук мақомларда эркин ифодалаш қирраларини ўзлаштириб бориши катта аҳамият касб этади. Бу эса кўпинча аввало ёш ижодкорнинг кўрган-кечирганлари, яна ёрқин таъсуротлари эшитганлари, ўқиганларини қайта тасаввур қилиши, ҳаёлан тасаввур тасвирига тизиши ва

уни фаол, жонли, бетакрор ҳикоялаши билан бирга кичик ва ибратли тўқима воқеалар тузиш ва ҳикоялашга, оғзаки иншо яратишга эътибор қаратилади:

- Вазифа: 1. «Мен соғинган манзара»
 2. «Мен соғинган Инсон»
 3. «Мен соғинган машғулот»
 4. «Мен соғинган мева, таом»
 5. «Мен соғинган томошо»
 6. «Мен соғинган суҳбат»
 7. «Мен соғинган ўйин»
 8. «Мен соғинган саёҳат»

Ёш ижодкорлар қисқа муддатда ҳам муаллиф, бўлиб ҳаёлан ўзи соғинган манзарани қайта яратади, ўзи чиндан соғинган манзара ва жуда кўргиси келаётган табиат манзаралари, дарахтлар, майсазорлар, боғ, қир-адир, жарликлари, қоялар, тоғу шар-шаралар ёки гўзал шаҳар манзаралари, инсон баҳри дилини очувчи, инсон ақлу-заковат, меҳнати кашфкорлигини кўз-кўз қилувчи ҳиёбонлар ва ўзи ҳоҳлаган жудаям кўргиси келаётган манзарани катта хошиш ва қизиқиш билан мақташи, манзара чизиғиларини ҳамма тафсилотича таърифлаши вазифаси белгиланади. Ёш ижодкорлар бирин-кетин тасаввурдан ва ижодий изланадилар. Ҳаёлан саёҳат қилиб эшитувчиларини ҳам қизиқтириб ўзи соғинган манзарасини тасаввурда уйғотишга интиладилар. Тасаввурлаш ва ҳикоялашда ҳар бир талаба ўзидан олдинги ҳикояларни диққат билан эшитиши, эслаб қолиши, ўзи тузган жумлалари бошқаларга ўхшаб қолмаслиги учун интилиши вазифаси қўйилади.

Дастлаб боғловчи талаба фикрини тўплаш, эслаш, тасаввурлаш ва ҳикоялаш учун иккиланиши журъатсизлик қилса ўқитувчи йўлланма тарақасида тасаввур уйғонишига ёрдам беради.

Аниқ мақсадли мураккаблаштирилган машқлар билан ишланиш ораларида талабалар билан Ватан мадҳи, табиат олами, инсон табиати ва бошқа турли мавзулардаги шеърлар, донишмандлар ҳикматлари, тўртликлар, содалаштирилган узун жумлалар сўзлар, тез айтишлар билан ишланиб тўлдирилиши вақтдан унумлироқ ва самарали фойдаланишга ёрдам беради. Тавсия қилиниши учун айрим матнлардан намуналарни тавсия қилиниши, ёки ёш мутахассислар танлаган матнлар билан ишланиб машқлардан сўнг нутқдаги имкониятлар таҳлил қилинади:

В А Т А Н.

Ватан гулдир, Ватан шамолдир,
 Тушларимни тинглаган ирмоқ.

Ватан шеърдир, Ватан ҳаёлдир,
 Бойчиборлар сув ичган булоқ.
 Бир армонки кўксимга тўлиб
 Кўзларимда акс этган жола.
 Ўйни билан овора бўлиб
 Онасига тўймаган бола.
 Йўқ, аслида ватан-қуёшдир
 Истувчи ҳаммани бирдай.
 Тоғлар-тоғмас, зўр ёрилтошдир
 Мен жойида тиз чўкиб йиғлай...
 Бу ўлкада Алпомиш билан
 Барчинойнинг ўғли, қизи бор,
 Гул юзида титраркан шабнам
 Демак бахт бор, демак севги бор.
 Бўш кўнглимни шамол тўлдирар
 Мен туғилган уйнинг исига
 Илтифоти шунчалик бўлар
 Андижоннинг битта қизига!
 Бесаранжом кўнглимга малҳам
 Чўли ироқ нолаларидир,
 Атиргулнинг таканлари ҳам
 Шу ватаннинг болаларидир.
 Вужудимнинг бўлаги десам
 Мен шеър ёзган бир парча қоғоз.
 Сиз қизганманг жон қадар суйсам
 Ватан менга бобомдан мерос.
 У мезбондир дунёни кутган,
 Ўткинчидир тандаги жоним.
 Қучоғимни гулга тўлдирган
 Ватан-менинг Ўзбекистоним!

/З.Эгамбердиева./

Истдотли шоира Замира Эгамбердиева катта ижодий меҳр билан яратган «Ватан» шеъри ёш ижодкорларда ватан қадр қимматини тўлароқ ҳис қилиш уларда ўзи камол топаётган она замин, мўтабар ватанга асл инсоний ардоқ ва садоқат уйғотиш, миллий истиқлол ғояларини сингдириш учун ранг-баранг мавзулар, машғулотлар орасида ўзининг муносиб ижро намуналарининг ўзлаштирилишига маъна бўла олади, шунингдек буюк саодат мустақилликдан сўнг миллий истиқлол ғоялари ҳақида жонли, тсирчан, қудратли сўз санъатида ҳар бир талабани ижро маҳоратини

такомиллаштирувчи қатор сара бадий публицистик асарлар яратилди. Ўқитувчи ва талаба томонидан миллий истиқлол ғоялари сингдирилган, бадий етук асарлар танланишининг аҳамияти катта. Шу ўринда яна бир қанча матнларни кўрсатиб ўтмоқчимиз:

Ойу-юлдузлари бўлгани билан
 Ватан бўлолмайди осмон барибир.
 Кўнглингга бир умид солгани билан
 Малҳам бўлолмайди дoston барибир.
 Ҳокимдур ҳар ғиёҳ, ҳар битта гулга,
 Ҳукмини ўтказур эгалик қулга.
 Бахтиёр дилга-ю, мажруҳ кўнгулга
 Ҳакам бўлолмайди султон барибир
 Ой майли фалакда ягона бўлсин,
 Юлдузлар офтобга бегона бўлсин,
 Ошиқлар йўл топмай девона бўлсин
 Таскин бўлолмайди оқшом барибир.
 Яхшиликлар қилди тубсиз дарёга,
 Кўкси ошиён бўлди қанча ўқ-ёйга
 Борини берсада бир кам дунёга
 Устун бўлолмайди инсон барибир.
 Мен куйлайвераман қолгунча тилдан,
 Еру кўк аслида бир жону, бир тан,
 Ойу юлдузлари бўлгани билан
 Ватан бўлолмайди осмон барибир.
 Тилимнинг учида асраган гапим,
 Қуёшнинг нуридек сочилиб кетди.
 Ҳатто ўзимдан ҳам сир тутган дардим
 Юракка чирмашиб очилиб кетди.
 Сиз энди қуёшнинг нурларин тўсманг
 Ўзимни кўярга жой топгунимча.
 Аёзда очилган гулга қўл чўзманг
 Тоғ каби юраги музлаб қолгуча!

Бу шеърый сатрлар талабалар фикр оламига, тасаввур дунёси, қалби дунёни она юртини аслича, бор қиммати билан идрок қилиши, қалби билан хис этиши, юрт таровати унинг ҳар бир ғиёҳи, суви, тупроғи, тоғу-тош, боғ-роғлари, тарихий қадриятлари, маънавий ҳазинасини авайлаб-асраш, ўзи ва тингловчиларда меҳр ва эътиқод уйғотиш жараёнларига тавсия қилинади. Ёш ижодкорларнинг юрт севарлиги табиат оламини, ўзи яшаётган муҳит, ҳалқи ватанини чин инсоний муҳаббат билан сева олиши унинг ижодкор шахс

сифатида шаклланиши учун аҳамияти беқиёсдир. Бу матнларни гуруҳ иши учун ҳам айрим талабалар билан ишланиш жараёни, гуруҳ талабалари иштирокида ишланса уларнинг ибрат ва хулосаларига йўлланма бўлади.

Муаллиф матнини ўрганиш, таҳлил қилиш ва асар устида ишлаш жараёнида муаллифнинг асарни яратиш тафсилотлари, унинг дунёга келиши сабаб бўлган воқеалар тизими, тасвирдаги давр руҳи, манзаралари тафсилотлари қаҳрамонларининг ҳаёти, мақсади интилишларини қиёфаси, ҳулқи атвори, фазилатларини чуқур ўрганиш ижровий етукликнинг асосларидан биридир. Шу ўринда асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган машҳур Америка адиби Ирвинг Стоуннинг Оксфорд университетидеда ўқиган маърузадан айрим фикрларини қиёсан келтириш саҳнавий сўз ижрочилик санъатини эгаллаш учун фойдалидир:

«Биографик қисса бир инсон ҳаётининг ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳаққоний тарихи бўлиб, унда ҳаётдан олинган ҳикояларга сайқал берилади ва муаллиф томонидан чинакам бадиий асар даражасига кўтарилади. Бу жанрнинг асосида сюжетларни етказиб берадиган энг яхши маъна инсондир ва шу маънода инсон ҳаёти битмас тугамас ҳазинадир, деган эътиқод ётади».

/Жаҳон адабиёти № 7. 2000 йил. 147-бет. Ирвинг Стоун:

Биографик қисса ҳақида./

Ирвинг Стоун ҳозирда асарлари бебаҳо саналадиган мусаввир Винцет Ван Гогнинг биографик қиссасини яратиш учун ўзининг Оврўпага келиб, Винцет юрган йўлларни бир-бир босиб ўтгани, у Боринжда тушган шахтага тушгани, Дениз хонимнинг нон дўкони ёнида у ижарага турган уйда ижарага тургани, Ван Гог каби Голландияда бир руҳонийни уйда яшагани, Франциянинг жанубини бошданоёқ яёв кезгани Сарик уйда ишлагани, Ван Гогни ётқизишган психиатрия ҳастахонасида яшагани, ниҳоят Овердаги кичкина меҳмонхонада Ван Гог вафот этган ҳонада, у вафот этган тўшакда бир кеча ётганини эътироф этади. /Жаҳон адабиёти № 7. 2000 йил. 152 бет./ Ирвинг Стоун, Эрнст Хемингуэй билан учрашганида Хемингуэй шундай деган эди: Тўқима-аслида йўқ нарса. Биз нимаики ёзсак, уларнинг ҳаммасини бошимиздан кечирган воқеалардан оламиз ёхуд уларни бошқалар бошидан кечирганда кузатган бўламиз. / Жаҳон адабиёти. 2000 йил 156 бет./

Ёш ижодкор маънавиятининг бойишида унинг тасаввур оламининг ранг-баранглиги, билими дунёқараши бойлиги имконият қадар бадиёт, адабиёт, санъат асарларидан боҳабарлиги билан боғлиқдир.

Етук ижодкор бўлишнинг асосий шартларидан бири ижодий фантазиянинг бой, бетакрор намуналаридан бўлмиш жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан, тасвирий санъат, мусиқа, театр, кино, телевиденияда

яратилган энг етук сара ижод намуналарини чуқур ўрганганлиги билан фарқланади.

Талабани янада топқирликка изланишга машғул қилиб унинг тасаввурини бойитиш, талаффуз маҳорати, тасаввур олами жонли табиий сўз санъати уйғунликда такомиллашиши учун кўплаб турли мураккаблаштирилган машқлар билан мунтазам шуғулланишини талаб қилади.

Турфа товушли машқлар.

Товушларнинг унли ундош товушларни ёндош келиши орқали «Товушмачок» машқи ҳам товушларнинг аниқлиги, талаффузнинг эркинлиги устида ишлаш жараёни билан машққа яна қатор қўшимча вазифалар, шарт-шароит асосида мақсад, ҳати-ҳаракат имлолар қўйилади:

Драматик йўналишда таҳсил олинаятган талабалар учун мутахассислиги доираси ва йўналишда вазифа қўйилса Мусиқали театр актёрлиги, Қўғирчоқ театри актёрлиги, режиссёрлик йўналишларда ўзига ҳос вазифалар белгиланади:

- «Уд-жвз-мдр» товушлари орқали гўё бозорда сотувчилар
- ўзларининг турли молларига узлуксиз ва фаол ҳаридор чорлайдилар.
- «Фкм-чкм-чтп-бдупп» асаб қўзғатадиган тасаввурдаги
- воқеалар таъсиридан сўнг асабий одамлар изҳори.
- «Чмс-чқрр, жғррр-жунғурр-мбдррмм-мчрчқтрмм» шоирона
- лирик орзулар изҳори.
- «Ҳбк-кракама-чутурр, уввптасс-жфвптрака» турфа ғийбатлар
- изҳори.
- «Ҳткрмрлл-пчптра-камкрракатурр» ҳайратовуз манзаралар
- тасвирлар, мақташ ҳайратга солиш.
- «Жувжумала жумбурр-жувара жабудурум» ҳавф-ҳатарлардан қатъий огоҳлантириш, фалокатдан асраш, олдини олиш, қўрқитиш.
- «Тумпарақа қарақатром ирапарақатраструри, торри қора
- қатритупара тру риро алфазра жмфзластрупп-жажа бажи-жо, жулфазлбрлор» ёмонлаш, фош қилиш, нафрат уйғотиш.
- Мусиқали театри актёрлиги бўлимида шу товушлар ва вазифага
- амал қилинган ҳолда товушларни ўзбекча, грузинча, ҳиндча, туркча, Африка ёки Европа ҳалқлари миллий мусиқа ритмлари орқали ҳам ишланиши мақсадга мувофиқдир. Товушларнинг турли ва ёндош келиши, ёдда қолиши қийин кечади, дастлаб ёзиб олиб ўқиб бериши мумкин, аммо мунтазам такрорлаб фикр ҳаракат ва тасаввур орқали

ишлаганда ёд олиниши қийин кечмайди. Аксинча, хотирани фикрлашни, тасаввурни жонлантириш учун ҳам қўл келади. Товушларни ёндош талаффуз қилиш нутқ аъзоларининг фаол ва эркин бурро ҳаракатланиши учун ёрдам беради:

- Нмлкз-злмкн-чт-трк-чрм трнмлл.
- Рррчтптрр-тпчтрчрқрмм.
- Фқғхчмрр рровв-роқо-руқо-роқомтррм.
- Ов-лоқо-роқотум рррақатом, товушлари орқали талабалар
- тасаввур ва фикран қуйидаги саволларга жавоб излайдилар: олдин товушлар орқали кейин сўз билан:
- Сиз учун бетакрор гўзал манзара, мавжудот, дарахт, сув ости олами, гуллар, ўсимликлар, тоғ денгиз, дарё, қиру-адирлар.
- Ғаройиб олам ҳақида таъсуротлар: ғорлар, турфа олам манзаралари, ўрмонлар, чакалзорлар, шаршаралар манзараси.
- Орроқоро руқоронг-онғқороғоччонг-унгақарақатронг-руқа-рақа тронг.
- Чийрақатунг-жумароқатунг-тупара-рапа-трупп.
- Жонг-жоқо-жунг-жума-ромом-жум.
- Тупура-пагу-турапа-тапара-тронг.
- Чухрақачунг-жумара-жужаромм.
- Бнн-жманомона-жумм.
- Тупрапатум-тонг-рақатум, тува-жаба-бдромм.
- Човражажу-жуваражужорр-рррото-проот.
- Турр-рапа-тп-томм-инг-кара-кичиринг.
- Чп-тп-тпчтрмм, гум-чаларап-чомм.
- Чанг-рақа-чумм-чумм-лим-дам-раба-дуба-ранг.
- Дам-раба-дуба-ранг-рапа-рапа-тупароп.
- Пурр-рапа-тупу-топ-апала-лупп-понг.
- Лупала-лупанг-тқрм-қчмрқчмрр.
- Зул фазл фулумучутурумбудурм.
- Жума-рама-рамажум-жуфу-зу будубрмм.
- Аллақа-ландон-уллақа-лонг.
- Жумана-мажом-жом-на-мадум-оважа-бу-жом.
- Овово-вудо-увводо-ди-донг-лола-ла-ли-ловв.
- Лувв-ла-ла-ли-ло-лов-лов-ло-лудонг.
- Ҳовло-ло-луловв лов-ло-ло-лў-лў-ловв.
- Ҳабара-ҳубурр-жумара-жўмолл.

- Можи-мужи-мужолл-можи-мужу-мужоломм.
- Мрқрумурр-мура-қурумурр ввр вдурумм.
- Бдрмдр-млм-мдрр-бдмдрмм-мк-мклмм.
- Нмррқччмм зззбдмм бдз-бдммфчзбдм.
- Бзмлкз млмбдрр фзмдзм млчтмрр.

Товушлар орқали:

Мен соғинган машғулот, манзара, сиймо, таом, томошо, воқеа, мева ва бошқа тафсилотлар эсланиш тавсия этилиши ёш ижодкорларни тасаввурлари ранг-баранглиги ва унинг товушлар орқали етказишга уруниш ўқувини ривожлантиришларига ёрдам беради.

Талабанинг эркин тасаввур ва товушлар талаффузи машқларидан сўнг турли мавзулардаги шеърлар, воқеа адабий матн, ҳикматлар, публицистик тасвирлар орқали амалий ижродаги натижасини эшитиб кўриш, таҳлил қилиш фикр алмашишга тавсия этилади:

Шу ўринда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг XXI асрга шеъри гуруҳли умумий иш учун тавсия қилиниши мақсадга мувофиқдир:

Салом, янги аср!
 Адашган сайёд
 Нотаниш эшикни аста қоққандай,
 Бўсағанг олдида бул инсоният
 Ҳадик, умид билан сенга боққандай
 Мангу яшамокнинг ишқида ёниб,
 «Янги хужайра»лар кашф этган одам,
 «Озон туйнуги»нинг йиртиғин топиб,
 Минг йиллар сўроғин сўраб дамодам.
 Сенинг кимлигингни била олмасдан.
 Бўсағангда туриб боши қотади.
 Бир телба кимсадай ақлдан озган,
 Қирқ минг ҳаёл билан ўйга ботади.
 Сен қандай бўларсан?
 Тимсолинг қандай?
 Ҳавф-ҳатардан
 Ҳапқиради ҳаёлим
 Ўт-муз билан ўйнаб бораётгандай,
 Рухиятни қийнар ҳамма саволи,
 Аҳлу-илм, заковат тиллар топишиб,
 Жаҳон лол қолгудай стрларни очар,

Ва лекин манфаат, феъллар тўқнашиб,
 Дунё-беварака кулбага ўхшар,
 Одамзод бўл уйда бир яшаб туриб
 Бир-бирин севиб ҳам жирканётгандир,
 Шайтон ҳозир компьютерга ўтириб,
 Инсондан тажриба ўрганаётир.
 Жаҳон бозорида нелар йўқ ҳозир
 Сотилади қонли қирғин қуроли
 Бизни ишқи билан чопқилаб давр,
 Доллар келар йўлга тузоқ қуради.
 Бул даврнинг ғалат атамаси кўп.
 «Мафия», «Коррупция», «Террор» яна не
 «Наркотик», «Маняк», «Спид»-дилнинг жабри кўп,
 айтсанг ғам босади кўнгил ҳонани.
 «Ўзим бўлай деган қадимий иллат,

Инсон кўнглин зах сув каби жойлаган.
 Нафсу такаббурлик тикани гуллаб,
 Қурол билан бола каби ўйнаган.
 Ётсираб эл-элни, инсон инсонни,
 Бажҳонада тўхтатиб йўл дарбандлари,
 «Ўтиш даври» деган қаттол замонни,
 биз ўтаётимиз анчадан бери.
 Сен бунга не дейсан эй янги аср?
 Келажакка не тайёрлаётирсан?
 Сендаги мурувват, ақлу-тафаккур
 Қай аҳволда? Қандоқ кутаётирсан?
 Эски асринг яхши ёмон меросин
 Сен албатта қабул қилиб оларсан
 Одамзоднинг феъли, бузуқ дунёсин,
 Тузайман деб кўп ҳаракат қаларсан.
 Лекин сен эргашиб эски асрга,
 Унга ҳавас этма, сақла сал ибо.
 Инсонни ажратма қара орийга,
 Ҳалқлар тақдирини қилма тажриба.
 Бизлар кўрдик ғафлат кетганда ошиб,
 Дарёлар терс энди, денгиз кувради
 Бир-бирига ёвуз урушлар очиб
 Одам ўқлар отди, қирди увлади.
 Лекин инсониятда зўр бир умид бор

Дунё эзгуликка таянаётир.
Ўзини таниган ҳалқлар баҳтиёр
«Мустаққил ҳаёт» деб уйғонаётир
ёвузлик такаббур қирғинлар иши,
у ҳозир ҳеч кимга бошини энмас,
лекин қай маконда ҳалқ деган киши
тинч, аҳл-фаровон яшашни суймач?
Кел сен янги аср!
Ўрнат адолат.
Умид жайхунтдай тошиб тўлгайсан!
Ақл қурилтойин чорлаб одамзод,
Қиёси йўқ олтин аср бўлгайсан.
Биздан ақллироқ, баҳтлироқ авлод
Келиб янги асрнинг хур болалари,
Бағрингда топишиб меҳри-мурувват
Туташсин дўстликнинг «ипак йўллари».

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс. Педагогика бўйича яратилган адабиётларни ўрганиш шунинг кўрсатдики, уларда —Таълим жараёни тушунчасининг моҳияти турлича ёритилган.

Таълим жараёни – бу:

1. Ўқувчиларга билимларни бериб, уларда кўникма, малакаларни бериш орқали у ёки бу даражада уларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш (ўқитиш)га қаратилган фаолият.

2. Ўқувчилар томонидан БКМнинг ўзлаштирилиши (ўқиши)ни таъминловчи жараёнини бошқаришга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти (чунки ўқитиш ва ўқитиш – таълимнинг ўзаро алоқадор ва ўзаро шартланган томонларидир).

3. Ўқитувчининг ўқувчилар томонидан БКМни онгли ва пухта ўзлаштирилишига йўналтирилиб, бу жараёнда билимларнинг мустаҳкамланиши, ақлий ва жисмоний меҳнат маданияти элементларини ўзлаштириш, дунёқарашни бойитиш ва ўқувчилар хулқ-атворининг шаклланишини таъминловчи раҳбарлиги ва ҳаракатларининг изчиллиги.

4. Ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида БКМни ўзлаштириш, қобилиятларини ривожлантириш ва дунёқарашларини шакллантиришга қаратилган фаол билиш фаолияти.

Саволлар:

1. Улардан қайси бири таълим жараёнининг моҳиятини тўла ёритади?
2. Фикрингизни қандай асослайсиз?

Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:

—Педагогика фанига оид бир неча манбалар.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил) ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.

2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.

3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.

4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.

5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими

1. Мазмунига кўра барча таърифлар ҳам таълим жараёнининг моҳиятини ёритишга хизмат қилади. Бироқ, муайян фан ҳар бир категория бўйича ўзининг аниқ терминологиясига эга бўлиши, тушунчалар воқеа, ҳодиса ёки жараённинг умумий тавсифини, объект ва предметларга хос муҳим белгиларни ёритишга хизмат қилиши зарур.

2. Келтирилган таърифлар асосида тегишли жараёнга хос умумий тавсифлар негизида тушунчани қўйидагича шарҳлаш мақсадга мувофиқ: таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилган ҳолда илмий билим, уларни амалиётда қўллаш кўникма, малакаларини ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

2-кейс.

Биринчи синфда ўқиётган Дилшод шеърни ифодали ўқиб бергани учун —беш баҳо олди. Ўқитувчи уни бунинг учун мактади. Дилшод уйга қайтгач, шошганича, бу хабарни ойисига айтди. У, ҳатто, ўзи ёд олган шеърни ойисига ҳам ўқиб бермоқчи бўлди. Аммо, ойиси Дилшоднинг хабарини совуққонлик билан тинглади ва ўғлига қайрилаб ҳам қарамасдан деди:

- Беш олдингми? Жуда соз, баракалла, - энди овқат тайёрлашимга халақит бермагин-да, ўйнаб кел!

Дилшод тушлик ҳам қилмай кўчага чиқиб кетди.

Саволлар:

1. Вазиятни қандай баҳолайсиз?
2. Дилшоднинг онаси тарбиянинг қайси тамойилларига зид иш қилди?
3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига қандай таъсир ўтказди.

Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:

- Педагогика ва
- Психологияга оид адабиётлар.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқланг.
3. Аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган, энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратинг.
4. Ана шу тамойил (тамойиллар) асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқлайди.
3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратиб олади.
4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган тарбия тамойили (иккита тамойил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими

1. Ниҳоятда ёқимсиз вазият. Онаси Дилшоднинг мактабга қандай бориб келганлиги билан ҳам қизиқмади.
2. Дилшоднинг онаси тарбияда боланинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, тарбия жараёнида рағбатлантириш тамойилларига зид иш қилди.
3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига салбий таъсир ўтказди, аста-секин унда кўрслик, бефарқлик, ўз-ўзини паст баҳолаш, ўзига ва атрофдагиларга ишонмаслик каби хислатлар шаклланади.

3-кейс.

1. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шаклларни аниқлаш.
2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали методларни танлаш.
3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи тарбия воситалари белгилаш.

Тингловчилар учун методик кўрсатмалар

1. Тегишли адабиётлардан шакл, метод ва восита тушунчалари қандай маъно англатишини ёдга олинг.
2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари ва шахс маънавиятини шакллантириш жараёнларининг моҳиятини чуқур ўрганинг.
3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситалар аниқланг.
4. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситаларини тизимлаштиринг.
5. Кўзгазма методи ёрдамида оила тарбиясининг талабалар маънавиятини юксалтиришдаги самарали шакл, метод ва воситалари асосида плакат ишланг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.
3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.
4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

VI. ГЛОССАРИЙ

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Актёрликка оид маҳорат фанлари	ташкилий ва бадий мақсадларга эришиш учун талабалар ва шу соҳанинг вакилларига бериладиган сабоқлар соҳага мўлжалланган дарслар ОТМ ёки ташкилотнинг қарори билан белгиланади.	an integrated management process which sees mutually satisfying exchange relationships with customers as the route to achieving organizational and artistic objectives
Режиссёрликнинг ўзига хос тенденциялари	Маълум бир кинофильм ёки спектаклни намойиши ёки тайёрланишига қаратилган сценарий асосида яратилаётган бадий асарни намойиш этишда зарур бўладиган қонун-қоидалар.	an economical and cultural relationship system of fine and applied arts, where artwork's supply and demand are formed, aesthetic price and material value are assessed
Режиссёр	Спектакл ёки кинофильм сахналаштиришга маъсул бошлиқ ёки раҳбар.	a process of buying and selling goods or services by offering them up for bid, taking bids, and then selling the item to the highest bidder.
Интерпретация	Киноасар ва спектаклни олиниш жараёнини тезлаштиришга хизмат қилувчи муҳим омил.	the variables, such as price, promotion, and service, managed by an organization to influence demand for a product or service
Кинокампания	Турли хилдаги кинофилмларни ишлаб чиқарувчи ва улар устидан бевосита назорат қилувчи давлатга қаршли ёки хусусий ташкилот.	it's not only organisation's successful operation in the past, but also a result of activity condition in the present and future
Саҳна декорацияси	Кино ёки спектаклни намойиш қилишга керак бўладиган қурилмалар мажмуасига айтилади.	feasible consumers, possible consumers
Антракт	Актёрларга фильм ёки спектаклни намойиш оралиғида дам олиш учун бериладиган танаффус.	the general impression that a person, organization, or product presents to the public
Сахналаштириш	Асарнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб унга муносиб актёрларни танлаб намойиш қилишга таёрланиш жараёни.	the establishment of objectives and the formulation, evaluation and selection of policies, strategies, tactics and actions required to achieve them

Афиша	конофильм ёки спектаклни намойиши намойиши қачон бўлиши тўғрисидаги томошабинларга хабар етказишни одатий усулига айланган қоғоз воситаси.	a strategy indicating the specific target markets and the types of competitive advantages that are to be developed and exploited
Фон	Кинофильмлар ёки спектакл тайёрланиш жараёнида сахна ва иншоатларга бериладиган тасвир ранги у кино нуфузи ва савиясини ҳам белгилайди.	a paid form of non-formal communication that is transmitted through mass media such as television, radio, newspapers, magazines, direct mail, public transport vehicles, outdoor displays and Internet
имидж	Сахнада роль ижро этаётган актёрнинг одатий соч турмаги ёки кийимлардан фойдаланиши.	a person or company that buys and sells works of art
Сюжет	Асарни кейинги сахна куринишлари билан боғлашга хизмат қилувчи бадиий сар унсурларидан бири	the practice of creating, promoting, or maintaining goodwill and a favourable image among the public towards an institution, public body
Роль	Актёрга бажарилиши керак бўлган ижро воситаси у сценарийда қандай бўлса шу тарзда амалга оширилиши лозим.	the giving out of information about a product, person, or company for advertising or promotional purposes
Продюссер	Фильм ёки спектаклни бошдан охиригача инвентарлар ва актёрларни моддий қўллаб-қуватловчи раҳбар.	a strongly felt aim, ambition, or calling

VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

- Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
- Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
- Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2018. – 507 б.
- Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаётовон бўлади. 3-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 2019. – 400 б.
- Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
- Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон Қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ПҚ-4068-сон Қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4584-сон Қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь

“2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли [Фармони](#).

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли [Фармони](#).

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли [Фармони](#).

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

Ш. Махсус адабиётлар

- С.Иномхўжаев, Л.Хўжаева “Бадий сўз маҳорати” қўлланма. “Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат” нашриёти. Т – 1972 йил.

- С.Иномхўжаев “Бадий ўқиш асослари” ўқув қўлланма. “Ўқитувчи” нашриёти. Т-1973 йил.

- Н.Алиева “Санъат – менинг ҳаётим” услубий қўлланма. “Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат” нашриёти. Т-1975 йил.

- С.Иномхўжаев, А.Зуннунов “Ифодали ўқиш асослари” ўқув қўлланма. “Ўқитувчи” нашриёти. Т-1978 йил.

- А.Сайфуддинов “Адабий асар ва ижрочилик маҳорати” ўқув қўлланма. “Фан” нашриёти. Т-1980 йил.

- И.Джуманов “Қўғирчоқлар сўзлайди” Т-1992 йил.

- А.Сайфуддинов “Саҳна нутқи” (Хрестоматия) “Ўқитувчи” нашриёти. Т-1994 йил.

- И.Пўлатов “Саҳна нутқи” ўқув қўлланма. “Ўқитувчи” нашриёти. Т-1994 йил.
- Р.Усманова “Нутқ санъатида тез айтишнинг аҳамияти” қўлланма. Т-1995 йил.
- М.Исроилов “Диалог устида ишлаш” қўлланма. Т-1995 йил.
- М.Исроилов “Нутқ санъатида психологик паузанинг аҳамияти” қўлланма. Т-1997 йил.
- А.Носирова “Шахс ўйин маданияти” монография. “А.Қодирий номидаги халқ мероси” нашриёти. Т-2001 йил.
- А.Носирова “Жонли сўз санъати асослари” ўқув қўлланма. М.Уйғур номидаги ТДСИ нашриёти Т-2003 йил.
- М.Исроилов “Монолог устида ишлаш” қўлланма. М.Уйғур номидаги ТДСИ нашриёти. Т-2003 йил.
- Б.Бобоназарова “Саҳна нутқи” ўқув қўлланма. Т-2004 йил
- Р.Жуманиёзов “Нутқий маҳорат” қўлланма. “Адолат” нашриёти. Т-2005 йил.
- З.Алимжанова, А.Тўлаганов “Саҳна нутқи” ўқув қўлланма. “Фан” нашриёти. Т-2005 йил.
- И.Джуманов “Ҳаётбахш сўз санъати асослари” қўлланма. Т-2006 йил.
- А.Тўлаганов “Шеърый асарлар ижро маҳорати” ўқув қўлланма. “Муסיқа” нашриёти. Т-2006 йил
- З.Алимжанова “Саҳна нутқи” (Хрестоматия) Т-2007 йил.
- Х.Джулдиқораева “Саҳна тили билимдони” қўлланма. “Қуро-Принт МЧЖ” нашриёти Т-2007 йил.
- И.Джуманов “Саҳна нутқи” ўқув қўлланма. “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти. Т-2007 йил.
- Х.Джулдиқораева “Саҳна нутқи” (Талаффуз техникаси) қўлланма. Т-2008 йил.
- Ў.Нурмухаммедова “Саҳна нутқи” ўқув қўлланма. М.Уйғур номидаги ТДСИ нашриёти. Т-2008 йил.
- Г.Холиқулова “Саҳна нутқи” (Тарихий драмалар талқинида) ўқув қўлланма. “Карлоо” нашриёти. Т-2008 йил.
- А.Носирова “Жонли сўз санъати асослари” (Қорақалпоқ тилида) ўқув қўлланма. “Принт-Граф” нашриёти Т-2008 йил
- М.Ходжиматова “Саҳна нутқи техникаси ва ижрочилик маҳорати” мультимедия. Т-2008 йил.
- А.Носирова “Жонли сўз санъати” ўқув қўлланма. “Муסיқа” нашриёти. Т-2009 йил.
- Р.Қодиров “Кўнгилдан ўтказганларим” рисола. “Фан ва технология” нашриёти. Т-2009 йил.
- А.Тўлаганов “Саҳна нутқи” дарслиги. “Муסיқа” нашриёти. Т-2010 йил.

- М.Ходжиматова “Саҳна нутқи” ўқув қўлланма. “Янги аср авлоди” нашриёти. Т-2011 йил.
- М.Ходжиматова “Саҳна нутқи” (Хрестоматия). “Янги аср авлоди” нашриёти. Т-2011 йил.
- А.Носирова “Саҳна нутқи” дарслиги. “Тафаккур-бўстони” нашриёти. Т-2013 йил.
- “Саҳна нутқи масалалари” (Мақолалар тўплами) “Абу матбуот-консалт” нашриёти. Т-2014 йил.
- Ш.Юсупов “Бошловчилик маҳорати” ўқув қўлланма. “Наврўз” нашриёти. Т-2014 йил.
- И.Джуманов “Бадий сўз маҳорати” ўқув қўлланма. “Абу матбуот-консалт” нашриёти. Т-2015 йил.
- Р.Қодиров “Режиссура асослари” (Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев ижоди мисолида) монография. “Наврўз” нашриёти. Т-2015 йил.
- Р.Жуманиёзов “Таълим, Тарбия, Тафаккур, Тараққиёт” (Чизгилар) – “Абу матбуот-консалт” нашриёти. Т-2015 йил.
- М.Исроилов “Монолог, диалог ва психологик паузанинг аҳамияти” “Наврўз” нашриёти. Т-2015 йил.
- Г.Холикулова “Саҳна асарларидаги қаҳрамон характери талқин қилишда замонавий коммуникатив технологиялардан фойдаланиш услубияти” монография. “Фан ва технолгия” нашриёти. Т-2015 йил.
- Р.Жуманиязов “Нотиклик санъати” ўқув қўлланма. “Лессон-Пресс” нашриёти. Т-2016 йил.
- Р.Қодиров “Актёрлик маҳорати” ўқув қўлланма. “Наврўз” нашриёти. Т-2018 йил
- Р.Қодиров “Нотиклик санъати” ўқув қўлланма. “Наврўз” нашриёти. Т-2019 йил
- Р.Қодиров “Нотиклик санъати” дарслик. “Наврўз” нашриёти. Т-2019 йил
- М.Ходжиматова “Саҳна нутқи” ўқув қўлланма. “Наврўз” нашриёти. Т-2019 йил
- Н.Алиева “Санъат – менинг ҳаётим” Г.Халикулова томонидан қайта тўлдирилган наشري. Монография. “Наврўз” нашриёти. Т-2015 йил.
- Д.Жуманова “Саҳна нутқи” (Янги тарих) рисола. “Наврўз” нашриёти. Т-2020 йил
- Д.Жуманова “Саҳна нутқи” хрестоматия. “Наврўз” нашриёти. Т-2020 йил

IV. Интернет сайтлар

- <http://edu.uz> <http://lex.uz>
- <http://bimm.uz>
- <http://ziyonet.uz>

- <http://www.dsmi.uz>.
- <http://www.kino-teatr.ru>
- <http://www.artsait.ru>